



TOSHKENT
16-17 APRIL 2013

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ-
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ
ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ
ОМИЛИ**

ТОШКЕНТ-2013



TOSHKENT
16–17 APRIL 2013

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ –
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ
ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ
ОМИЛИ**

ТОШКЕНТ – «О'zbekiston» – 2013

УЎК: 323.69 (Ўзбекистон 575.1)

КБК 38.75

3-30

ISBN 978-9943-01-967-6

© “O‘ZBEKISTON”, НМИУ, 2013



**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



**“ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ
ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Хурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакилларини, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларни – бугунги конференциянинг барча қатнашчиларини кутлаш, ушбу форумда иштирок этажтанинг изхор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан баглик кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда баркарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги конференция учун танланган

кишлoқда уй-жой курилишининг роли ҳакидаги мавзунинг долзарблиги түгрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой курилиши соҳасига тўғри келаётгани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой курилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармокларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат жаҳон молиявий-иктисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланаётганига қарамасдан, бу маблағлар якуний истеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иктисодий инқироздан чиқиша жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чикарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даржаси нихоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар ноль қийматгача тушиб кетаётганига эса ишониш қийин.

Мухтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иктисодий инқирозни юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иқтисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмаяпти.

Бундай шароитда уй-жой курилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма – коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоклари, замонавий курилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири – аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат килиши лозим бўлған йўналишга айланмоқда.

Аксарият давлётларининг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой курилиши ва инфратузилма соҳасини тараккиётнинг

устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930 йиллардаги инқироз даврида АҚШда Президент Рузвельт якка тартиbdаги уй-жой курилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислоҳот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи ахамият касб этди.

Ўз вактида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Хурматли конференция қатнашчилари!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модель – қишлоқда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўпланиб колгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчалик авж олган эди.

Бу аслида нимани англатар эди?

Қишлоқда уй-жойлар ахоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, худудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи – ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ ахолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш саноати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари – хом ғиштдан қурилар, хоналарига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида асосан асбест шиферлардан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармогига, электр энергияси ва газ тармогига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги курилган уй эгаларининг тиббиёт муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, бозорлар, ҳовлисига олиб борадиган йўл, яъни оиланинг қулай шароитда яшаши учун зарур бўлган инфратузилма билан таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани хақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирги вактда Ўзбекистон аҳолисининг кариб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини хисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ҳар йили 150 мингдан ортик янги оила вужудга келмоқда, мустақил тараққиёт йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги кунда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой куриш бўйича узок йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни қайта кўриб чиқиш вакти келгани, буни ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда намунавий лойихалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар куриш дастурининг мухим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал мазсалалардан бири – уй-жой курилишининг қонунчилик, хуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда ислоҳ этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлизлиги хақидаги принципга асосланган ҳолда кабул килинган Уй-жой ва Шахарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги қонуни, бошқа қонун ва меъёрий хужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш хуқуки мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой куриш учун ер участкалари бир оиласга 6 сотих хисобида умрбод мерос қилиб олиш хуқуки билан

бепул ажратилаётганини алохидა таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларда уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойихалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобиль йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган мухим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олинниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шоҳобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойихалар асосида барпо этилмоқда.

Кишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алохида эътиборга лойик масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оиласларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-хунар коллажларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик мухим аҳамиятга эга эканини ўзингиз бир тасаввур килинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратишни истардим. Қишлоқда яшайдиган одам

уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй кийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узок муддатга – 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича – биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан – 7 фоиз миқдоридаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз миқдорида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Кишлок жойларда якка тартибда уй-жой куриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой масивларини комплекс куриш режасини ишлаб чиқиши “Кишлок курилиш лойиҳа” ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт курилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини хам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар курилишини кредит асосида молиялашни шу максадда ташкил этилган “Кишлок курилиш банк” акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар миқдоридаги маблағга тенгдир.

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида кишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой курувчига қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш хамда ижтимоий инфратузилма обьектларини барпо этаётган курилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни хам кредит билан таъминламоқда.

Кишлок жойларда якка тартибда уй-жой куриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари – Ташки иктисадий фаолият миллий банки ва “Ипотека банк” акциядорлик-тижорат банки хам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан куриш борасидаги ҳамма ишлар “Кишлок курилиш

инвест” ихтисослаштирилган инжинииринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча худудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларда уй-жой массивларини сифатли куриш бўйича ягона сиёсатни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз худудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи курилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга якин курувчи меҳнат қилмоқда, замонавий курилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил килинди. Кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди.

“Қишлоқ курилиш банк” кредитлари хисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устами фоизларини коплашга йўналтириладиган даромад соликларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солик тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда уй-жой куришда иштирок этаётган “Қишлоқ курилиш инвест” инжинииринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва курилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги соликлар ҳамда максадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган курилиш техникикаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун курилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир квадрат метри шахардаги уй-жой қийматидан бугунги кунда ўртacha 2 баробар пастдир.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009–2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой куриш бўйича маҳсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой курилди. Ушбу максадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732

километр асфальтланган автомобиль йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Хозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларда уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви худудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитларга эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпdir. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, карийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.

Биз учун, айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шакланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани бекиёс аҳамиятга эгадир.

Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан ҳақиқатан ҳам фаҳрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича маҳсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида

мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё тараккиёт банки Директорлар кенгаси томонидан жами 500 миллион АҚШ доллары микдоридаги “Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ривожлантириш” лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу маблағнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб Осиё тараккиёт банки ва бошқа ҳалқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда қўрсатаётган қимматли ёрдами учун чукур миннатдорлигимизни изхор этмоқчиман.

Хурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиланишлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, туб ўзгаришларни тадрижий, босқичма-босқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустаҳкам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизида миллий иқтисодиётимиз барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси муттасил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг ҳалқаро микёсдаги обруй-эътибори юксалмоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада аниқ рақамларни келтирмокчиман.

Глобал молиявий-иктисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги саноқли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етарлилиги таъминланмоқда. Ташки қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб колмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиғи соғлиқни саклаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият қўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу қўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юкори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият қўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йирик инвестиция лойихалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошиди ва сўнгги йилларда ўртacha камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи – шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрардим – ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан кўпрогини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80 фоизга якини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошиди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капитали 15 миллиард долларга етди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демократик ва иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганининг яна бир тасдигидир.

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуман кун тартибига киритилган масалаларни тўлик мухокама этиш, ушбу серқирра муаммонинг барча жиҳатини камраб олиш имкони йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Кишлоқда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиямизни шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борада тўпланган кимматли тажрибани эътиборга олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшитиш биз учун жуда фойдали ва муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, чет эл банклари ва компаниялари, олимлар ҳамда эксперплар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш – кишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Мұхтарам мәхмөнлар ва халқаро конференция иштирокчилари, сизларнинг тимсолингизда, биз, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация килиш йўлида эришилаётган ютуқлардан чин дилдан манфаатдор бўлган инсонларни кўриб турибиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ўзимнинг чукур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни яна бир бор изхор этмоқчиман.

Конференциянинг барча қатнашчиларига анжуман иши самарали бўлишини, азиз мәхмөнларимизнинг саховатли ўзбек заминига ташрифи мазмунли ўтишини ҳамда барчангизга мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда муваффакиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД МУҲАММАД АЛИНИНГ НУТҚИ

**Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов
Жаноби Олийлари!**

Конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Бугун ушбу конференцияда маъруза килиш ва бу ерда тўпланган ҳурматли олимлар, сиёсатчилар, мутахассисларга банкимизга аъзо мамлакатлар ва ҳамжамиятлар учун муҳим аҳамиятга эга ҳамда келажакка дахлдор мавзу юзасидан мурожаат килиш менга катта мамнуният бағишлийди.

Ислом тараққиёт банки гурухи номидан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқига самимий қабул ва меҳмондўстлик, жаҳонга ўзининг бой тарихи билан машҳур ушбу гўзал шаҳар – Тошкентда ҳаётий муҳим мавзуда мазкур конференцияни ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ижтимоий-иктисодий тараққиёт масалаларига бағишлиган ушбу халқаро форумни ташкил этиш ташаббусини юксак қадрлаймиз.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига мазкур тадбирни қўллаб-куватлагани учун самимий миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Халқаро ва миллий ташкилотлар, хусусий сектор ва илмий доираларнинг ушбу муҳим анжуманга катта қизиқиш билдирганидан ниҳоятда хурсандман.

Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, унинг тараққиёт йўлидаги халқаро ва миллий ҳамкорларининг қишлоқ жойларини модернизация килиш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилаш, иктисодий ривожланиш ҳамда аҳоли бандлигини оширишга оид мақсадларни рӯёбга чиқаришга интилишининг ёрқин далилидир.

Анжуман натижалари кишилек худудларини тубдан ўзгартириси ва ривожлантиришни режалаштираётган ёки бундай эзгу ишларни бошлишга киришаётган, бу борада Ўзбекистоннинг муваффакиятли тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлган бошка мамлакатлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан Ислом тараққиёт банки гурухи номидан Ўзбекистон ҳукуматига Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга ошираётган улкан саъй-ҳаракатлари – кишилекни ривожлантириш борасида ҳалқаро ҳамкорлар билан биргаликда самарали ташаббусларни рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ишлари учун миннатдорлик билдиришни истардим.

Таъкидлаш жоизки, кишилек худудларини ривожлантириш бўйича ушбу ташаббуслар минглаб кишилек оиласарини замонавий, қулай, нисбатан арzon уй-жойлар билан таъминлаш, кишилек инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тегишли тармоқ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада ривожланишини рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва пиравард натижада кишилекларнинг киёфасини тубдан ўзгартириси орқали уларнинг турмуш шароитини юксалтиришга хизмат килмоқда.

Хурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Кишилек жойларни комплекс ривожлантириш ташабbusi – бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисмидир ва моҳиятига кўра, иқтисодий ислоҳотларнинг “ўзбек модели” самарадорлиги ва изчиллигининг амалдаги яна бир тасдигидир. Ушбу модель макроиктисодий ривожланишнинг барқарор юкори суръатларини таъминлаш билан бир каторда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, мувозанатли иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадларини ўзида мужассам этган.

Кишилек жойларни комплекс ривожлантириш ташабbusi ишлаб чиқариш кувватларини, шунингдек, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли дастурлар билан мутаносиб равища амалга оширилаётганини алоҳида кайд этиш зарур. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг мувозанатли иқтисодий тараққиёт йўлини танлаганидан далолатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ёшлардан иборат бўлиб, унинг учдан бир қисмини 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади.

Бундан ташқари, аҳолининг қарийб ярми кишлоқ жойларда яшайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг умумий ижтимоий-иктисодий тараккиёти учун қишлоқни модернизация қилиш ва ривожлантириш нечоғлиқ муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти буни чукур хис этган ҳолда, қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иктисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган дастурларга катта миқдорда инвестициялар йўналтирмоқда. Шу муносабат билан 2009 йилда маҳсус давлат банки ташкил этилгани ва унинг қишлоқни, жумладан, қишлоқ уй-жойлари ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари учун имтиёзли молиялашдан фойдаланишни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлашни истардим. Ушбу ташабbusлар самараасида қишлоқ туманларида аҳоли турмуш даражаси янада юксала бошлади.

Президент Жаноби Олийлари!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банкига 2003 йил сентябрда аъзо бўлган. Ўтган вақт мобайнода Ислом тараққиёт банки гуруҳи молия институтлари томонидан мамлакатга йўналтирилган маблагларнинг умумий қиймати бир миллиард доллардан, лойиҳалар сони ўттиз саккизтадан ошди. Ўтган йилнинг ўзида банк ва Ўзбекистон ҳукумати соғлиқни саклаш, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соуасида қиймати 227,7 миллион долларлик учта лойиҳа бўйича битим ҳамда институционал ривожланиш грантини имзолади. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг фаолияти изчил ва ранг-баранг бўлиб, қишлоқ туманларини, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим ва соғлиқни саклаш соҳаларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки гуруҳи умумий фаолиятининг узвий қисми сифатида янги лизинг компаниясини ташкил этди. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси яқинда Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида таксимлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблаг ажратди. Мазкур лойиҳа мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги

бизнес-лойиҳаларни, хусусан, қишлоқ ҳудудларида амалга оширишни кўпайтиришга хизмат қилиши лозим.

Яқин йиллар ичida Ўзбекистон ҳукумати билан самарали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни режалаштирумокдамиз. Жорий йилда банкимиз қатор муҳим лойиҳалар, чунончи, бир қанча гидроэлектростанцияларни модернизациялаш, кўплаб ирригация ва дренаж каналларини реконструкция қилиш, Ўзбекистон миллый авиакомпанияси ҳаво кемалари паркини модернизациялаш лойиҳаларини молиялаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиши мўлжалламоқда.

Ислом тараққиёт банки гурухи муваффакиятли тажрибамизга асосланган ҳолда, гурухнинг Ўзбекистондаги бўлғуси операциялари учун стратегик концепцияни ишлаб чиқиш бўйича мулоқот бошлашни режалаштирумокда. Бу жараён “Аъзо мамлакатлар учун шериклик стратегияси” деб аталади.

Бу эса Ислом тараққиёт банки гурухининг ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қиласди.

Негаки, мазкур стратегия манфаатдор томонлар маслаҳатлашувлари билан боғлиқdir. Ушбу ҳалқаро конференция натижалари бу борада муҳим манба бўлиб хизмат қиласди. Зоро, ундан стратегик мулоқот давомида фойдаланишимиз мумкин. Қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада оширишда жойлардаги эҳтиёжларга эътибор қаратиш Ислом тараққиёт банки гурухи томонидан Ўзбекистон учун ишлаб чиқилаётган шериклик стратегиясининг муҳим жиҳатларидандир.

Қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ёшлар бандлигини таъминлашга ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашаётган кичик бизнес тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаш зарур.

Мұхтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Қишлоқ туманлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда кўллаб-кувватлаб келаётган асосий йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунла банк томонидан

маъқулланган лойиҳалар умумий ҳажмининг 18 фоизини ташкил қилишини мамнуният билан таъқидламоқчиман. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга ошираётган операцияларнинг катта қисми транспорт ва энергетика тармоғи билан бирга, қишлоқ туманлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу қишлоқ туманларини модернизация қилиш ва ривожлантириш банкимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан эканини кўрсатади. Биз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва иқтисодий имкониятларини оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиз, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти билан яқин ҳамкорликда қишлоқ жойларида ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилмани модернизация қилиш бўйича эришаётган ютуқларимиз билан фаҳрланамиз. Қишлоқ туманларида инфратузилма ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларга қўшимча равишда банкимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутадиган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни ҳам молиялаштирумокда. Таълимга оид лойиҳаларда чекка қишлоқ туманларида 28 мактаб (айни пайтда уларнинг ўн бештаси фаолият кўрсатмоқда) ва бешта касб-хунар коллежини қуриш кўзда тутилган.

Ислом тараққиёт банки соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган тез тиббий ёрдам клиникаларини жиҳозлаш учун янги тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олишни молиялаштиришга, мамлакат ҳудудларида аҳоли учун тегишли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшди. Онкология хизматини жиҳозлаш лойиҳаси Ислом тараққиёт банкининг яқинда тасдиқланган янги лойиҳасидир. Лойиҳа доирасида мамлакатдаги 15 ихтисослаштирилган марказ жиҳозланади. Шундай қилиб, юқорида қайд этилган барча лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини барқарор оширишга бевосита ёки билвосита хизмат киласади.

Ислом тараққиёт банки бундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ жойларида инсон салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги таҳсинга лойик саъй-харакатларини қўллаб-куvvatлайверади. Бу саъй-харакатлар

Ўзбекистон иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари раҳнамолигида қишлоқ ҳудудларининг салоҳияти ва ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Ўзбекистонда қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш дастурини қўллаб-қувватлашимиз 2013 йилда ишлаб чиқилиши ниҳоясига етказиладиган Ўзбекистон билан шериклик стратегиясида ўз ифодасини топади. Ислом тараққиёт банкининг мамлакат тараққиётига қаратилган лойиҳаларида, жумладан, қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ташаббусларида иштирок этиши Ўзбекистон учун Ислом тараққиёт банки шериклик стратегияси бўйича истиқболдаги мулоқотнинг асосий йўналишларини ташкил этади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида марҳаматли Аллоҳдан қишлоқ туманларини ривожлантиришга оид саъй-харакатларимиз самарали, мазкур анжуман эса муваффақиятли бўлишини сўрайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШИАО ЖАОННИНГ НУТҚИ

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Ўзбекистонга яна бир бор келиш ва ушбу нуфузли халқаро конференцияда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят мамнунман.

Дунёning барча давлатлари барқарор ва мутаносиб иқтисодий ривожланишга эришиш йўлини изламоқда. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича давлат стратегиясининг амалга оширилиши жаҳондаги мавжуд иқтисодий бекарорликка қарамай, юксак самараларга эришиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб келаётган дунёдаги саноқли давлатлардан биридир. Мамлакат йиллик ўсиш суръатлари бўйича жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори натижаларни қўлга киритяпти.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил якунларига бағишланган маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг жадал ва барқарор ривожланиши аҳоли жон бошига реал даромадни 8 баробар ошириш имконини берди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги салмоқли ютуқларини ва мамлакат фаровонлиги йил сайин ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримовни ана шундай улкан ютуқлар билан самимий табриклайман. Ўзбекистон иқтисодиётни оқилона бошқариш ва макроиктисодий асосни мустаҳкамлаш орқали барча мамлакатларга хос муаммоларни муваффақиятли ҳал этган ҳолда тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бормоқда. Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлардан биридир. Шу боис Ўзбекистон 2020 йилга бориб ўртачадан юқори даромадга эга давлатга айланишдек ўзининг эзгу

мақсадига эришиши мүмкін. Мамлакат олдида турған навбатдаги вазифалар ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, ахолининг ижтимоий ахволини янада яхшилашдан иборатdir.

Ўзбекистонни ривожлантириш давлат стратегияси, 2012–2015 йилларда ахоли фаровонлигини ошириш стратегиясида қайд этилганидек, салмоқли инвестициялар ва таркибий ислоҳотлар воситасида ушбу мақсадларга эришишга йўналтирилган.

Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг Ўзбекистонга оид стратегияси Ўзбекистонни комплекс ривожлантириш ва иқтисодиёти саноатлашган ҳамда диверсификациялашган замонавий давлатга айлантириш бўйича миллий стратегияси асосида ишлаб чиқилган.

Комплекс ривожланишга эришиш ҳамда қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни қисқартириш мақсадида ОТБ қишлоқда энергетика, транспорт, сув таъминоти ва канализация тармоқларини яхшилаш, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларни давом эттириш мақсадида бизнинг стратегик ҳамкорлигимиз хусусий секторни ривожлантиришга, самарали бошқарувни рағбатлантиришга ҳамда техник билим ва хизматлар кўрсатишга қаратилган.

Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб боряпти. Буни инвестицияларнинг умумий ҳажми 8 миллиард доллардан ортиқ бўлган 47 лойиха мисолида ҳам кўриш мүмкін. Бунда ОТБ томонидан молиялаштириш миқдори 3,5 миллиард долларга тенг бўлиб, лойиҳалар қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. ОТБ Ўзбекистоннинг энергетика, йўл инфратузилмаси, молиявий секторини модернизация қилиш ва янгилаш билан боғлиқ муҳим лойиҳаларда, шунингдек, мамлакатнинг саноат салоҳиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётганидан мамнун.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда амалга оширила бошланган уй-жой қурилиши дастури миллий ривожланиш стратегиясининг, айни пайтда ОТБ ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик стратегиясининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу дастур Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида жадал ривожлана-ётган ҳамкорликка яққол мисол бўла олади. Дастур доирасидаги биринчи лойиха 8,5 минг қишлоқ оиласига турмуш шароитини яхшилаш имкониятини берди. Айни пайтда 850 пудратчига кўмак кўрсатилиб, мамлакат бўйича қишлоқ аҳолиси учун 100 минг иш ўрни яратилди.

Ҳар бир қишлоқ массивида чакана савдо ва хизмат кўрсатишини ташкил қилиш учун жойлар ажратилган. Электр, газ ва сув билан ишончли таъминлаш орқали касаначиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Бош режа асосида атроф-муҳит учун мақбул янги қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланиб барпо этилган замонавий уй-жойлар қурилиш саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда ўзбек тадбиркорлари ва мазкур соҳаларга қўшимча имкониятларни яратади. Ушбу имкониятлар Ҳукуматнинг қишлоқ тадбиркорлари учун кредитлаш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган сайд-харакатларининг амалдаги ифодасидир.

Бундай инновацион ва ноёб дастур доирасидаги ҳамкорлик ОТБ тарихида илк бор амалга оширилмоқда. Қатор янги ёндашувлар ва ечимлар давлат инвестицияларининг, шунингдек, қишлоқ худудларини ривожлантириш бўйича янги механизмларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бунга куйидаги илғор механизмлар киради: ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламлари имкониятларини кенгайтириш; пудратчилар – кичик бизнес субъектлари учун тендер савдоларини ўтказиш бўйича содда ва тушунарли коидаларни ишлаб чиқиши, шунингдек, савдоларни ўтказиш самарадорлигини ошириш кабилардир. Бундай турдаги дастурнинг амалга оширилиши ўзбек ёшлирига миллий ривожланиш дастурида фаол иштирок этиш, касб кўнгилмаларини ривожлантириш ва дастурнинг кафолатланган ютуқларига ўз хиссасини қўшиш имконини беради.

2011 йилнинг сентябрида ОТБ қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурини қўллаб-кувватлаш мақсадида 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кўп йиллик инвестиция дастурини тасдиқлади. Қишлоқни комплекс ривожлантириш бўйича уй-жой дастури уч муҳим вазифани ўз ичига олади:

- биринчидан, 2015 йилгача бўлган даврда 50 минг нафар қишлоқ аҳолисига ипотека кредитлари ажратилишини қўллаб-кувватлаш;
- иккинчидан, маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ жойларини ривожлантириш борасидаги имкониятларини кенгайтириш;
- учинчидан, қишлоқ жойларига инвестиция киритилишини рағбатлантириш ва кичик бизнес ривожига қўмаклашиш.

Дастур аҳолини янги ва замонавий уй-жой, яхшиланган инфратузилма ва ижтимоий хизматлар, ипотека кредитлари билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатади. Айни пайтда у маҳаллий қурилиш секторини ривожлантиришга қўмаклашади, шифокорлар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгалари учун қишлоқ жойларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, бу жараёнда янги иш ўринлари яратилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Янги уй-жойлар замонавий дизайн ва қулайликларга эга, электр, газ ва сув билан таъминланган. Улар қишлоқ жойларда замонавий уй-жой стандартларини ўзида акс эттиради, оиласлар, айникса, хотин-қизлар учун юқори даражадаги қулайликлар ва шарт-шароитларни таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, янги уй-жойлар қишлоклар кўркига кўрк қўшади. Болалар боғчаси, мактаблар ва врачлик пунктлари бевосита яқин атрофда жойлашгани ҳам аҳоли учун катта қулайликлар яратади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари ҳам ташкил этилади. Янги уйлар билан бир вактда коммунал инфратузилмалар ҳам барпо этиляпти. Транспорт ва бошқа жамоат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам пухта ўйлаб чиқилган.

Бундай замонавий шароит қишлокларда оиласвий ҳаётнинг янги мезонларини белгилаш имконини беради. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, дастур мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида қишлоқ аҳолиси манфаатларини таъминлашга тўла-тўқис хизмат қиласди.

Дастурда, шунингдек, ўртacha даромади унчалик юқори бўлмаган оиласларга ҳам узок муддатли ипотека кредити бериш кўзда тутилган. Ёш, кам таъминланган ва кўп болали оиласлар, шунингдек, имконияти чекланганлар яшайдиган оиласлар – буларнинг барчаси дастурда иштирок этиши кўзда тутилган.

Сифатли таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ўқитувчилар ва шифокорлар, айни пайтда иш жойларини ташкил этадиган тадбиркорлар ҳам дастурнинг мақсадли иштирокчилари сирасига киради.

Қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури катта самара беради: ҳар йили қарийб 1000 нафар қишлоқ пудратчисига бизнес учун имкониятлар яратилади, 100 мингга яқин иш ўринлари ташкил этилади.

Янги қишлоқ массивларида кичик бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантирилиб, умуман, қишлоқ жойларда очиладиган иш ўринларининг 50 фоиздан ортиги ана шу массивлар хиссасига тўғри келади. Ҳар бир янги қишлоқ массиви чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлади. Электр қуввати, газ ва сув билан таъминланган ҳар бир янги хонадонда касаначиликни ташкил этиш учун янги имкониятлар очилади. Ҳар йили кичик бизнес ва касаначиликка оид 3 мингга яқин субъект, шунингдек, 15 мингтагача иш ўринлари ташкил қилиниши мумкин.

Режалаштирилаётган янги массивлар, уйларнинг замонавий қиёфаси, янги қурилиш технологиялари ва материаллари, шунингдек, экологик жиҳатдан оқилона қурилиш ечимлари қурилиш секторини ривожлантиришга кўмаклашади ҳамда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш учун қўшимча имкониятларни яратади.

Ушбу дастурнинг самарадорлиги тобора ошиб бормоқда. Энг яхши халқаро стандартлар асосида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлаётган ОТБ якинда Ўзбекистонда электрон ҳукумат стратегиясини жорий этишини қўллаб-қувватлашга техник кўмаклашиш дастурини тасдиқлади. Бу йўналишдаги фаолият қишлоқда уй-жой қурилиши дастурнинг истиқболда ҳам самарадорлигини янада оширишга хизмат қиласади.

Келажакни назарда тутган ҳолда, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ОТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мутаносиб тараққиётга эришиш йўлида иктисолиётни изчил диверсификация қилишни давом эттириш имконини беради. ОТБ Ўзбекистон билан қуйидаги соҳаларда ҳамкорликни давом эттиради:

- энергетикани ривожлантириш, жумладан, арzon нархдаги электр куввати билан таъминлаш учун куёш энергиясидан фойдаланиши кенгайтириш;
- сув таъминоти, канализация ва қаттиқ майший чиқиндилаrни қайта ишлаш тизимларини яхшилаш;
- қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва фермер хўжаликлари даромадларини ошириш мақсадида ирригация тизимларини тиклаш;
- ҳалқаро бозорларга чиқиш имкониятларини ошириш учун автомобиль ва темир йўллар қуриш ва кенгайтириш;
- микро ва макро бизнес учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш кабилардир.

Биз Ўзбекистон раҳбарияти билан ҳамкорликда, ривожланишнинг устувор йўналишлари, жумладан, мамлакат саноатини модернизациялаш дастури, шунингдек, қишлоқ билан шаҳар аҳолиси даромадлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш бўйича иш олиб боряпмиз.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни, шунингдек, узок муддатли истиқболда аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлашга хизмат қиласи.

Буэса Ўзбекистоннинг барқарор вamuвозанатлашган ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлиб, мамлакатни ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида муҳим аҳамият касб этади.

ОТБ Ўзбекистон билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир. Биз бундан буён ҳам иқтисодиётни диверсификация қилиш, хусусий секторни ривожлантириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш масалаларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Мен самимий меҳмондўстлик ва ушбу муҳим ҳалқаро анжуман юқори савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Президентига алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Жихан СУЛТАНОГЛУ,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Даствури
Европа ва МДҲ минтақавий бюроси директори

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРИ ДОИРАСИДА ҚИШЛОҚНИ ТУБДАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ТАЖРИБАСИ

Хурматли меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Хурматли раис!

Сўзимни қишлоқ жойларда замонавий уй-жой қурилишига бағишланган ушбу анжуманни ташкил этганилиги учун Ўзбекистон ҳукуматига ўз миннатдорчилигимни билдиришдан бошламоқчиман. Конференциянинг мавзуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида катта қизиқиши уйғотмоқда.

Анжуманга таклиф қилинганим ва ўз фикримни сизларга етказиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ жойларни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар самараси бўйича сизлар билан фикр алмашиш имконияти берилгани мен учун катта шарафдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Даствури (БМТТД) Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ жойларда уй-жойларнинг сифати ва фойдаланиши имкониятларини оширишга қаратилган ташаббусини маъқуллайди. Ушбу дастур нафақат қишлоқ ахолисини юкори сифатли уй-жой билан таъминлашга, балки иктисадий ривожланишини рағбатлантириш ҳамда шаҳар ва қишлоқ ахолиси имкониятлари, турмуш даражаси ўргасидаги тафовутни қисқартиришга қаратилганини яхши тушуниб турибмиз.

Биз ҳамиша Ўзбекистон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирларни диққат билан кузатиб борамиз. Олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатда янада барқарор инклузив ривожланишини таъминлашга муҳим хисса қўшмоқда. Дунёning бошқа давлатлари ҳам Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-

жой қуриш тажрибасидан ўзлари учун сабок олишлари мумкин, деб хисоблаймиз.

Бундай “кўргазмали дарслар”, биринчи навбатда, қишлоқдаги уй қурилиши ўша ҳудудни ривожлантиришга, шунингдек, кенг кўламли, юқори суръатда ва бир маромда иқтисодий ўсишни таъминлашга кўмаклашиши мумкин. Иккинчидан, атроф-муҳит барқарорлиги ва муҳофазасини таъминлаш соҳасидаги мақсадларни қишлоқ туманларини ривожлантириш стратегияси билан муваффақиятли боғлаш орқали инсон салоҳиятининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш масалаларини ҳал қилишда Ҳукуматнинг ушбу ташаббусини ўзига хос тажриба сифатида кўрамиз.

Биринчи “кўргазмали дарс” борасида, қишлоқ аҳолисини муносиб уй-жойлар билан таъминлаш қишлоқларни ривожлантиришнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу эса, мамлакатда бир маромда ва комплекс ривожланишига эришишнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон иқтисодиёти охирги ўн йилликда жуда юқори ўсиш кўрсаткичларига эришди. Аммо иқтисодий имкониятлар, умумий турмуш даражаси, шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги тафовутларни қисқартириш нуқтаи назаридан, бу ютуклар ҳал қилиниши лозим бўлган ишларнинг дастлабки натижасидир. Бу узок давом этадиган жараён ҳисобланади.

Кейинги ўн йилликда кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш айрим тенгсизликларнинг чукурлашишига олиб келди. Шу боис ҳам 2015 йилдан кейинги ривожланиш масалаларига бағищланган глобал мунозараларда тенгсизлик муаммолари тез-тез муҳокама қилинмоқда. Агар БМТнинг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” дастури шакллантирилган 2000 йилда асосий эътибор аҳолининг қашшоқлик даражасини қисқартириш масалаларига қаратилган бўлса, ҳозирги кунда аҳолиси ўрта даромадли мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон учун тенгсизликни камайтириш муаммоси долзарб масала ҳисобланади. Ушбу муаммо ҳал қилинмаса, узок муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг секинлашувига ва ижтимоий бекарорликка олиб келиши мумкин.

Сўнгги йилларда БМТД Ўзбекистон ҳукумати билан қишлоқларни комплекс янгилаш лойиҳаларига кўмаклашиш мақсадида миллий,

худудий ва маҳаллий даражада ҳамкорлик қилмоқда. БМТТД қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича маҳаллий бошқарув органлари билан ҳамкорликда тарафлар саъй-харакатларини бирлаштириш, барқарор ривожланиш соҳасидаги устувор йўналишларни шакллантириш ва маҳаллий ривожланиш мақсадлари учун ресурслар жамлаш ҳамда тақсимлаш жараёнларига уларни жалб қилишни кўзда тутувчи комплекс ёндашувдан фойдаланмоқда. Бизнингча, маҳаллий бошқарув органларига кўшимча ваколатлар бериш ва уларга ресурслар ажратишни кўпайтириш орқали худудларнинг мувозанатлашган ҳолда тараққий этишини таъминлашга эришиш мумкин.

2006–2012 йиллар мобайнида БМТТД томонидан Наманганд, Фарғона, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида қишлоқ жойларни юксалтиришга қаратилган кенг қамровли дастурлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда худди шундай маҳаллий ривожланиш лойихаси Қорақалпоғистонда янада кенгайтирилиб, Орол деңгизи инкиrozидан жабр кўрган маҳаллий аҳолига зарур турмуш даражасини таъминлаш масалаларига бағишлиланган дастурга айланди.

Ушбу дастурлар доирасида маҳаллий аҳоли, туман ва вилоят давлат бошқарув органлари иштирокида қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилашга қаратилган, аммо унча катта бўлмаган инфраструктузилмавий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар доирасида кам таъминланган аҳоли қатламининг бандлигини самарали таъминлаш, “экологик барқарор” технологиялар ёрдамида фермерлар меҳнати унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, аёллар тадбиркорлик фаолиятини ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда ер-сув ресурсларини бошқариш усулларини такомиллаштириш масалаларида ҳамкорлик қилиб келиняпти. Юқорида таъкидланган дастур доирасида Қорақалпоғистонда табиатга ва аҳолига етказилган экологик зарар ҳамда у билан бөглиқ ҳолда аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган хавф-хатарлар ўрганиляпти.

Яқин йилларда БМТТД яна ана шундай лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишни давом эттиради ва Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликда қишлоқ жойларда уй-жой курилиши дастуридан олинган хulosалардан келажакдаги лойиҳалар доирасида фойдаланишга умид қиласди.

Иккинчи “кўргазмали дарс” – атроф-муҳит барқарорлиги ва муҳофазасини таъминлаш соҳасидаги мақсадларни қишлоқ жойларни ривожлантириш дастури билан боғлаш масаласига бағишиланади. БМТД учун қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши лойиҳалари бўйича энергия самарадорлигини таъминлаш бир марталик чора эмас, балки қурилиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида алоҳида амалий аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати томонидан нафакат юқорида келтирилган дастур доирасида, балки умуман энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширил япти. 2012 – 2013 йилларда амалга оширилаётган тадбирлар саноатнинг барча асосий тармоқларида энергия истеъмолини камайтириш бўйича аниқ кўрсаткичларни ўз ичига олади. Ушбу чоралар Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган иккита муҳим ҳужжатда ҳам ўз аксини топган.

БМТД қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий қилиш ва энергия самарадорлигини оширишга катта миқдорда инвестициялар йўналтирумокда ҳамда ушбу йўналишда Ҳукуматга фаол кўмаклашиб келяпти. Хусусан, жамоат ташкилотларига қарашли биноларда энергия самарадорлигини ошириш соҳасида қўшма лойиҳани амалга ошириш жараёнида 10 та асосий қурилиш меъёри ва қоидалари қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан лойиҳа иштирокида янги қурилиш меъёрлари ва қоидалари қабул қилинганидан кейин 5 та минтақада 2 та қишлоқ мактаби қурилди ҳамда 6 та қишлоқ врачлик пункти ва мактаблар қайта таъмирланди. Бажарилган ишлар натижасида факатгина шу 8 та объектда 40 фоиздан (янги қурилганларида) 67 фоизгача (мукаммал таъмирланганларида) энергия истеъмоли камайди. Бу, ўз навбатида, йилига 1,53 млн. кВт электр энергияси ёки тахминан 160 минг куб м табиий газни тежаш имконини беради. Ушбу натижалар сиёсий хоҳиш, намунали лойиҳа, комплекс ёндашувдан фойдаланган ҳолда самарали режалаштириш ва барқарор инсон тараққиётига кўмаклашиш орқали иқтисодий, ижтимоий ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш мумкинлигини кўрсатди.

Хозирги кунда қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастури доирасида қишлоқ уйларининг 5 та намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уларда энергия самарадорлиги, қайта тикланадиган энергия манбалари масалалари тўлиқ эътиборга олинмаган. БМТД Ҳукумат билан ҳамкорликда энергия самарадорлигини оширишга қаратилган чораларни ҳисобга олган ҳолда ушбу намунавий лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича ишларни амалга оширмоқда ва 2013 йилда янги қуриладиган уйларнинг барчасида бу масала ҳисобга олинади.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурига Ҳукумат томонидан ажратилган маблағлар ҳажмини ҳисобга олганда энергия самарадорлиги ва қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича турли вариантларни лойиҳалаштириш ва қурилиш босқичидаёқ ўрганиб чиқиш учун қулай имконият яратмоқда. Ушбу дастур энергия самарадорлиги меъёрларига асосланган ҳолда ўз уйларини қайта таъмирламоқчи бўлган уй-жой эгаларини рағбатлантириш тизими ни ҳам ишлаб чиқиш имконини беради. Амалга оширилаётган дастур атроф-мухитни муҳофаза қилиш учун фойдали бўлиши билан бирга электр энергияга сарфланадиган маблағларни тежаш нуқтаи назаридан катта иқтисодий самарага эришиш, ўз навбатида, ушбу маблағларни аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш ва мавжуд ижтимоий тафовутларни қисқартиришга йўналтириш имконини туғдирмоқда.

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишига инвестицияларнинг йўналтирилиши аҳоли даромадларини ошишига ижобий таъсир кўрсатиш ва янги иш ўринлари ташкил қилиш каби омиллар орқали мамлакатнинг барча ҳудудларида мутаносиб иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Агар ушбу дастур экологик барқарорлик тамойилларини лойиҳалаштириш ва қурилиш жараёнлари билан боғлашга қаратилган аниқ ва изчил чора-тадбирлар асосида амалга оширилса, буни инсон тараққиётининг баркарор тамойили тарзида амалиётда қўллаш учун намуна тарзида тавсия қилиш мумкин бўлади.

Ўтган йили бўлиб ўтган Рио+20 анжуманида Ўзбекистон делегацияси ўз маъruzасида мамлакат янада барқарор ўсишга эришиш учун барча имкониятларини йўналтиришга тайёрлигини таъкидлаб ўтди. Амалиётда барқарор ўсиш тамойилларини қисқа вактда амалга оши-

риш мумкин эмас. Лекин уларни амалда қўллашни кечиктириб ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт дастури нафақат иқтисодий ўсишни таъминлашга, балки ижтимоий ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳам кўзда тутиши талаб этилади. Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастури бутун дунёга ўзининг барқарор ривожланиш тамойилларига амал қилишини намоён этиш имконини яратиши мумкин. Чунки, бу ҳолат Рио анжуманида мамлакат томонидан қабул қилинган мажбуриятларни амалга оширишга яхши имконият яратиб, бошқа мамлакатлар ҳам амалда қўллаши учун намуна вазифасини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилаётган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш Дастури ўзининг ёндашуви ва кенг қамрови билан ҳам ўзига хос ҳисобланади. Ушбу ташаббус БМТ томонидан қўллаб-кувватланди, унинг амалга оширилиши қишлоқ жойларнинг барқарор ривожланиши бўйича ёндашувларни амалда қўллаш масалалари бўйича бошқа давлатларга тавсиялар бериш мақсадида дикқат билан кузатиб борилмоқда. Дастлабки натижалар шуни кўрсатмоқдаки, бундай тавсиялар икки хил натижага эришиш имконини беради. Биринчидан, дастур турмуш даражаси ва иқтисодий имкониятлар масалалари бўйича қишлоқ ва шахар ўртасидаги фарқни қисқартиришга туртки беради, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга ҳамда инклюзив тараққиёт моделига янада тўлиқ эришиш имконини яратади. Иккинчидан, давлат уй-жой қурилиши дастурлари лойиҳалаштириш босқичидан бошлаб энергия самарадорлиги масалалари билан уйғунлаштирилса, бу иқтисодиёт ва табиат муҳофазаси соҳаларидаги мақсадларга бир вақтнинг ўзида эришишни таъминлайди. БМТД жамоат биноларида энергия самарадорлигига эришишни таъминлаш соҳасидаги ўзининг лойиҳалари билан Ҳукуматингизни қўллаб-кувватлаб келмоқда. Биз бундан кейин ҳам экологик барқарорлик ва ижтимоий йўналтирилган ривожланишга эришишга қаратилган дастурларни амалга ошириш учун шунга ўхшаш ва бошқа чора-тадбирлар билан кўмаклашишга тайёрмиз.

Ушбу анжуман ташкилотчиларига жуда мухим мавзу бўйича фикр алмашиш имкониятини яратиб берганликлари учун ташаккур билдира-

ман. Зеро, бу мавзу нафақат Ўзбекистон, балки иктисадий тараккиёт, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, инклузив ва барқарор ўсишни таъминлашга кўмаклашиш мақсадида инфратузилма ва хизмат қўрсатиш соҳасига инвестициялар йўналтиришни режалаштираётган ўрта даромадли бир қатор мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эслатиб ўтиш жоизки, “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” дастури якунига 1000 кун қолди. 2015 йил ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Шунинг учун ҳам дастурда белгиланиб, ўз ечимини топмаган масалаларга қисқа муддатларда аниқлик киритиб, эҳтиёж тугилганда дастур кўрсаткичларига тузатишлар киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

БМТТД бундан кейин ҳам ушбу ва бошқа ташабbusлар бўйича Ўзбекистон ҳукуматига кўмаклашиш, ҳамкорлик қилиш, музокараларга киришиш ҳамда Минг йиллик ривожланиш максадларига эришиш ва барқарор ривожланиш тамойилларини амалга ошириш учун ҳамкорликда ишлашга тайёр эканлигини яна бир карра таъкидламоқчиман. Анжуманинг барча қатнашчиларига самарали иш олиб боришлирини тилаб қоламан.

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ҳурматли раис жаноблари!

Ҳурматли меҳмонлар, элчилар ва конференция қатнашчилари!

Ҳозирги вактда дунё аҳолисининг 3 миллиарди ёки 40 фоиздан зиёдроғи уй-жой инфратузилма хизматларига муҳтож. Бундай эҳтиёжни қондиришда нафақат маблағ, балки аник мақсадга йўналтирилган дастур ва кўчмас мулк бозори мувозанатини таъминловчи тегишли механизм ишлаб чиқилиши лозим. Кўчмас мулк бозори фаолиятини молиялаштиришнинг мақбул варианtlари ва аҳолининг уй-жой сотиб олиш имкониятлари мавжуд бўлгандагина талабнинг ўсиши ва бозорнинг самарали фаолияти таъминланади. Бундай бозорни бошқариша шубҳасиз, давлат катта роль ўйнайди.

Кўпгина ривожланаётган давлатларда даромади паст бўлган аҳоли қатлами уй-жой етишмаслигидан азият чекмоқда. Хусусий уй-жой қурилиш сектори фаолияти эса асосан юкори даромадга эга бўлган аҳоли қатламининг (умумий аҳолининг 10–20 фоизи) талабини қондиришга қаратилган. Аҳолининг кам таъминланган қатламининг туаржойга талаби (умумий аҳолининг 20–30 фоизи) асосан давлат ёки донор ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланади. Бу икки қатлам орасида турган истеъмолчиларнинг катта қисми қулай ва нисбатан арzon туаржой топишга қурблари етмаса-да, давлат ҳисобидан субсидия ажратилиши лозим бўлган жуда “бадавлат” тоифа ҳисобланишади. Бу қатламга қулай молиявий мухит ва уй-жой бозоридан фойдаланишга имконият яратилган тақдирда, туаржой харид қиласидиганлар ёки ўз уйини қайта таъмирлашга маблағ топа оладиган оиласлар тоифасига қўшилади.

Бу муаммоли вазиятни ҳал этиш учун кўпгина мамлакатларда кўшимча муайян чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса ҳам, айrim

давлатларда кутилган натижалар бермаганлигини эътироф этиш лозим.

Туаржой ва молиявий муносабатлар ўзаро боғлиқ эканлиги жаҳон тажрибасидан келиб чиқкан энг муҳим хulosалардан биридир.

Кўчмас мулк бозорининг барқарор фаолият кўрсатиши учун қуийдагилар талаб этилади:

- туаржойлар таклифи аҳолининг барча қатламлари (шу жумладан, ўртача даромадли аҳоли) талабини қондириши учун туаржойларни ва уларнинг қурилишини молиялаштириш хизматларининг турли-туманлиги;

- ўрта ва кам даромадли аҳоли талабини қондиришга хизмат қила-диган хусусий уй-жой қурилиш сектори фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сиёsatни амалга ошириш;

- бюджет маблағларини аҳолининг туаржойга энг муҳтоҷ қатламлари талабини қондиришга йўналтириш.

Кўчмас мулк бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган, яъни, аҳолининг кам даромадли қатламига субсидиялар ажратиш бўйича давлат дастури муҳим роль ўйнайди. Мисол учун, бир қанча мамлакатларда кўчмас мулк бозорида интервенция сифатида аҳолининг кам таъминланган қатлами эҳтиёжини қондириш мақсадида уй-жой қурилишини молиялаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Масалан, Руминияда уй-жой кредитлари кам даромадли ва одатда узок муддатли ипотека кредитларига талабгор бўлмаган аҳоли эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Бундай кредитлар тижорат банклари томонидан тақдим этилади. Дастур бўйича таклиф қилинаётган уй-жой кредитлари доирасида техник ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилган. Кредитлар қиймати микромолиялаштириш дастурининг оператив ва молиявий харажатларини қоплади. 2004 йил июль ҳолатига Руминияда уй-жойларни микромолиялаштириш дастури бўйича кредитларнинг қайтарилиш даражаси 99 фоиздан ортиқни ташкил этди.

Мексикада эса муниципал банкларни қўллаб-куватлаш ва корхоналар ишчиларига давлат банклари томонидан тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини молиялаштириш бўйича экспериментал дастур иш бошлаган. Ушбу дастур энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробаридан 8 баробаригача маош оладиган мижозларга мўлжалланган

бўлиб, бериладиган кредитлар уй курилиши, таъмирланиши ёки қайта курилишини якунлаш учун ишлатилиши мумкин. Унинг микдори бир мижоз учун 510–590 АҚШ долларини ташкил этган. Лойиҳа асосида дастлабки 10 йил мобайнода кам даромадли 5,3 мингдан ортиқ оиласа умумий қиймати 8,2 млн. АҚШ доллари микдорида кредитлар ажратилган. Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли жиҳати шундаки, у тезлаштирилган уч босқичдан иборат бўлиб, техник ёрдам кўрсатиш, инновацион ҳамкорликдан фойдаланиш ҳамда ҳимоя чораларини ўз ичига олади. Бу эса кредит ресурсларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳиндистонда давлат томонидан хусусий секторни кам таъминланган оиласалар учун тураржойлар курилишига жалб этишни қўллаб-кувватлаш бўйича олиб борилган сиёsat натижасида бугунги кунда 30 тадан зиёд йирик қурилиш лойиҳачилари томонидан кам даромадли оиласаларга мўлжалланган уй-жой қуриш тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилди. Бундан 10 йил аввал мамлакатда бундай ташкилотлар умуман фаолият кўрсатмас эди.

Уй-жой қурилиши соҳасидаги энг йирик лойиҳа сифатида Каржата шахридаги кам даромадли аҳоли учун мўлжалланган арzon тураржойлар курилишини мисол келтириш мумкин. Баъзи қийинчиликларга қарамасдан, лойиҳа бўйича 18 ой мобайнода 15 мингтага яқин арzon тураржойлар қуриш кўзда тутилган эди. Бундай имтиёзли тураржойга эга бўлиш учун фуқародан ўртacha 250–375 АҚШ доллари микдоридаги даромадга эга бўлиш талаб этилади.

Жанубий Африка Республикасида ўрта ва паст даромадли оиласаларни субсидиялаш давлат дастури тураржой таъминоти масаласини янада оғир аҳволга солиб кўйди. Мазкур дастурда қашшоқ аҳоли учун “бепул” уйлар курилиши назарда тутилган. Бундай уйларнинг курилишини амалга оширувчи субъектлар мўлжалланган даромадга эга бўлиш мақсадида “кесишган субсидиялар” (бир инвестиция лойиҳасидан кўрилган зарарни иккинчиси ҳисобига қоплаш) билан таъминланиши талаб этилган. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши субсидияланмаган уйларнинг кимматлашишига ва бозор нархида уй сотиб олиш имкониятига эга бўлмаган оиласаларнинг уй-жой билан таъминланмай қолишига сабаб бўляпти.

Бир қатор ривожланаётган мамлакатларда яна бошқа ўзига хос вазият кузатилмоқда. Масалан, таклиф этилаётган уй-жойлар юқори даромадли фуқаролар талабларини қондиришга қаратилган бўлиб, улар ўз маблағлари ҳисобига тураржой сотиб олиш ёки етарлича расмий даромадга ва ипотека кредитлари олиш имкониятига эга қатлам ҳисобланади. Ўртача ва ундан пастроқ даромадга эга бўлган аҳоли эса факат ўз жамғармалари ёки микрокредитлар ёрдамида норасмий уй-жой сотиб олишга кучи етадиган қатлам саналади. Аҳолининг энг ночор қатламига эса давлат томонидан субсидиялар тақдим этилиши мумкин.

Бундай вазиятни тартибга солиш учун давлат томонидан курилаётган уй-жой таклифи бозор талаблари асосида турили даражадаги даромадларга эга аҳоли қатламларининг тураржойга бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда шакллантирилиши лозим. Ана шундагина, Ҳукуматнинг субсидия шаклидаги молиявий ёрдамлари кам таъминланган оиласларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши мумкин.

Эътиборингиз учун ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изхор этаман.

Вероника БАКАЛУ,
Халқаро валюта Фонди
Яқин Шарқ ва Марказий Осиё Департаменти
бўлим бошлиги ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОННИНГ АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ

Авваламбор, Ўзбекистон ҳукуматига Тошкентга келиб, мазкур форумнинг ўтказилишига ўз ҳиссамни қўшишга имконият берилгани учун чуқур миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар. Ўзбекистон аҳолисининг, хусусан, қишлоқ жойларда яшаш шароитларини яхшилаш мамлакатда олиб борилаётган ва Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мен ўз тақдимотимда Ўзбекистонда юқори ва барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашиш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилашни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган макроиқтисодий сиёсат ва стратегик йўналишларга оид ХВФ тажрибасига эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу билан бирга, аҳоли жон бошига даромадларни ўртacha ривожланган мамлакатлар кўрсаткичига етказиш бўйича Ҳукумат томонидан қўйилган мақсадга эришишда Ўзбекистонга кўмаклашиш учун ХВФ томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни муҳокама қилмоқчиман.

Авваламбор, нима сабабдан ХВФ иқтисодий ўсишга (ва бунга эришиш учун макроиқтисодий сиёсатга) бу қадар катта эътибор қаратадиганлиги ҳамда юқори ва барқарор ўсиш аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим эканлигига қисқача изоҳ бермоқчиман. Биз иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга асосий эътиборни қаратар эканмиз, биринчи навбатда, иш ўринлари яратиш ҳақида ўйлаймиз. Бандлик – ҳақиқатан ҳам аҳоли учун катта аҳамиятга эга бўлиб, ХВФ унга муҳим омил сифатида қарайди. Юқори бандлик даражаси обод турмушнинг энг ишончли кафолати ҳисобланади. Бусиз биз мавжуд ишчи кучи салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини бой беришимиз, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг келажакка бўлган ишончини

сўндиришимиз, шу билан бирга, одамларнинг тураржой, молиявий манбалар, замонавий хизмат ва янги технологиялардан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйишимиз мумкин.

Янги иш ўринлари фақат барқарор иқтисодий ўсиш шароитидагина яратилиши мумкин. Бу биринчи даражали вазифа бўлиб, иқтисодий сиёсатнинг талаб ва таклиф жиҳатидан тўғри мувозанатлашуви замрида шаклланиши лозим. ХВФ том маънода ушбу масалага “ихтисослашган”. Бизнинг асосий мақсадимиз макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш борасида иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи ислохотларни амалга оширишда мамлакатларга кўмаклашишдир. Бир қатор илмий изланишлар, шу жумладан ХВФ томонидан олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, мувозанатли ўсиш жараёни кўп ҳолларда узок муддат давом этади. Бунда тенглик муҳим аҳамият касб этиб, унинг асосида даромадларнинг адолатли тақсимланиши ўсиш суръатларининг ортишига ва ижтимоий ишончнинг мустаҳкамлиги билан bogлиq бўлган иқтисодий барқарорликка олиб келади.

Охирги ўн йилда Ўзбекистонда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари (ўртача йиллик 7,8 фоиз) кузатилди, бундай кўрсаткич дунёning камдан-кам мамлакатларида қайд этилди. Бундан ташқари, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даврида Ўзбекистон изчил ва барқарор иқтисодий ўсишни намоён эта олди. Эътиборингизни мамлакатнинг макроиктисодий муваффакиятларини ифодаловчи бир қатор кўрсаткичлар ва жорий тенденцияларига қаратмоқчиман:

1. Асосий экспорт маҳсулотлари нархларининг юқорилиги ва давлатнинг инвестицияларни рағбатлантиришига оид иқтисодий сиёсатни амалга ошириши туфайли мамлакат ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2011 йилда 8,3 фоизга ва 2012 йилда эса 8,2 фоизга ўси. 2012 йилда йиллик инфляция сезиларли даражада пасайди. Нархларнинг ўсишига давлат томонидан тартибга солинадиган маҳсулотлар (хизматлар) нархларининг эркинлаштирилиши, миллий валютанинг қадрсизланиши иш хақи ва нафақаларнинг оширилиши натижасида талаб томонидан тазиикнинг кучайиши каби асосий омиллар таъсир кўрсатди.

2. Импортнинг ошганлигига қарамасдан, мамлакат ташки иқтисодий позицияси мустаҳкамлигича таъминланмоқда. Айни пайтда,

резервлар ҳажми (Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда хорижий инвестицияларни ҳисобга олганда) юқори даражада сақланиб турибди.

3. Ҳукумат депозитларининг мунтазам ошиб бориши ва ортиқча ликвидлик даражасини камайтириш бўйича Марказий банк операцияларининг кучайтирилиши эвазига мамлакатда қатъий пул-кредит сиёсати олиб борилмоқда. Экспорт маҳсулотлари рақо-батдошлигини ошириш мақсадида, Ҳукумат миллий валюта – сўмнинг номинал девальвациясини давом эттирмоқда.

4. Оқилона солик-бюджет сиёсати олиб борилиб, давлат бюджети ижроси прогноз кўрсаткичлари ошириб бажарилмоқда. Бу ҳолат солик базасини кенгайтириш ва солик маъмурчилигини мустаҳкамлашга йўналтирилган чора-тадбирлар давом этаётганлигини билдиради. Кўрсатилаётган ижтимоий нафақаларнинг аниқ йўналтирилганлиги умумий харажатларнинг камайишига олиб келади, айни пайтда иш ҳақи юқори суръатларда ўсмоқда.

Қисқа ва ўрта муддат истиқболда иқтисодий ўсиш кўрсаткичларининг юқори бўлиши прогноз қилинаётган бўлса-да, жаҳон иқтисодиётида бекарорликнинг давом этаётганлиги, хавф-хатарнинг сакланиб қолаётганлиги эҳтиёткорликни талаб этади.

Ташки хатарлардан молиявий тизимнинг фискал воситалар билан ҳимояланганлиги, давлат инвестиция дастурларининг изчил амалга оширилиши, ҳамда кулагай савдо шароитлари (Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари нархларининг ошиши кутилмоқда) туфайли келгусида ҳам ЯИМнинг ўсиши юқори даражада сақланиб қолади.

Мен Ўзбекистоннинг барқарор ўсишга ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга кўмаклашаётган макроиктисодий сиёсатини яна бир карра эътироф этмоқчиман. Охирги ўн йилда Ўзбекистонда юқори ўсиш суръатлари кузатилган бўлса-да, бугунги кунда унинг олдида иқтисодиётни модернизация қилиш борасида катта вазифалар турибди.

Ўзбекистон дунёнинг ўртача даромадли давлатлар гурухининг олдинги сафидан жой олишини таъминлаш учун, мамлакат иқтисодиётида қўйидаги учта устувор йўналишга асосий эътибор қаратилиши лозим:

– инфляция даражасини камайтириш бўйича чоралар кўллаш;

– инвестиция ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш;

– макроиқтисодий кўрсаткичлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва уларни ўз вақтида тақдим этиш.

Биринчидан, инфляция даражасини пасайтириш. Бизнинг фикримизча, юқори инфляция даражаси иқтисодиётнинг жадал суръатларда ўсишига тўсқинлик қиласди. Аксинча, паст инфляция даражаси ЯИМнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Паст инфляция даражасига, табиийки, монетар, валюта ва солиқ-бюджет сиёсатларини мувоғиклаштириш асосида эришиш мумкин. Бозор қоидаларига асосланган алмашув курси ҳам пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатларига босимни камайтириш ҳисобига инфляцияни ушлаб туришда муҳим роль ўйнади. Бу сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг экспорт рақобатдошлиги келажакда инфляциянинг ошишини келтириб чиқарадиган номинал алмашув курсини янада пасайтириш сиёсати ўрнига паст даражали инфляция билан мустаҳкамланади.

Рұхсатингиз билан иккинчи устувор йўналишга тўхталиб ўтсан. Инвестиция ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун тадбиркорлик мухитини яхшилашни давом эттириш лозим. Охирги пайтда мамлакат иқтисодиёти хомашё нархларининг юқорилиги ва давлатнинг фаол инвестиция сиёсати ҳисобига ўси. Бундай ўсиш моделининг иш жойларини ташкил этиш бўйича имкониятлари чеклангани яхши маълум. Ҳукумат хусусий сектор ривожини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга ошираётган ишларини давом эттириши лозим. Хусусий секторнинг ривожланиши, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг ошишига олиб келади, шу билан бирга, тез ўсиб бораётган аҳолини етарли иш ўринлари билан таъминлашга кўмаклашади. Тадбиркорликни ривожлантириш ва инновация бўйича қулай шароит яратилиши олдинга интилишдаги муҳим қадамлардан бири бўлади. Бу ҳам давлат, ҳам хусусий корхоналар учун ҳар соҳада teng ва янги имкониятларнинг яратилиши демакдир. Ишончимиз комилки, ташки савдонинг рағбатлантирилиши, тадбиркорлик фаолияти устидан назоратнинг камайтирилиши, капитал ва иш кучини иқтисодиётнинг юқори унумли тармоқларига йўналтирилиши, молиявий воситачиликнинг

чуқурлашуви, бозор қоидалари асосида нархлар ва алмашув курсининг белгиланиши, энергия тармоғи самарадорлигининг оширилиши каби чора-тадбирлар Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади. Энг муҳими, бу чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг бандлик билан доимий мутаносиблиқда бўлишини таъминлайди.

Бу, ўз навбатида, учинчи ва охирги устувор йўналиш, яъни макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш ва уларни ўз вактида тақдим этишни таъминлашга олиб келади. Иқтисодий ривожланиш ресурсларни кам унумли тармоқлардан кўпроқ самара келтирадиган соҳалар фойдасига қайта тақсимлашни кўзда тутади. Бизнес ва инвестициялар бўйича тўғри ва мақбул қарорлар қабул қилиш учун маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар макроиқтисодий кўрсаткичлардан доимий фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Шу сабабли биз макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ҳисоботлардан фойдаланиш бўйича имкониятларни янада кенгайтиришни тавсия этамиз.

Рухсатингиз билан юкоридаги фикрларни умумлаштирам. Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги янада ошишини таъминлаш бугунги куннинг устувор вазифаси ҳисобланади. Ҳозир бунинг учун жуда қулай фурсат. Ислоҳотлар даврида бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича кенг миқёсдаги ишлар олиб борилди. Жумладан, кишлоқ ҳўжалигидан саноат ишлаб чиқариши томон силжиш жадал иқтисодий суръатлар билан бир вақтда рўй берди. Яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиманки, юкори иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш ислоҳотларни изчил давом эттиришни тақозо этади. Кўйилган мақсад аниқ – ўртача даромадли давлатлар гуруҳининг биринчи қаторларидан жой олиш. Ушбу мақсадга эришиш йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлиши мумкин. Шу муносабат билан мен сизларни ишонтириб айтаманки, ХВФ иқтисодий сиёsatни тақомиллаштириш бўйича ўз маслаҳатларини бериш ва Ўзбекистон ҳукуматига макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун кўмаклашишни давом эттиради.

Алисия ДЕЛА РОСА БАЛА,
Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари
уюшмаси (АСЕАН) Боши котиби ўринбосари

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ҚАШШОҚЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ХАЛҚАРО АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУ СОҲАДАГИ ПЛАТФОРМАСИ

Хурматли делегатлар, меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Маърузамнинг аввалида, менга ушбу конференцияда қатнашиш имконияти берилганилиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига чукур миннатдорчилик билдиримоқчиман. Аҳоли фаровонлигини ошириш воситаси бўлган уй-жой қурилиши масалалари мухокамасига ўтишдан аввал, АСЕАН минтақавий ташкилоти фаолияти тўғрисида баъзи маълумотлар ва рақамларни келтирмоқчиман.

АСЕАН – Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси 1967 йил 8 августда ташкил топган. У ҳукуматларабо минақавий ташкилот бўлиб, 10 та аъзо мамлакатларни, хусусан Камбоджа, Индонезия, Бирма, Мьянма, Сингапур, Таиланд, Вьетнам, Лаос, Малайзия ва Филиппин каби давлатларни ўз ичига олади.

Юшмага аъзо мамлакатларнинг гуллаб-яшнаётган ва барқарор ривожланаётган минақавий ташкилоти барпо этиш, бу борада мустаҳкам шерикчилик алоқаларини ўрнатиш масалалари бўйича қарашлари ўзаро мос келади. 2007 йил ноябрь ойида АСЕАН Низоми қабул қилинди ва у 2008 йил 15 декабрда кучга кирди. АСЕАНга аъзо давлатлар раҳбарлари 2015 йилга қадар учта асосий устувор йўналиш бўйича, яъни: сиёсий хавф-сизлик ҳамжамияти, иқтисодий ҳамжамият ва ижтимоий-маданий ҳамжамият ташкил этиш юзасидан келишиб олдилар. Шу мақсадда ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича 2009–2015 йиллар даврида АСЕАНга аъзо давлатлар ривожланишининг асосий жиҳатлари акс эттирилган ҳаракат дастурлари қабул қилинган.

АСЕАН Низомининг биринчи моддасида ташкилотнинг 2015 йилга қадар ижтимоий ривожланиш йўналишлари ва кўрсаткичларини ўз

ичига олган асосий мақсадлари белгилаб қўйилган. Булар: қашшоқликни йўқотиш; ҳамкорлик алоқалари асосида АСЕАНга аъзо давлатлар ривожланишидаги фарқларни қисқартириш; минтақада атрофмұхит мухофазасини таъминлаш учун барқарор ўсишга кўмаклашиш; табиий бойликлардан оқилюна фойдаланиш; маданий меросни ва ахолининг юқори турмуш даражасини сақлаб қолиш; ижтимоий таъминот ва адлия тизими хизматларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш орқали ахоли турмуш фаровонлигини яхшилаш каби вазифаларни ўз ичига олади.

АСЕАНнинг бугунги ҳолатига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. 2012 йил маълумотларига кўра, АСЕАН худудида 604,8 млн. киши истиқомат қиласди, бу кўрсаткич Ер юзи ахолисининг тахминан 8 физини ташкил этади. 2009 йил маълумотларига кўра, ахоли зичлиги 1 кв км да 133 кишига тенг. 2010 йилда бандлик даражаси меҳнатга лаёқатли ахоли сонига нисбатан турли аъзо мамлакатларда 64 дан 85 фоизгача ўзгариб турганлигини кўрсатади.

Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида харид қилиш паритети бўйича ҳисоблагандан, бир кунда 1,25 доллардан кам харажат қилаётган ахоли улуши Лаос, Камбоджа, Мьянма ва Вьетнамда (ЛКМВ) 1990 йилдаги 45 фоиз ўрнига 2010 йилда 16 фоизгача, бу давр ичида ташкилотнинг бошқа 6 та мамлакатида – Бруней, Индонезия, Малайзия, Филиппин, Сингапур ва Таиландда (АСЕАН-6) – 29 фоиздан 15 фоизга қисқарган. Таълим соҳасида эса, 2010 йилда АСЕАН-6 мамлакатларида таълим олиш давомийлиги кўрсаткичи 7,5 йилдан 8 йилга, ЛКМВда эса 4,6 йилдан 5 йилга ошган.

2000 йилдан бошлаб оналар ўлими кўрсаткичи камайиб бораётгани кузатилмоқда. Шунингдек, ЛКМВда гўдаклар ўлими кўрсаткичи (ҳар 1000 тирик туғилган чакалоққа нисбатан) 66 дан 40 нафаргача, бошқа мамлакатларда эса – 18 дан 14 нафаргача пасайланлиги қайд қилинган. Айни пайтда, ЛКМВ ва АСЕАН-6 мамлакатлари ўртасида иқтисодий ривожланиш бўйича тафовутлар ҳамон юқорилигича қолмоқда. АСЕАН-6 гурухи давлатларининг иқтисодий ҳолати бошқаларга нисбатан анча яхши, бироқ бу Минг йиллик ривожланиш мақсадлари кўрсаткичларига ҳар доим ҳам мос келавермайди. АСЕАНнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасидаги 2011 йил ҳисоботига

мувофиқ, юкорида таъкидланганидек, тирикчилик минимуми бўйича белгиланган мезондан паст даражада турмуш кечираётганларнинг салмоғи 1990 йилдаги 45 фоиздан 2010 йилда 16 фоизга камайган. Яъни, ЛКМВда қашшоқлик даражаси АСЕАНнинг бошқа ривожланган мамлакатларига нисбатан 1,1 мартаға пасайган.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фондининг камбағалликни қисқартириш бўйича 2011 йилдаги ҳисботига кўра, АСЕАНнинг 54 фоиз аҳолиси қишлоқларда яшайди, қишлоқ жойлардаги камбағаллик даражаси эса 62 фоизни ташкил қиласди. АСЕАН ҳудуди сел босиши, вулқон отилиши, сув тошқини, цунами, тайфун каби турли табиий оғатлар тез-тез содир бўлиб турадиган, глобал иқлим ўзгаришларига мойил минтақа бўлиб, пировардида бу хавф-хатарлар шу жойда яшайдиган аҳолининг фаровонлиги ва саломатлигига ҳамда умумиқтисодий вазиятга жиддий зарар етказиши мумкин.

Қишлоқ жойларда қашшоқлик даражасини камайтириш масалалари АСЕАНнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва камбағаллик даражасини камайтириш соҳасидаги турли вазирликлар йиғилишларида кўриб чиқиляпти. Уларнинг 2011–2015 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар Режаси доирасида лойиҳаларни амалга ошириш тегишли Ҳукуматлар томонидан қўллаб-кувватланяпти. Бу соҳадаги дастлабки чоралар 1997 йилда иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида қабул қилинган эди. Бизнинг асосий мақсадимиз – қашшоқликни тугатиш, қишлоқларни тез юксалаётган, гуллаб-яшнаётган ҳудудларга айлантириш, уларнинг иқтисодиётини ривожлантириш, табиий ресурсларидан унумли фойдаланиш, молиявий хизматлар, микрокредитлаш ва ижтимоий ҳимоя хизматларидан фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат.

Ушбу халқаро конференция хulosа ва таклифларидан келиб чиқсан ҳолда, АСЕАН қишлоқни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш стратегияси сифатида қишлоқ қурилиши масалаларини қайта кўриб чиқиши зарур. Бинобарин, бу вазифа қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб кетишини чеклайди, қишлоқ жойларнинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли турли қатламларининг тенг ривожланишини таъминлайди.

Қишлоқ қурилиши ҳақида ўзимнинг айрим муроҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман. Мен учун Тошкент вилояти Пскент туманига ташрифимиз жуда самарали бўлди. Қишлоқда уй-жой қурилиши қишлоқни ривожлантиришга нисбатан оқилона ёндашувдир, зеро бунда кишилар бир қатор хизмат турлари, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланадилар, экологик муаммоларини ҳал этадилар.

Мантиқий шундай холосага келдимки, биринчидан, маҳаллалар йиғинлари орқали қишлоқ ахли ҳар ойда тўпланиб, ўзларини қизиқтирган турли муаммоларни муҳокама этиш жараёнида фаол қатнашиш имкониятига эга бўладилар. Иккинчидан, жамоа аъзолари мавжуд муаммолар ва бошқа зарур масалаларнинг ечими бўйича қарор қабул қилишда иштирок этадилар.

Учинчидан, қишлоқ уй-жой қурилиши қишлоқ жойларда оддий кишиларга ваколат бериш орқали, уларни ғайрат-шижоатга ундаиди, илҳомлантиради. Бунинг устига, қишлоқ қурилиши – қишлоқни ривожлантириш, шу жумладан, камбағалликни бартараф этиш омили, шу билан бирга, у инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш бўйича етакчи куч ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳати, биз ташриф буюрган қишлоқда гендер масалалари жуда яхши ҳал қилинганилиги кузатилди, яъни аёллар ишда ва турмушда учрайдиган турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этишмоқда. Мен бу нарса аёллар ҳуқуқини ошириш бўйича жуда оқи-лона ёндашув деб ҳисоблайман.

Мазкур дастурнинг менда жуда катта таассурот қолдирган жиҳатларидан яна бири – уй-жой қурилишини таъминлашга хизмат қиласидиган банкларнинг ташкил этилганидир. Сизлар қишлоқ оиласарига молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини беряпсизлар. Уй учун тўловлар, кредитни қоплаш, қарз олувчиларнинг солиқ тўловидан озод этилиши – муайян мотивация механизмларидир.

Дастурнинг мени лол қолдирган жиҳатларидан яна бири – оиласарга турли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга катта имконият яратиб берилганидир. Сизларда бундай оиласарга 49 йил мобайнида ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилгани катта имкониятлар эшигини очиб беради. Шу билан бирга, маҳаллий хомашё ва

материалларнинг ишлатилиши маҳаллий ҳамжамиятлар ижтимоий-иктисодий ривожланишига ижобий ҳисса қўшади. Чиндан ҳам қишлоқ жойларда уй-жой барпо этишга йўналтирилган инвестициялар – ёш авлод учун жуда керакли ва зарур сармоядир. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг қишлоқ уй-жойларига киритилган инвестициялар келгуси авлодларнинг турмуши обод бўлиши учун яратилган имкониятдир, деган фикри менга жуда маъкул бўлди.

Қишлоқларда курилаётган уй-жойларни, биринчидан, жамиятда бирдамликни таъминлайдиган ўзига хос платформа, яъни ўз аъзолари ҳақида қайғурадиган жамият рамзи, деса тўғри бўлади. Иккинчидан, бу – жамиятда турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қодир платформа. Учинчидан, аёллар хуқуқини ҳимоя қиладиган ва гендер тенглигини кафолатлайдиган платформа. Тўртинчидан, қишлоқ уй-жой курилиши бўйича Ўзбекистон тажрибаси АСЕАН учун камбағалликни қисқартириш, қишлоқ мintaқалари салоҳиятини ошириш ва ривожлантиришга йўналтирилган стратегик платформа бўлиб хизмат қиласди.

АСЕАН номидан ушбу конференцияга таклиф учун яна бир бор ташаккур билдиromoқчиман, чунки бу соҳадаги янги тажрибаларни ўрганиш ташкилотга аъзо давлатлар учун муҳим ҳисобланади. Имкониятдан фойдаланиб, АСЕАН мintaқавий ташкилот сифатида аҳоли фаровонлигини ошириш, дунё миқёсида ривожланишига ҳисса қўшиш мақсадида Ҳукуматлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга ҳар доим тайёр эканлигини таъкидлайман.

Омер ЗАФАР,

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

*Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириши
фондининг Минтақавий дастурлар раҳбари*

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИФАД ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИЯСИ

Ҳурматли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Қишлоқ киёфасини ўзгартириш ва ахоли турмуш даражасини яхшилаш омили сифатида замонавий уй-жой қурилишига бағишлиланган ушбу муҳим конференцияда қисқартирилган ҳолда ИФАД деб аталувчи Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (ИФАД) ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро молия институти вакили бўлиб катнашиш мен учун катта шарафдир. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қишлоқ жойларда замонавий, шинам, нисбатан арzon тураржойлар барпо этиш бўйича амалга ошираётган сайд-ҳаракатларидан биз жуда мамнунмиз ва уни юқори баҳолаймиз.

ИФАД – бу қишлоқ жойларни ривожлантириш учун тегишли ижтимоий-иктисодий шароитлар яратиш борасида Ҳукуматларни кўллаб-кувватловчи ташкилотdir. Фаолиятимиз қишлоқ хўжалиги ва қишлоқлар иқтисодий тараққиётини кўллаб-кувватлашга ихтисослашган бўлиб, қишлоқ жойларда даромадлар ошишини таъминлаш воситалардан бири сифатида замонавий уй-жойлар қурилишига алоҳида эътибор қаратиш бизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади. Бизнинг фаолиятимиз бутун дунёда юқори салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг барқарор ва турли тармоқларда бандлиги имкониятларини, шунингдек, уй хўжаликлари даромадини ошириш ҳамда адолатли иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида кўлланилаётган амалий тажрибаларни умумлаштиришдан иборат.

Асосий омил – қишлоқ хўжалиги соҳаларини технологик модернизациялаш орқали нисбий устунликка эга бўлиш ва иқтисодий ўсиш салоҳиятини оширишдан иборатdir. Шунингдек, озиқ-овқат

маҳсулотлари хавфсизлиги ва халқаро сифат мезонларига мувофиқ ҳосил этишириш, йиғиши ва қайта ишлаш бўйича илфор усусларни жорий этиш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади.

Яна бир муҳим омил – қишлоқ инфратузилмаси, айниқса, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича замонавий суғориш тизимларини шакллантириш, йўллар қуриш, энергия таъминоти, шу жумладан, ноанъанавий қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва саноат кластерлари ташкил этиш, агробизнесни ўзаро боғловчи ҳамда молия тизимидан фойдаланишга имкон берувчи қишлоқ молия хизмати билан боғлик.

Биз аҳоли жамғармаларини жалб этиш, айланма маблағлар билан таъминлаш, қишлоқларни молиялаштириш ва кредитлар ажратиш, лизинг, суғурталаш ҳамда венчур капиталини жалб қилиш билан шугулланамиз. Шунингдек, агробизнес субъектларининг кўпайиши ҳамда қишлоқда барқарор иш жойлари яратилишига имкон берадиган агробизнес субъектларини ўзимизнинг маблағларимиз хисобига молиялаштириш бўйича катта тажриба орттирганмиз.

Навбатдаги омил кичик фермер хўжаликларини сертификатлаш, шунингдек, йирик фермер хўжаликлари ва агробизнес субъектлари учун маслаҳат хизматлари кўрсатиш ҳамда халқаро мезонларга, айниқса ISO ва HASP талаблари бўйича мувофиқликни таъминлашдир.

Ва ниҳоят, охирги омил – қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва иқтисодий самарадорликка эришиш афзалликларидан кенг фойдаланиш мақсадида турли шаклдаги ишлаб чиқарувчилар уюшмаларини ташкил этишдан иборат.

Самарали давлат бошқаруви ва қулай бизнес муҳити доирасида бундай илфор амалиётнинг қўлланилиши қишлоқ хўжалигига юксак натижаларга эришиш, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ошириш, ички бозор таъминотини яхшилаш, шунингдек, маҳсулотлар экспортини амалга ошириш ва савдо муносабатлари учун қулай шарт-шароит яратади. Ўзбекистоннинг жаҳон бозорларига интеграциялашуви шароитида хавфсизлик ва сифат мезонларига мувофиқ сифатли ва сертификатланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш долзарб вазифа ҳисобланади.

ИФАД 2011 йилда ўзига аъзо бўлган Ўзбекистонни қутлаш шарифига мұяссар бўлди. Ўзбекистон юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича қулай шароит ва тарихий анъаналарига эга мамлакатдир. Биз Ўзбекистон Республикаси хукуматининг айнан шу соҳадаги қарори асосида Сурхондарё вилоятида мева-сабзавот маҳсулотлари етишириш бўйича лойиҳани молиялаштиришини режалаштирганмиз. Ушбу лойиҳада барқарор иш жойлари яратиш мақсадида кичик фермер хўжаликлари, шунингдек, қайта ишлаш корхоналарини қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Иш ўринлари ва қишлоқ ривожланишининг мультиплекатив самараси натижасида қишлоқда уй-жой курилишига инвестиция жалб қилиш учун қўшимча имкониятлар яратади. Лойиҳанинг жадал ҳамда муваффақиятли амалга оширилишига ишонамиз.

ИФАД яқинда Ўзбекистонга ўз инвестициялари ҳажмини кенгайтириш режасини тасдиклади. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш бўйича бошлаган лойиҳамиз муваффақиятга эришса, Ҳукуматингиз билан бозор талабларини қондириш мақсадида Қашқадарё вилоятида ҳам мева-сабзавот ҳамда тайёр чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш лойиҳасини амалга ошириш масаласини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Хулоса килиб таъкидламоқчиманки, ИФАД ва Ўзбекистон хукуматининг муваффақиятли ҳамкорлиги қишлоқ жойларининг киёфасини ўзгартириш, республиканинг янада юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга қаратилган. Биз келгусида ҳам стратегик ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаймиз ва кенгайтирамиз, деб сизларни ишонтираман.

Роберт ВИНЕР,
Калифорния қишлоқ уй-жой қурилиши
коалицияси ижрочи директори,
АҚШ

КАЛИФОРНИЯДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

Хурматли Ҳайъат, хурматли делегатлар, конференция иштирокчилари, менга ушбу конференцияда сўзга чиқишига имконият берилгани учун сизларга миннатдорчилик билдираман.

Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида фойдаланилаётган моделлардан фарқ қиласидиган моделни тақдим этмоқчиман. Ахолига барқарор хизмат кўрсатиш борасидаги ушбу моделни бошқа моделлар билан солиширганда яхши ҳам, ёмон ҳам деб бўлмайди, чунки у ўзига хослиги билан ажралиб туради. Таклиф қилинаётган модель келажакда фуқаролик жамиятининг ишончли хизмат кўрсатиш секторини яратишга ҳамда қишлоқ уй-жойлари таъминотида қулай хизматлар кўрсатилиши борасида давлат билан ёнма-ён иш олиб борадиган нотижорат ва нодавлат ташкилотларини ташкил этишга имконият яратади. АҚШда, хусусан, Калифорния штатида биз ана шундай моделни амалга оширдик.

Менинг уюшмам – бу, штат бўйича арzon ва қулай уй-жой курувчи нотижорат ташкилотлар коалицияси (иттифоки)дир. Уларнинг вазифаси федерал ҳамда маҳаллий Ҳукумат билан ҳамжиҳатликда даромад даражаси паст аҳоли учун уй-жой қурилиши бўйича фаолият кўрсатишдан иборат.

Коалицияга 25 тага яқин Нотижорат Нодавлат Ташкилоти (ННТ), Калифорния штатининг вакиллик ва ижро ҳокимияти, кам даромадли фуқаролар хукуқларини ҳимоя қилувчи маслаҳатчилар ҳамда маҳаллий фуқаролар аъзо бўлиб кирган. Шунингдек, коалицияга йирик қурилиш ташкилотлари ҳам аъзо бўлиб, улар нокулай шароитларда ҳаёт кечириувчи аҳолига ёрдам бериш, қариялар, пенсионерлар, ишсизлар,

үйсизлар ва аёллар учун уй-жой қуриш билан шуғулланади. Маълумки, уй-жойи бўлмаган фуқаролар жон сақлаш мақсадида шаҳарга кўчиб ўтишга мажбур бўлади.

Бугунги кунга келиб штатда уй-жой қурилишининг бундай нодавлат секторини яратишнинг бешта асосий усули мавжуд. Уларнинг биринчиси ва энг муҳими адвокатлик фаолиятидир. Иттифоқимиз ННТлар ва уларнинг таъсисчилари манфаатларини ҳимоя қиласиди. Коалициянинг Конгрессда ҳам ўз вакиллари бўлиб, улар қишлоқда замонавий, қулай ва нисбатан арzon тураржой қурилишига ёрдамлашиш учун ресурслар ажратилиши, молиялаштириш, ердан фойдаланиш хақида қонунлар қабул қилиниши тарафдорлари сифатида мажлисларда қатнашади. Давлат органларига қишлоқ жойларни ривожлантиришнинг аҳамияти ва қишлоқ аҳолисининг муносиб уй-жойларда яшashi лозимлиги тўғрисидаги масала ўта муҳимлигини эътиборга олиб, аҳолини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш, режа асосида ўқитиш, уларнинг ёрдам сўраб килган мурожаатларини кўриб чиқиши масалалари билан шуғулланамиз.

Иккинчи усулда ассоциация фермер хўжаликлари, кичик корхоналар салоҳиятини мустаҳкамлашга техник ёрдам беради ва бу жараёнда уларнинг ўзига-ўзи ёрдам бера олишига асос яратади. Биз ишни фақат юкоридан пастга қараб эмас, балки энг оддий одамлар эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил этишга асосий эътибор қаратамиз.

Учинчидан, янги қишлоқ муассасаларини барпо қилишга ҳаракат киламиз. Мисол учун, вазифаларни бажариш, тажриба алмашиш, ўзаро ўқитиш, ташки эксперталарни жалб этиш учун зарур маблағларни сафарбар этишни таъминлашга кодир бўлган қишлоқ фуқаролар йиғинлари тармоғини ва узоқда жойлашган фуқаролар йиғинларининг 40 дан ортиқ тармоқларини ташкил этдик.

Тўртинчидан, иш фаолиятимизда активлар ташкил этиш орқали кам таъминланган оилаларнинг даромадлари ва фаровонлигини оширишга ҳаракат қиламиз. Бундай оилаларга кўчмас мулк харид қилиш, коллежда ўқув тўловларини тўлаш, янги бизнесни ишга тушириш, уй хўжалиги бюджетини ташкил этиш бўйича ўқитиш, муҳим активларни сотиб олиш учун маблаг жамғариш ҳамда сарф-харажатларни амалга

ошириш мақсадида маблағлар тежаб колиш юзасидан ёрдамлар күрсатамиз.

Шу билан бирга, бешинчи усулда нодавлат соҳада етакчиликни ривожлантириш бўйича ёш-эмигрантлар, этник озчиликни ташкил этувчи аҳоли билан тегишли ишлар олиб борамиз. Уларга қишлоқ йигинларининг фаол аъзоларига айланиши учун зарур билим ва кўникмаларни эгаллашлари мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борамиз. Сўнгра улар йил давомида уюшмамиз тадбирла-рида иштирок этишлари, молиявий механизмларнинг ишлаши бўйича ахборот олишлари мумкин бўлади. Ёшлар қишлоқ йигинларига қайтганларидан сўнг билим ва кўникмаларини ўз фаолиятларида кенг фойдаланадилар.

Шунингдек, ННТ ўз фаолиятида бошқа мамлакатларда Хукумат масъул бўлган вазифаларни ҳам бажаради. Масалан, Хукумат заёмлари ва грантларидан фойдаланган холда ер майдонлари сотиб олишади, баъзи ҳолатларда маҳаллий ҳокимият томонидан уларга ер участкалари бепул ажратилади. Яшаш учун зарур бўлган инфратузилма: канализация, сув ва электр таъминоти, йўллар барпо этади. Натижада улар ўзини ўзи бошқариш, мустақил қуриш, хусусий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш ҳуқуқини қўлга киритишга қодир эканликларини исботлайдилар. Баъзida мавжуд 6 тадан 12 тагача молиялаштириш маблағлари фақатгина аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун уй-жойлар қуришга етарли бўлади. Уларнинг ўzlари уйлар лойиҳаларини тайёрлайдилар, қурилишга бошчилик қиласидилар, унинг боришини кузатиб борадилар. Ана шу жараёнда улар мазкур кўчмас мулкни бошқарувчи ширкатларга айланадилар.

Арzon ва қулай уй-жойлар асосан ўртача даромаднинг 50 фоизи ва ундан кам миқдорда даромад топадиган одамларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилади. Бундай одамлар учун қурилаётган уй-жойлар харажатларини камайтириш, нархларни арзонлаштириш мақсадида молиялаштиришнинг турли манбаларидан фойдаланишга ҳаракат қиласиз. Бизнинг асосий мақсадимиз – уй-жойларни аҳоли учун арzon ва қулай қуришдан иборат.

Биз қўллаётган самарали усуллардан бири Ўзбекистон учун мос келиши мумкин. Бу – уй-жой ажратилишида ўзаро ёрдамлашиш усулидир. Бунда нотижорат ташкилоти кам таъминланган оилалардан 8–12 тасини бирлаштиради ва бир йил давомида келишилган ҳолда ўзлари учун уй-жой куришни бошлайди. Бир оила бошқа оиласага уй куришда қўмаклашади. Барча уйлар курилиши тугалланмагунча оиласлар уйга кўчиб ўтиш ҳукукига эга бўлмайдилар. Курилиш тугалланиши билан уй қиймати ҳисоб-китоб қилинади ва Федерал Ҳукуматдан заём олишлари инобатга олинади. ННТ киритган дастлабки маблағлар АҚШ қишлоқ хўжалик департаменти маблағлари ҳисобига қопланади, яъни департамент томонидан ушбу кам таъминланган оиласарга 33 йилга 1 фоизли ставкада заём берилади. Шундай қилиб, бу тоифадаги аҳоли ўзига хос йўл билан уй-жойга эга бўлади. Энг муҳими, бунда одамларнинг ҳамжиҳатлиги катта роль ўйнайди. Иш жараённида қай тарзда уй куриш, уни тегишли ҳолатда сақлаш ва ўзаро ижтимоий алоқаларни ўрнатиш алоҳида ўрганиб борилади. Шубҳасиз, бундай ҳамкорлик аҳоли томонидан юқори баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган ҳалқаро конференция барча иштирокчиларга тажриба алмашиш имкониятини берди. Форумнинг очилишида давлат раҳбарининг нафақат уй-жой курилиши соҳасидаги ишлар, балки республикада ривожланишнинг бошқа устувор йўналишларини қамраб олган ҳолда нутқ сўзлаганлиги менда катта таассурот қолдирди. Бутун жаҳонда тан олинган тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёsat эътиборга лойикдир. Бу сиёsatнинг натижаларидан бири қишлоқда уй-жой курилиши бўйича кенг қўламли дастурларнинг амалга оширилиши бўлди. Улар биринчи навбатда, аҳоли турмуш даражасини ошириш, Ўзбекистон ҳалқининг келажак авлод учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Бундан ташқари, бу курилиш комплекси ва унга яқин соҳаларни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни кенгайтириш учун кучли рағбатлантирувчи омилдир. Президент ўзининг нутқида бошқа мамлакатларда уй-жой курилиши ва қишлоқларни комплекс ривожлантириш дастурлари асосида энг

оғир вазиятларда ҳам иқтисодий ўсишга эришишга муваффақ бўлгани ҳақидаги тарихий тажрибаларни келтириб ўтди. Бу Ўзбекистонни ана шундай қимматли мақсад, яъни фуқароларнинг фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш учун жаҳон тажрибаси ва ўз имкониятларидан кенг фойдаланаётганлигини англатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон тажрибаси, амалга оширилаётган лойиҳалар менда катта таассурот қолдирди. Ҳукуматингиз ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида сабитқадамлик билан илдам бораётганлигининг гувоҳи бўлдим. Сизларга келгусида муваффақиятлар тилайман. Қачонлардир менинг мамлакатим Ҳукумати ҳам қишлоқ аҳолисини ҳақиқий муносиб уй-жой билан таъминлаш масалаларига катта эътибор беради, дея умид қиласман.

Юань ЛИ,
Хитой давлат тараққиёт банки вице-президенти,
Хитой Халқ Республикаси

ҚИШЛОҚЛАР РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Хурматли мәхмөнлар, хонимлар ва жаноблар!

Бугунғи қишлоқ туаржой қурилиши ва қишлоқларни ривожлантиришга бағишиланған конференцияда Хитой давлат тараққиёт банки номидан қатнашиш мен учун катта шарапфидир. Мазкур конференция юқори даражада ташкил этилгани учун Үзбекистон ҳукуматига самимий миннатдорчилик билдираман.

Ўзбекистонлик шериклари билан узок муддатли ҳамкорлик борасида катта тажрибага эга Хитой давлат тараққиёт банки мамлакатингизда ижтимоий-иктисодий ривожланишни құллаб-қувватлаш учун 2,6 млрд. АҚШ доллары ажратди.

Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ жамоаси муаммоси ҳар қандай жамият, ҳар қандай иқтисодиёт, ҳар бир миллатнинг мухим, ҳал қилиниши лозим бўлган устувор йўналиши сифатида қараб келинган. Хитойча тушунча бўйича яхши ташкил этилган бошқарув мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва хавфсизлиги ҳамда қишлоқ жамоалари ўртасидаги алоқаларда намоён бўлади. Қишлоқ йиғинлари фаровонлиги ва қишлоқ хўжалиги ривожланиши нафақат соғлом иқтисодиёт, балки унинг узок муддатли барқарор ривожланиши ҳамда хавфсизлиги учун ҳам зарурдир.

Хитойда қишлоқ жойларда ислоҳотларнинг муваффақиятли олиб борилиши нафақат қишлоқ йиғинларининг моддий фаровонлигини таъминлади, балки Хитой раҳбариятига жуда қимматли тажриба, ноуҳау ва новаторлик салоҳиятини ошириш имконини беряпти.

Биринчидан, биз қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиридик, шаҳарларни саноатлаштириш билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришга имконият яратдик. Бу келгусида шаҳар ва

қишлоқ йиғинларининг иқтисодий интеграциясини чуқурлаштиришни талаб этади.

Иккинчидан, биз янада кучли, соғлом ва гуллаб-яшнаётган қишлоқ йиғинларини барпо этиш учун инновацияларни сиёсий даражада қўллаб-кувватладик. Бундай сиёсат ва чора-тадбирлар фермерлар зиммасига тушадиган молиявий юкни пасайтириш, қишлоқ хўжалигида соликларни бекор қилиш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун субсидиялар ажратиш, фермерлар манфаатдорлигини ошириш, шунингдек, таваккалчиликни тадқиқ этиш ва қишлоқда зарур хизмат турларини барпо этиш учун қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизимини жорий этишни назарде тутади.

Учинчидан, биз институционал даражада стратегияни татбиқ этишни бошлаб, шахар ва қишлоқ ривожланишини тенглаштиришга хизмат қиладиган уйлар, йўллар ва ирригация иншоотлари хавфсизлигини кучайтиришга кўмаклашадиган турли ижтимоий хизматлар турини кўпайтирадиган инновацияларни жорий қилдик.

Молиявий кўмаксиз давлат қишлоқ ривожланишини таъминлаш мумкин эмас. Хитой давлат тараққиёт банки, молиявий институт сифатида, қишлоқ йиғинларини қўллаб-кувватлаш ниҳоятда муҳим деб ҳисоблайди. Бугунги кунда қишлоқ йиғинларига, уй-жой қурилиши, таълим ва тиббиёт муассасалари, энергетик инфратузилма қурилиши, агробизнесни ривожлантириш ва фермерларни қўллаб-кувватлаш учун банк томонидан 193,5 млрд. АҚШ доллари ажратилган. Биз ҳар доим бевосита кредитлашга эмас, турли молиявий моделларга эътибор қаратганимиз. Шунинг учун Хитой тараққиёт банки ҳамиша кўп сонли хўжалик субъектларини молиялаш, қишлоқни маблағ билан таъминлаш моделини барпо этиш ҳамда ривожланишини режалаштириш мақсадида, янги бозорлар барпо этиш ва ривожлантириш тарафдори бўлган. Буларнинг барчасига миллий ва маҳаллий даражада қишлоқни ривожлантиришнинг турли режаларини тадқиқ этиш, айрим суст томонларини аниқлаш асосида эришилди.

Молия ташкилотининг муваффақиятли фаолият юритиши учун молиявий ва интеллектуал ресурсларни сафарбар этишда давлатнинг имкониятларидан ҳамда молиявий ташкилотлар салоҳиятидан фойдаланиш зарур. Банк турли манбаларни, суғурта фондлари ва таш-

килотлари маблағларини жалб этади ҳамда қишлоқни молиялаштириш муаммоларини ҳал этади. Урбанизация ва шаҳарларнинг саноатлашув жараёни билан замонавий қишлоқ хўжалиги ривожланишини уйғунлаштирган ҳолда мувофикалаштиради. Бу икки йўналиш биргаликда олиб борилади ва айнан инфратузилманинг ривожланиши қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари бир хилда ривожланишини ҳамда улар интеграциясини таъминлашга ёрдамлашади.

Қишлоқ ҳудуди ва қишлоқ хўжалиги ривожланиши борасида дунёнинг барча ривожланаётган мамлакатларида бир-бирига ўхшаш қийинчиликларга дуч келинмоқда. Иқтисодиётнинг юраги ҳисобланган молия соҳаси бундай қийинчиликларни енгиб ўтишда муҳим ўрин тутиши керак.

Хитой давлат таракқиёт банки қишлоқларни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган шериклар билан ҳамкорлик имкониятларини келгусида ҳам ўрганиб боради, қишлоқнинг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши учун фаол иштирок этади.

ҚИШЛОҚДА ТУРМУШ ТАРЗНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ БҮЙИЧА КОРЕЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

XXI асрда қишлоқ аҳоли пунктлари қурилиши нафақат жамиятнинг кучли томони ва имкониятларини белгилайди, алоҳида ҳудудларнинг бирини бири тўлдириб, ўзаро ресурслар алмашинувини таъминлашга йўналтирилган стратегия қабул қилинишини талаб этади.

Жанубий Кореяда уй-жой қурилиши мустаҳкам кучга эга бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ: сифатга катта эътибор бериш, саноат ва уй эгаларига бўлган ишонч. Шу сабабли биз учун қурилаётган уй-жой фақатгина ғишт ва сувоқ каби қурилиш материалларидан иборат бошпанагина эмас, инсон улғаядиган, оила қурадиган ва мўтабар ёшга етадиган маскандир.

Бинолар қурилишида бой миллий тажрибага ва тарихга эгамиз. Корея ривожланиш тарихини бинолар архитектураси ва қурилиш услубларидан билиб олиш мумкин. Жанубий Кореянинг саноатлашиш жараёни, технологик ривожланиш ва аҳоли сонининг кескин ўсиши биз курган биноларда ўз аксини топган ва миллий шаҳарсозлигимизнинг асосини ташкил этади.

Хонадон эса келажагимизнинг пойдевори, одамларнинг яшashi, меҳнат қилиши ва орзу-ҳавасларига эришиши мумкин бўлган улуғ даргоҳ ҳисобланади. Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири атроф-муҳитнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда электр энергия сарфи кам бўлган уйлар бунёд қилишdir.

Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида, давлатнинг қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш лойиҳалари асосида, қишлоқлардаги сомон томли уйлар шифер томли темир-бетон конструкцияларга алмаштирилди. Черепица томли шаҳар тураржойлари, асосан, мамлакатни модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш натижасида, деярли қолмади.

Бугунги кунга келиб, аҳолининг қарийб 88 фоизи шаҳарларда яшайди. Курилиш учун ер майдонларининг етишмаслиги ва аҳоли турмуш тарзининг ўзгариши шаҳар жойларида уй-жой мулкдорлари ширкатларининг етакчи мавқега эга бўлишини таъминлади.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидағи асосий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий кўрсаткичлар таҳлили мамлакатда ўтиш даврининг асосий муаммолари ҳал қилинганлигини: янги давлатчилик ташкил этилгани, янги бошқарув тизими шакллантирилгани, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилгани ҳамда бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилганини кўрсатмоқда. Хозирги кунда Ўзбекистон олдида турган асосий вазифа иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожланиш истиқболларида унинг олдида икки муҳим масала: аҳолининг демографик ўсиши ҳамда сув ва ер ресурслари танқислиги турганлигини кўрсатади.

Индустрисал ва инновацион ривожланиш, шаҳарлашиш (урбанизация) жараёнлари ва унинг таркибий қисми бўлган уй-жой қурилиши мазкур хавф-хатарларни олдини олади ва муаммоларнинг ечимини таъминлайди.

Индустрисал-инновацион ривожланишнинг узоқ муддатли стратегияси ва шаҳарлашиш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада асосий қийинчиллик шундан иборатки, бошқа мамлакатлардан фарқли томони, Ўзбекистон ҳукумати мазкур икки стратегияни бир вақтнинг ўзида амалга ошириши зарур. Жаҳон тажрибасидан маълумки, замонавий уй-жой қурилиши ва индустрлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга давлатнинг аниқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш орқали эришиш мумкин.

Конференция Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодий ўсишда муҳим аҳамият касб этади. Уй-жой қурилиш дастури қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш ва қишлоқ жойларда инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган бўлиб, қишлоқда турмуш тарзининг юксалиши ва янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлади. Конференция ўрта ва паст даромадли аҳоли қатламлари (ёш оиласалар, ўқитувчилар, соғлиқни

сақлаш ходимлари ва уй-жой қурилиши мутахассислари) учун тураржой қурилишини кредитлаш ва молиялаштириш механизмларини амалга татбиқ этишга қаратилған янги Дастан қабул қилишга турткі бўлади.

Ўзбекистонда замонавий қишлоқ уй-жойларни қуриш қўйидаги етти тамойил асосида амалга оширилиши мумкин, деб ҳисоблайман:

- қишлоқ қурилишидан манфаатдор бўлган аҳоли ва ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган стратегик шериклар билан алоқаларни йўлга кўйиш;

- қишлоқ жойларда яшовчи барча аҳолининг капитал бозори ва молия институтлари хизматидан фойдаланишини таъминлаш;

- озиқ-овқат билан таъминлаш ҳудудий тизимини мустаҳкамлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва аҳолига етказиб бериш маҳаллий тизимини рафбатлантириш;

- аҳоли ўртасида бир-бирлари билан рақобатлашишни эмас, балки шерикчиликни ифодалайдиган ҳудудий ҳамкорликни таъминлаш. Қишлоқ жойларда яшовчи кам сонли аҳоли ўз имкониятларини кенгайтириш мақсадида бир-бирлари билан ҳамкорликда ҳаракат қилишлари;

- қишлоқ аҳолиси умумий мақсадларга эришиш учун ўзаро ҳамкорлик қиласидиган маҳаллий жамиятларни ташкил этиш;

- муқобил электр энергия замонавий иқтисодиётнинг асосидир. Қишлоқ аҳолиси ўз ҳудудида электр энергия ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида бирлашиб, ишлаб чиқариладиган энергия билан нафакат ўзини, балки бутун мамлакатни таъминлашга интилиши;

- тадбиркорлик муҳитининг барқарор ва кенг қамровли ривожланиши глобал алоқа тизимиға уланиш билан узвий bogлиқ. У катта салоҳиятга эга бўлган маҳаллий тадбиркорлар молиявий ҳолати мустаҳкамланиши учун хизмат қиласи.

Отмар ЗАЙБЕРТ,
Вайенштейфан-Трисдорф
университети профессори,
Германия

ҚИШЛОҚ ҲУДУДЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Глобал муаммолар. Ҳозирда дунё аҳолиси 7,2 млрд. кишидан ортик бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда. БМТ ҳисоб-китобларига кўра, 2050 йилда Ер юзи аҳолисининг сони 9,2 млрд. кишига етади. Бундай ҳолат озик-овқат таъминотида жiddий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Афсуски, 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг 30 фоизи қишлоқ жойларда яшashi ҳисобга олинмаётир. Аҳолининг кўпайиб бориши, қишлоқ жойларда яшаш огирилиги, ишга жойлашиш имкониятининг чекланганлиги, яшаш учун уй-жой ва майший шароитдаги нокулайликлар аксарият кишиларни шаҳарларга кўчиб ўтишга мажбур қилмоқда.

Жаҳон бўйича аҳолининг худудий тақсимотида жiddий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда, бу эса кўплаб минтақаларнинг ривожланишида кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Жаҳон миқёсидаги ҳодиса Ўзбекистонга ҳам тааллуклидир. Чунки аҳолининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшайди.

Аҳоли худудий тақсимотида содир бўлаётган ўзгаришлар энг камида иккита муаммони келтириб чиқаради:

Агломерация муаммоси. Таъминот соҳасидаги йирик муаммолар ва экологиянинг ёмонлашуви, жиноятлар сонининг ортиши, кишиларнинг ижтимоий яқкаланиб қолиши, уй-жой етишмовчилиги, номақбул турмуш тарзи билан бөглиқ бошқариш мураккаб бўлган йирик мегаполислар шаклланмоқда.

Бироқ йирик шаҳарларнинг иқтисодий ўсиш соҳасидаги муваффақиятларидан аҳоли сони ва зичлиги ортишидан юзага келадиган зарарли оқибатларни бартараф этишда фойдаланиш мумкин.

Аҳолининг камайиши. Айни пайтда кўпгина мамлакатлар қишлоқларнинг бўшаб қолиш муаммосига дуч келмоқдалар. Миграция – айниқса ёшлар орасида – мамлакат иқтисодий салоҳиятининг пасайиши, маҳаллий ва минтақавий инфратузилмадан фойдаланишининг камайиши, экологиянинг бузилиши ва ижтимоий соҳаларнинг издан чиқишига олиб келади. Аҳоли кўчиб кетишининг салбий оқибатлари ўрнини тўлдириш учун ушбу минтақаларда ялпи миллий маҳсулот ҳажмини ошириш зарур.

Шу муносабат билан географик жиҳатдан дунёнинг Европа, Америка ёки Осиё қисмида кўпгина мамлакатлар бир қатор муаммоларга дуч келишмоқда:

- қандай қилиб миллий доирада иқтисодий ва ижтимоий можароларсиз барқарор ривожланишга эришиш мумкин?
- бунда давлат муассасалари қандай вазифаларни бажаради?
- минтақавий органлар ўзларига қандай вазифаларни олишлари мумкин?
- қандай усуллар билан иқтисодиётни ва аҳоли фаоллигини ошириш орқали минтақани янада жадалроқ ривожлантириш мумкин?

Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш бўйича давлат сиёсати маҳаллий бошқарув органлари ва аҳоли томонидан қўллаб-куватланганда гина муваффақиятли амалга ошиши мумкин. Давлат ва хусусий секторнинг ўзаро ҳамкорлиги минтақадаги мавжуд ресурслардан тўлароқ фойдаланиш, муваффақиятларнинг калити бўлиб ҳисобланади.

Давлат сиёсати ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма таъминотига, яъни транспорт ва коммуникация тизими, таълим ва касбий тайёргарлик соҳаларига бир хилда таъсир этади. Бундай “қатъий” омиллар минтақавий ривожланишининг зарур шарти бўлиб, инфратузилма обьектлари билан таъминлаш давлат олдидағи долзарб вазифадир.

Бунда қўллаб-куватлаш чоралари мустаҳкам инфратузилма таъминотини яхшилаш билан бирга, минтақавий ривожланиш салоҳиятидан комплекс фойдаланишга қаратилиши лозим. Минтақанинг “яшириниб ётган” имкониятларини очиб бериш, аниқравшан иқтисодий, ижтимоий ва экологик шароитда бу салоҳиятдан

тўлиқ фойдаланиш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш соҳадаги асосий вазифалар сирасига киради.

Маълумки, ҳар бир минтақа ўзига хос ривожланиш салоҳиятига эга. Ушбу салоҳиятдан фойдаланиш ташқи иқтисодий омиллар, миллий сиёsat ҳамда аҳолининг фаоллиги ва ҳаракатчанлигига боғлиқ. Илгари аҳолиси кам бўлган минтақалар бугунга келиб инновацион ғоялар марказига айланган. Бошқа томондан, ишлаб чиқариш бора-сида тараққий этган минтақалар транспорт ва алоқанинг янги тизимлари туфайли ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Бунга, қадимги Буюк ипак йўлидаги кўплаб минтақалар мисол бўла олади.

Минтақалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш стратегияси бевосита давлатнинг рағбатлантиришидан ташқари минтақавий иқтисодиёт тузилмалари ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишини тақозо этади. Агар давлат миқёсида мувофиқлаштириладиган мустақил минтақавий ривожланиш учун қулай ҳуқуқий ва институционал тузилмавий шароитлар яратилса, бу вазифалар осонроқ ҳал этилади. Хусусий тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватланиши ва қишлоқ жойларда янги бозорларнинг ривожланиши Ўзбекистон мазкур стратегияга амал қилаётганлигини кўрсатмоқда. Бу холоса Хоразм ва Бухоро минтақаларида стратегия муваффақиятга эришганлигини яққол тасдиқлайди.

Қишлоқ ҳудудларининг барқарор ривожланиши қандай усуллар ва стратегик воситалардан фойдаланилганлигига ҳам боғлиқ. Европа Иттифоқида қишлоқ ҳудудлари ривожланиш лойиҳаларини тўғри танлаш ва уларни амалга ошириш, стратегиянинг босқичлари бўйича тайёргарлик кўриш, минтақанинг кучли ва заиф жихатларини аниқлаш, ривожланиш жараёнларини баҳолаш ва доимий мониторинг юритиш каби бир қатор омиллар ютуқлар гарови бўлди.

Бу соҳадаги услубий талабларни шартли равища учта гурухга ажратиш мумкин:

Минтақаларга ажратиш:

- минтақаларнинг кучли ва заиф жихатларини ҳисобга олиб, қишлоқларни ривожлантириш бўйича вазифаларни бажариш;
- минтақалараро меҳнат тақсимотига қўмаклашиш ва устувор тармоқларни ривожлантириш;

- құшымча қиймат яратадиган фаолият турлари бүйича мінтақалар-аро тармоқларни күчайтириш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки хизмат құрсатиши тармоқларини ривожлантириш;
- инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариб, янги бозорларни әгалаш;
- ишлаб чиқариш технологияларини яхшилаш;
- янги хизматлар құрсатиши бүйича таклифлар тақдим этиш.

Таркибий тузилма:

- мінтақавий ривожланиши тадбирларида іктисодиёт ва ақолининг кенг иштирокини таъминлаш;
- ҳар бир мінтақа учун алоҳида ривожланиши концепциясини ишлаб чиқиш;
- истиқболда мінтақавий ривожланишнинг кучли ва заиф жиҳатлари, имкониятлари ва хатарларини аниклаш;
- мінтақавий ривожланиши тадбирларини давлат томонидан мувофиқлаштириш;
- маслаҳат ва ёрдам құрсатиши борасида таклифлар беріш;
- давлатлараро ва мінтақавий ваколатлы идоралар үртасида фаолиятни мувофиқлаштириш.

Касбий мувофиқлаштириш:

- мінтақавий даражада мувофиқлаштириш ва бошқариш бүйича марказлаштирилмаган тузилмаларни яратиши;
- мінтақавий ривожланиши масалаларини ҳал қилиш учун ходимларни үқитиши ва малакасини ошириши;
- тизимли лойиҳавий режалаштириш ва ривожланиши жараёнларини бошқариш;
- ривожланиши жараёнларини кузатиб бориши ва таҳлил қилиш мақсадида мониторинг ва баҳолаш тизимиши яратиши;
- ривожланиши, тажриба алмашишга күмаклашиш бүйича мисолларни умумлаштириб, тақдим қилиш;
- мінтақавий ривожланишнинг тасдиқланған мақсадлари хисобга олинган ҳолда давлат томонидан молиялаш.

Теңүя ЯМАДА,

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA)

Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари

Бошқармаси бошлиги

ЯПОНИЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИННИГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ушбу конференцияда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) номидан қатнашиш мен учун катта шарафдир. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ўта муҳим анжуман ўтказгани ва сўзга чиқишига таклиф этгани учун самимий миннатдорчилик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, JICA қўллаб-куватлаш стратегияси ҳамда агентликнинг қишлоқ тураржойлари дастури бўйича фаолияти ҳакида сўзлаб бермоқчиман. Авваламбор, JICA кўмак олувчи ҳар бир мамлакат бўйича таҳлилий ишларни олиб боради. Кўмаклашиш стратегияси кўриб чиқиладиган масала бўйича таҳлилий маълумот ҳамда кейинги 3–5 йилга мўлжалланган тезкор йўналишни қамраб олади.

Ўзбекистон бўйича бир йил илгари, аникроғи ўтган йилнинг июлида таҳлилий ишлар амалга оширилган, бунда биз устувор йўналиш сифатида учта соҳани белгилаб олган эдик. *Биринчиси* – бу иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, *иккинчиси* – тадбиркорлик мухитини яхшилаш орқали хусусий соҳани ривожлантириш ва учинчиси – фермер хўжаликлари даромадларини ошириш ҳамда қишлоқ жойларда таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш. Ушбу учта соҳа JICA томонидан ёрдам кўрсатишда кейинги 5 йилда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда.

Сўнгги 5 йилда қўмаклашишга қаратилган учта асосий устувор соҳаларни қишлоқ жойларни ривожлантириш борасида қўйидагича талқин этиш мумкин.

Биринчидан, иқтисодий инфратузилма. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш учун хизматлар соҳаси инфратузилмасини яхшилаш, қишлоқ ва шаҳар ҳудудлари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Энергия таъминоти ва транспорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсаддага мувофиқдир.

Иккинчидан, ижтимоий инфратузилма. Қишлоқда турмуш сифатини ошириш мақсадида ижтимоий хизматлар, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнесни ривожлантириш зарур. Қишлоқ аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Уларнинг даромадлар даражасини ошириш учун фермерларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир. Шу билан бирга, қишлоқда хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга кўмаклашиш муҳим вазифадир. Масалан, молиялаш манбаларидан фойдаланиш имконияти, салоҳиятни ривожлантириш ва маслаҳатчилик каби хизмат турларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

Шу ўринда, Ўзбекистонда қишлоқ уй-жой қурилиши дастури борасида ЛСА кўмаги тўғрисида қисқача тўхталмоқчиман. Авваламбор, қишлоқ уй-жой қурилиши дастури Ўзбекистоннинг ислоҳотларни амалга ошириш борасида ўзига хос ёндашуви мисоли сифатида миқёси ва қўлами жуда салмоқли экани билан ажралиб турди. Бу ўртacha ва паст даромадли аҳоли гуруҳига йўналтирилган кенг қамровли умуммиллий дастурдир. ЛСА ўз фаолиятини қишлоқ жойларни ривожлантиришга ёрдам кўрсатишини имкон қадар кенгайтиришга қаратмоқда. Бизнинг кўмагимиз салоҳиятни ошириш, маслаҳатлар бериш, муайян инфратузилма лойиҳаларини молиялашга қаратилган техник қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади. Ўзбекистондаги дастур қишлоқ жойларда ўртacha ва паст даромадли аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг даромадлари ва турмуш даражасини оширишга йўналтирилган бўлиб, бизнинг бу борадаги фаолиятимизга тўлиқ мос келади.

Қишлоқда аҳоли турмуш шароитини шаҳар даражасига қадар ошириш мақсадида инфратузилмага катта микдорда давлат инвестициялари ажратилиши дастурнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яна бир муҳим омил – кичик бизнесни, энергетика ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш мақсадида иш ўринлари яратишдан иборат.

Ўзбекистондаги иш фаолиятимиз қамровини яққол кўрсатадиган айрим статистик маълумотларни келтирмоқчиман. Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан биздан катта ёрдам олиб келмоқда. Марказий Осиё

ва Кавказ минтақалари учун ажратилган ресурсларнинг катта қисми Ўзбекистон Республикаси хукуматининг саъй-ҳаракатлари ҳамда стратегик ислоҳотлар йўналишларини қўллаб-куватлаш мақсадида сизнинг мамлакатингизга йўналтирилмоқда. Техник кўмаклашув ҳажми ҳақида гапирадиган бўлсақ, фақатгина Японияда ўқиб келган кадрлар сони жорий йилнинг март ойи охирига келиб, тахминан 1800 кишига етди ва 800 нафардан ортиқ мутахассислар турли йўналишларда соҳа ва кадрлар салоҳиятини оширишга кўмаклашиш учун Ўзбекистонга юборилди. Кўнгилли мутахассисларимиз қишлоқ жойларда – шифохоналарда, қишлоқ сув таъминоти обьектларида иш олиб бордилар. Бугунги кунда биз ажратган кредитлар ҳажми тахминан 1,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Электр энергия таъминоти бўйича янги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида бу кўрсаткич 1,9 млрд. АҚШ долларига етиши кутиляпти.

Ушбу анжуман турли мамлакатлар вакилларига қишлоқда оммавий равишда ипотекали намунали уй-жойлар қурилишининг “ўзбек модели” билан танишиш имконини берди. Бу одамларни қулай уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг амалий натижасидир.

Умуман олганда, Ўзбекистон қишлоқ жойларида барпо этилган янги тураржой массивларини бориб кўриш менга ўзбек халқи тұғрисида кўпроқ тасаввурга эга бўлиш, унинг турмуши, анъана ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Сўзимнинг якунидаги, қишлоқ тураржойлари дастури ҳамда конференция ҳақида фикр билдирилмоқчиман.

Қишлоқ тураржойлари дастури нафақат қишлоқни ривожлантириш учун мустаҳкам база бўлиб хизмат қиласи, балки Ўзбекистонда орттирилган тажриба бошқа ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам намуна бўлиши лозим. Шу боис ҳам конференцияни амалий ва илмий жиҳатдан ўта фойдали тадбир дейишга тўлиқ асос бор, деб ўйлайман.

Нихил ЧАНДАВАРКАР,

*БМТнинг ижтимоий ва иқтисодий
масалалар департаменти ҳузуридаги*

*Барқарор ўсиши бошқармасининг
аҳборот ва алоқа бўлими бошлиги, профессор*

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ЎСИШГА КЎМАКЛАШИШ

2015 йил жаҳон мамлакатларининг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари”га эришишнинг асосий нуқтаси эканлиги ва кейинги йилларда ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш имкониятларини кўриб чиқаётганликларини эътиборга олиб, бу соҳада ҳозиргача бажарилган ишларни умумлаштириш ўринлидир. Ушбу дастурга эришишда ривожланишни жадаллаштиришга кўмаклаша оладиган соҳаларга қўшимча инвестициялар киритиш имкониятларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Қишлоқ жойларни ривожлантириш ана шундай соҳаларнинг бири ҳисобланади. Ривожланаётган давлатларда аҳоли турмуш сифатини ошириш бўйича қабул қилинган дастурларда кўпинча шаҳарларни қишлоқ худудлари ҳисобига ривожлантириш кўзда тутилади. Бироқ Ўзбекистон каби, аҳолисининг қарийб ярми қишлоқ жойларда яшайдиган мамлакатларда, асосий эътибор қишлоқларни ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Ўзбекистонда уй-жой қурилишига йирик инвестицияларнинг киритилиши қишлоқ худудларида қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш стратегиясини самарали амалга ошириш имконини беради.

Ушбу тақдимот орқали мен қишлоқ худудларини барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашнинг асосий омили бўлган қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига оид халқаро тажриба бўйича фикрларим билан

ўртокалашмоқчиман. Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни ўз ичига олувчи барқарор ёндашув тарафдориман.

Кўпинча, атроф-муҳитга ва экологияга етарли даражада эътибор қаратилмасдан, катта миқдордаги инвестициялар ижтимоий, иқтисодий ва молиявий соҳаларга йўналтирилади. Шунинг учун қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига инвестицияларни жалб этишда шу уч жиҳатнинг баланси ва интеграциясини таъминлаш лозим.

Қишлоқ ҳудудларига аввал киритилган инвестициялар, асосан, қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида жамланган. Илгари қишлоқ уй-жой қурилиши соҳаси давлат эътиборидан четда бўлиб, у асосан норасмий ва хусусий сектор ихтиёрида қолаверган. Бунда даромадлар ортиши билан одамлар ўзларининг хусусий уйларига эга бўладилар, деган фикр устун турган. Бироқ тажриба шуни кўрсатадики, уй-жой қурилишига киритилган инвестициялар даромадларни юқори мультиплекатив самара билан ўсишини таъминлаши мумкин, бу эса, ўз навбатида кишилар турмуш фаровонлигининг ошиши ва саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, барқарор ривожланиш ёндашувига мувофиқ, мен қишлоқ жойларга инвестиция киритишнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларини инобатга олиш муҳим деб ҳисоблайман.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига инвестиция киритишнинг иқтисодий мезонлари. Қишлоқ жойларга инвестиция киритишнинг иқтисодий натижалари қўйидагиларда намоён бўлади: 1) қишлоқ қурилиш тармоғида янги иш ўринларини яратади; 2) қурилиш тармоғида бизнесни рағбатлантиради; 3) қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар фойдасини мультиплекатив самара билан кўпайтиради.

Янги иш ўринлари барпо этиш учун асосий эътибор оғир техникадан фойдаланишга эмас, балки узоқ вақт талаб қиласа ҳам, қурилишнинг кўп меҳнатталаб усулларига асосий эътибор қаратилиши керак.

Қишлоқ уй-жой қурилишини молиялаштиришда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги тараққий этган ҳудудлар билан бир қаторда, қишлоқ жойларни ҳам зарур молиявий ресурслар билан таъминлаш имконини беради.

Уй-жой қурилишига йўналтирилган инвестициялар давлатнинг иштироки бўлмаган ҳолларда, асосан, ўзига тўқ ахоли қатламига тегишли эканлиги ўз-ўзидан маълум. Давлат сектори омонатларни кафолатлаш ва уй-жой кредити бўйича имтиёзли фоиз ставкалари жорий этиш орқали кам таъминланган ахоли қатламларига уй-жойга эгалик қилиш имкониятини яратади.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига инвестиция киритишнинг ижтимоий мезонлари. Қишлоқ уй-жой қурилиши бўйича давлат тадбирларининг ҳаммаболиги ва эҳтиёжданд оилаларга яратилган қулайликлар инвестиция киритишнинг ижтимоий жиҳатларида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Уй-жой қурилишига инвестиция киритишнинг давлат ва хусусий сектор уйғунлигидаги ёндашуви нафакат ўзига тўқ оилаларни, балки нисбатан камбағал оилаларни ҳам уй-жой билан таъминлашга кафолат беради.

Бангладешдаги Грамеен Уй-жой қурилиш ташаббусини бунга ёрқин мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Улар қишлоқ ахолиси жамғармаларини жалб этиб, қарз берувчилар гуруҳларининг умумий кафиллиги асосида камбағаллар учун уй-жой қурилишини молиялаштирадилар.

Йирик инвестиция дастурларини ишлаб чиқиша янги уйларга кўйиладиган нархлар ҳаммабоп, кўп мақсадли бенефициарлар учун қулай бўлиши лозим. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштиришда кредит олиш шартлари ахоли даромадларига боғлиқ ҳолда ўзгартирилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давлат инвестицияларини ичимлик суви, санитария, электр энергияси ва таълим соҳаларига йўналтиришни қишлоқ уй-жойларини ва инфратузилма тизимини яхшилаш омили сифатида қарамоқ керак.

Қишлоқда уй-жой қурилишига инвестиция киритишнинг экологик мезонлари. Бир неча йирик инвестиция лойиҳалари бир вақтнинг ўзида қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига киритиладиган инвестицияларнинг атроф-муҳитга таъсири даражасини ҳисобга олиш керак.

Қишлоқ уйларининг меъморий лойиҳасини танлашда экологик жиҳатларни, маҳаллий иқлим ва географик шароитни, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишни тўлиқ ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига инвестиция киритиш атроф-муҳитга икки хил таъсир кўрсатади: 1) уй-жойларнинг эко-

тизимга таъсири; 2) уй-жойларнинг табиат ва атроф-муҳит билан уйғунлиги.

Күп холларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилаётган зонанинг иқлим ва атроф-муҳит шароитига мос келмайдиган, кўпроқ шахарлар худудларига хос меъморий лойиҳаларга асосланади.

Қишлоқ уй-жойлари учун меъморчилик лойиҳаларини танлашда биринчи галда мавжуд миллый қишлоқ меъморчилигини чуқур ўрганиш муҳимдир. Бунда анъанавий билимлар ва зарур инновацияларнинг уйғунлашуви инобатга олиниши зарур. Шу билан бирга, маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш импорт ва транспорт харатжатларини тежаш имконини беради.

Қишлоқ туманларида уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришда ердан фойдаланиш энг муҳим омил ҳисобланади. Ерга эгалик хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурларининг таркибий қисми бўлиши шарт. Уй-жой қурилиши учун мўлжалланган ер участкаси унумдор қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари ҳисобидан ажратиласлиги – энг асосий талаблардан биридир. Уйларни жойлаштиришда уларни етарли даражада сув ва канализация билан таъминлаш, дарёлар, қудуклар ва бошқа сув манбаларини муҳофаза қилиш ҳам биринчи даражали вазифалар қаторига киради. Шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳанинг таркибий қисми бўлиши зарур.

Янги уй-жой қурилиши дастурлари анъанавий электр тармоқларини кенгайтириш ўрнига қуёш ва шамол энергияси каби замонавий, қайта тикланадиган муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш мисли қўрилмаган юқори тежамкорликка олиб келади.

Сўнгги йиллар тажрибаси шуни қўрсатадики, кўпгина мамлакатлардаги йирик инвестиция лойиҳаларида қишлоқ меъморчилиги ўринини хорижий моделларга тақлид қилувчи, атроф-муҳит уйғунлигига мос келмайдиган, маҳаллий аҳоли эҳтиёжини етарлича ҳисобга олмаган, темир-бетон каби замонавий қурилиш материаллари асосида қурилган иншоотлар эгалламоқда.

Келажакка назар. Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, агар иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатлар етарлича ҳисобга олинса,

қишлоқ уй-жой қурилишига инвестиция киритиш қишлоқ жойларнинг барқарор ўсишига кўмаклашувчи самарали воситага айланади. Айни пайтда, шаҳарларни ривожлантириш ва улардаги хароба қулбалар муаммосини енгиллаштириш масалалари асосий ўринни эгаллаб турган ҳозирги шароитда, қишлоқ аҳолиси кўп бўлган мамлакатлар учун қишлоқ туманлари ва айниқса, қишлоқ уй-жой қурилишини инвестициялаш масалалари чиндан ҳам юксак мақсад-муддаога айланмоғи лозим.

Қишлоқ уй-жой қурилишига инвестиция киритиш қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш каби ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда сув таъминоти, санитария, таълим ва соғлиқни сақлаш каби ижтимоий инфратузилма тармоқларига инвестиция киритиш билан биргаликда олиб борилиши самарали натижага олиб келади.

Қишлоқ худудларини комплекс ривожлантириш ҳақида гапирганда, ташқаридан киритилган андозаларга суюниш эмас, балки мамлакатнинг ўзидағи ижтимоий қадриятлар ва атроф-муҳит мухофазаси бўйича миллий хусусиятларни ҳисобга олиш мантиқан тўғри бўлади.

Рио + 20 конференциясининг якуний хужжати, “Барқарор ривожланиш парадигмаси”да иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларнинг интеграциясига катта эътибор қаратилган. Унда келгусида қишлоқ туманларини ривожлантириш ва қишлоқ уй-жой қурилишига инвестиция киритишда миллий қадриятларни ҳисобга олиш лозимлиги алоҳида қайд этилган.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Мен бутун Ўзбекистон ҳукумати Осиё Тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорликда мамлакат ҳудудида 8 мингта уй-жой қурилишини амалга ошириш жараёнида қандай қийинчиликларни енгиб ўтаётганлиги тўғрисида тўхтамоқчиман.

Юқори даражадаги ушбу инновацион лойиха ОТБ иштирок этажтган биринчи лойиха ҳисобланади. Ўзбекистонни қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича олиб борилаётган ишларининг жаҳон тан олаётганининг иккита сабаби бор. Биринчидан, ушбу дастурда ҳар жиҳатдан уйғунлашган ёндашув қўлланилаётган бўлса, иккинчидан, лойиханинг бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилиши, деса бўлади.

Мамлакат Президенти таъкидлаганидек, аҳолининг салкам ярми қишлоқ жойларда истиқомат қиласди. Лойиханинг асосий мақсади ҳам қишлоқ жойларда яшайдиган оилаларнинг ҳаёт даражасини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини қўллаб-кувватлаш лойихамиизда асосий эътиборни ўрта ва қуий даромадли оилаларни рагбатлантиришга қаратганмиз. Лойиха асосида ОТБ томонидан кредит ресурслари мамлакат Ҳукуматига тақдим этилиб, ресурслар Қишлоқ қурилиш банкига (ҚҚБ) жойлаштирилади. ҚҚБ ўз навбатида ушбу маблағни янги уйларни сотиб олувчиларга узоқ муддатли кредит сифатида тақдим этади.

Лойиханинг асосий мақсадларидан бири янги иш ўринлари ташкил этишдан иборат. Ушбу дастур орқали ҳар йили ўртacha 1000 та қурилиш ташкилотини ташкил этиш ҳамда 50 мингта малакали ҳунарманд ва қурувчилар учун янги иш ўринлари яратиш мумкин бўлади. Ундан

ташқари, замонавий лойиҳалар асосида янги қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмаган ҳолда қурилиш олиб бориш мамлакат қурилиш саноатининг тараққиёти учун хизмат қиласди.

Шаклланадиган янги қишлоқ маҳаллалари кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ривожланишига ёрдам беради. Натижада, қишлоқ жойлардаги яратилаётган иш ўринларининг ўртача 50 фоизи уларнинг ҳиссасига тұғри келади. Ҳар бир қишлоқ маҳалласида чакана савдо дүйнолари ёки майший хизмат кўрсатиш пунктлари учун жой ажратилади. Электр энергия, табиий газ, сув таъминотига эга бўлган ҳар бир янги хонадон қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, маҳалла аҳолисини нон ва қандолатчилик маҳсулотлари билан таъминлаш, тикувчилик цехи, жиҳозларни таъмирлаш устахоналарини ташкил этиш имкониятларига эга бўлади. Ушбу дастур доирасида ҳар йили ўртача 3 мингта микрофирма ва касаначилик субъектларини ташкил этиш ҳамда шу ҳисобига 15 мингга яқин иш ўринлари яратиш мумкин.

Қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар қуриш мавзуси Президент Ислом Каримов томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаронлиги йили” деб эълон қилиш орқали илгари сурилди. Мазкур қадам қишлоқларнинг ривожланиши, мамлакат тараққиёти стратегиясида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Осиё Таракқиёт банки мамлакат Ҳукумати билан ушбу дастур муҳокамасини 2010 йили бошлаган бўлса, кейинги йилнинг сентябрь ойида унга расмий ҳамкор сифатида кўшилди.

Агар 2009 йили Ўзбекистон қишлоқларида 847 та янги уйлар қурилган бўлса, орадан беш йил ўтиб, яъни жорий йилда жами 10 мингта уй-жой қуриш режалаштирилган. Бу эса дастур бошланганида қўйилган мақсаддан 12 баробардан ҳам кўпроқdir. 2015 йилда жами 50 мингта уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Дастурнинг моҳияти фақат янги уй-жойлар қуриш билан чекланиб қолинмайди. Ушбу дастур янги турмуш тарзини шакллантиришига, қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган кам таъминланган аҳоли қатламишининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилаётганлигини маъruzачилар алоҳида таъкидлаб ўтишди. Бу эса янги иш ўринлари,

қўшимча иқтисодий имкониятлар, инфратузилма ва коммунал хизматлар билан таъминланганлик даражасининг ошиши демакдир. Буларнинг ҳаммаси якуний натижада иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиради.

Осиё Тараққиёт банкининг дастурда иштирок этиши Ҳукумат томонидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва уларни тезкор ўзлаштирилишини таъминлаш, давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар даражасининг яхшиланишига ёрдам бермоқда. Катта микдордаги инвестицияларни ўзлаштиришда банкимизнинг иштироки орқали ҳукуматга молиялашнинг самарадорлигини оширишнинг янги услубларини татбик этишга қўмаклашяпмиз.

Дастурни амалга оширишда ижтимоий ҳамжамиятлар ҳам иштирок этмоқда. Бир қанча маъruzачилар томонидан маҳаллалар, хотинқизлар қўмиталари ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тилга олинди. Ушбу дастур учун янги интернет саҳифасини ишга тушириш арафасидамиз. Янги технологиялардан фойдаланган ҳолда дастурнинг қамровини кенгайтиришга ҳаракат қилияпмиз. Интернет саҳифаларида уй сотиб олувчилар ва пудратчи қурилиш ташкилотлари учун дастур тўғрисида батафсил маълумот берилади.

Янги уй-жойлар қурилаётган манзиллар акс эттирилган харита, барча уйларнинг чизмалари ва суратлари, шунингдек, интернет саҳифасида уй сотиб олувчилар учун ариза шакли, пудратчи қурилиш ташкилотлар учун тендер ҳужжатлари ҳамда улар томонидан берилаётган аксарият саволларга жавоблар олдиндан тайёрлаб қўйилган. Ҳар бир уй-жой қурилиш ҳудуди ҳар томонлама мулоҳаза билан танланган. Бунда ушбу жойнинг Ўзбекистоннинг барча мөъёрий-хуқуқий ҳужжатларига мос тушиши, янги уйларга кўчиб ўтувчи қишлоқ оиласлар саломатлиги ва атроф-мухитга зарар етказмаслигига кафолатлангани ҳамда қулай турмуш тарзи тақдим этилишига асосий эътибор қаратилган. Айни шу масала юзасидан 2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 та вилоятда биз 270 та қурилиш майдонларини бевосита бориб кўрдик ва уларнинг барчаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонун-коидаларга мос келишига ишонч ҳосил қилдик. 2013 йилда биз яна 353 та ана шундай ҳудудларни қўздан кечиришимиз лозим.

2012 йилда биз 8,5 минг уй-жой учун тақдим этилган 60 мингта аризани кўриб чиқдик. Паст фоизлар, узоқ муддатли ипотека, давлат томонидан бепул тақдим этилаётган инфратузилма хизматлари, уй-ларнинг замонавий лойиҳалар асосида қурилганлиги ва ҳаёт даражасининг ортганлиги одамларда катта қизиқиш уйғотиб, жуда катта талабнинг шаклланишини рағбатлантироқда. Биз Ҳукумат билан бирга мазкур жараённинг очиқ ва шаффоғлигини таъминлаш бўйича иш олиб бордик.

Шу билан бирга, Дастан қурилиш саноатини ривожлантиришни ҳам ўз ичига олган. Биз асосий эътиборни кичик пурратчи қурилиш ташкилотларга қаратмоқдамиз. Ҳар бир шартнома тахминан 10 та уйга тузилади. Шу тарзда қишлоқ жойлардаги қурилиш саноатини рағбатлантириш ва ривожлантиришга имконият яратилади. Айни пайтда биз уйлар сифатли ва ўз қийматига мос бўлишини истаймиз. Барча малакали пурратчи қурилиш ташкилотлар тенг ҳукуқли, адолатли ҳамда холис рақобат жараёнида қатнашиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Қурилиш сифати Ўзбекистонда қабул қилинган сифат талаблари га жавоб бериши жуда ҳам муҳим. Шунинг учун сифатни таъминлаш ва назорат қилиш жараёнлари уч босқичда чуқур татбиқ этилмоқда. Қурилишни ва қурувчиларни бошқариш ҳамда назорат қилиш “Қишлоқ қурилиш инвест” ва унинг вилоятлардаги филиаллари томонидан олиб бориляпти.

“Қишлоқ қурилиш лойиҳа” миллий лойиҳалаштириш институти вилоятлар лойиҳалаштириш институтлари тармоғи билан бирга пурратчи қурилиш ташкилотлари томонидан ҳар бир уй лойиҳасида стандартларга тўлиқ риоя қилинишини таъминлади. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан эса уй-жойлар қурилишининг миллий қурилиш ва уй-жой стандартларига жавоб бериши назорат қилинади.

Бу жараёнда уй сотиб олувчиларнинг ўзлари ҳам муҳим роль ўйнашади, яъни қурилиш давридаги 5 та тўлов босқичининг ҳар бирида тўловни амалга оширишдан олдин амалга оширилган иш сифатини назорат қилиш ҳукуқидан фойдаланадилар. Ундан ташқари, юқорида тилга олинган учта мутасадди ташкилотлар ва бошқа бир қанча муас-

сасалар вакиллари билан биргаликда ҳар бир янги уйни қабул қилиб олишдан олдин якуний назорат ва тасдиқлашни амалга оширадилар.

Биз татбиқ этаётган иккинчи инновация ҳар йили ташкил этила-ётган 300 тадан 400 тагача янги маҳаллаларни барча инфратузилма қулайликлари билан таъминлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакат хукумати янги уй-жойларни йўллар, сув, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаши лозим. Ундан ташқари, янги маҳаллалар мактаб, тиббиёт муассасалари ва бозорларга эга бўлишлигини ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу жуда катта, ўта мушкул иш эканлигини ҳамма яхши тушунади. Ўзбекистон хукумати билан бирга тақдим этилган техник кўмак асосида маҳаллий ҳокимиятларнинг янги оиласаларни иш билан таъминлаш максадида саноатни ривожлантириш ҳамда янги ҳамжамиятларга инфратузилма қулайликларини яратишни режалаштирумокдамиз.

Ҳозирда биз Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт Дастири билан ҳалқаро харидлар ёндашувига асосланган харидлар аккредитацияси дастурини биргаликда ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб боряпмиз. Кейинчалик биз ўзимиз ўқитган талабаларимизни ушбу дастурга жалб этамиз.

Шу билан бирга, биз техник-молиявий фаолият аудити билан боғлиқ бўлган иккинчи амалиёт дастурини ташкил этиш хусусида ҳам ўйляпмиз. Бу йўналиш бўйича назорат жараёнида ёрдамлашишлари учун муҳандислик ва архитектура мутахассисликлари бўйича таълим олаётган 100 тадан 200 тагача талабани жалб этмоқчимиз. Кейин биз Сингапур Қурилиш Бошкармаси ва Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан Қурилиш назорати ва аккредитацияси дастурини ҳам ишлаб чиқмоқчимиз.

Учинчи амалиёт дастурини биз Давлат бошқаруви академияси билан бирга ташкил этдик. Бу ўкув юртида “Давлат бошқаруви” бўйича магистрлик дастури киритилиб, мазкур мутахассислик бўйича 101 та талаба, яъни маҳаллий ҳокимликлар вакиллари таҳсил олишяпти. Биз улар орасидан 50 кишини танлаб олиб, уч ой давомида вилоят ва туманлар ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиши, андозаларни синовдан ўтказиши, ёндашувларни синаб кўриш ҳамда жорий йилда бутун мамлакат бўйича синов лойихаларини татбиқ этиш билан шуғулланамиз.

Келажакда, яъни 2014–2015 йилларда биз атроф-муҳитга зарари камроқ бўлган уйлар ва маҳаллалар лойиҳаларини кўриб чиқмоқчимиз. Ҳозирнинг ўзида ҳар бир вилоятда 5 тадан шундай маҳаллаларни ташкил этмоқчимиз. Осиё тараққиёт банки қўмагида қуёш энергиясини қайта ишлаб чиқиши лойиҳасини амалга ошириш устида ҳам музокаралар олиб боряпмиз. Биринчи қуёш энергиясини қайта ишлаб чиқарувчи корхона Самарқанд вилоятида ташкил этилади. Шу боисдан бу корхонада ишловчилар учун атроф-муҳитга зарарсиз бўлган тураржойлардан иборат маҳаллаларни лойиҳалаштиряпмиз. Бу жойлар фақатгина қуёш энергиясидан фойдаланиш билан чегараланиб қолмайди. Балки, биогаз ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлар бўйича ҳам ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда қишлоқлар фаровонлигини оширишга қаратилган уй-жой қурилиши дастури қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш, янгича турмуш тарзини жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда қурилиш саноатини ривожлантириш йўлида улкан аҳамият касб этади.

Борис МАНЕЕВ,
Киръят-Гат шаҳар кенгашининг депутати,
Исройл

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Глобаллашув ва жаҳон илмий-техникавий тараққиёти жадал ривожланётган асрда аграр секторнинг инновацион ривожланиш муаммоси жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда уни мувваффақиятли ҳал қиласдан туриб, дунёнинг ҳеч бир мамлакати миллий хўжалик мажмуасининг барқарор ракобатдошлигига эришишга, ўзининг порлок келажагига умид қила олмайди. Айнан шу боис ҳам кейинги вактда ушбу муаммога катта эътибор қаратилмоқда.

Бунда, айниқса, ижтимоий ривожланиш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Одамларнинг турмуш шароити ҳақида ўйлаш, маданий ва спорт масканларининг самарали ишлаши, тиббий муассасалар қурилиши – буларнинг ҳаммаси инсон ҳаётини тӯла, қизиқарли, сермазмун қилиб, унинг меҳнат фаолияти натижаларига ва ҳаётга қизиқишларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади.

Агар қишлоқ туманларида ижтимоий инфратузилма яхши ривожланмаган бўлса, агросаноат комплексининг барқарор ривожланишини таъминлаб бўлмайди. Айниқса, инфратузилма одамларнинг турмуш шароитини янада қулай ва сифатини ошириб, уни оқилона ва унумли қилган ҳолда яхши томонга ўзгартиради.

Ўзбекистон ўзининг 30 миллионли фуқаролари билан Марказий Осиёнинг аҳолиси энг кўп мамлакат бўлиб, уларнинг 50 фоизи қишлоқ жойларда яшайди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов раҳбарлигига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, қишлоклар инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш

бўйича махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, улар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги иили” деб эълон қилиниши ва давлат дастурининг қабул қилиниши вазиятни тубдан ўзгартирди. Чунки, унинг мақсади қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган эди.

Мазкур жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 авгуустдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой курилиши кўламларини кенгайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўгрисида”ги қарори катта турткি берди. У қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини тубдан яхшилашга, қишлоқларга замонавий меъморий қиёфа беришга қаратилган.

Дастурни амалга ошириш қишлоқларни ижтимоий ривожлантиришнинг биринчи навбатдаги вазифаларини ҳал этиш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш сифатини янада оширишга асос бўлиб хизмат қилди ҳамда янги имкониятлар очиб берди. Авваламбор, қишлоқ жойларда демографик вазиятни яхшилаш, қишлоқ муниципиал тузилмалар аҳолисининг фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ўртасидаги номутаносибликларни камайтириш, ижтимоий ва меҳнатга лоқайдлик каби иллатларни йўқ қилиш, чекка худудларда ишсизлик даражасини кескин камайтириш вазифалари ҳал этилади.

Ўзбекистонда уй-жойни ипотекали кредитлаш механизмини ўз ичига олган уй-жойлар куриш ва сотиб олишнинг молиявий, ташкилий механизмлари шакллантирилгани, шунингдек, бунга биринчи даражали устувор йўналиш сифатида қаралаётгани давлат дастурини ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиш имкониятини беради.

Кредитларни йиллик 7 фоиз эвазига 15 йил муддатга бериш, шунингдек, ушбу фоизларни қоплашга йўналтириладиган маблағларни даромад солиғидан озод этиш инсонпарварлик ва фуқароларнинг кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилларига асосланган давлат сиёсатининг натижасидир.

Бир неча йил олдин қишлоқ жойларда барча йўлдош инфратузилма обьектлари – майший хизмат кўрсатиш марказлари, дўконлар, мактаблар, болалар боғчалари, йўллар ва бошқалар билан замонавий уй-

лардан иборат чиройли ва гўзал мавзелар барпо этилади, деб тасаввур қилиш жуда қийин эди.

Бугунги кунда меъморий ечимга эга, ўзбек халқининг миллий хусусиятлари ва турмуш тарзи ҳисобга олиниб, “тайёр ҳолда топшириш” шарти билан кўркам ва сифатли уйлар қурилмоқда. Бугунги кунда қандай ютуқларга эришилаётгани эса яқин келажакда кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади.

Эсимда бор, оилада ўғил бола туғилиши билан отаси, албатта, 40 та терак экар эди. Дараҳтлар катта бўлганида улардан лой деворли уй учун синч ясалган. Ҳар ким қурби етганча қурган. Ўғил фарзандларнинг неча нафарлигига қараб, ҳар бирига ҳеч бўлмагандан бир уй, бир даҳлиз қуриб беришга ҳаракат қилинган.

Ўзбекистоннинг ҳудудларида халқаро стандартлар бўйича қурилган минглаб замонавий уй-жойлар пайдо бўлаётганини кузатиб, ушбу босқичда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти бир неча йиллар давомида юкори ўсиш суръатларини намоён қилаётганига ажабланмаймиз. Кулай шароитларда истикомат қиласидиган ва ўз келажагига ишонч билан қарайдиган инсонлар – бу республика тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қодир бўлган асосий ҳаракатланувчи кучдир.

Ўзбекистонда 2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилинди ва мен қардош Ўзбекистон халқига чин қалбимдан тинчлик, баҳт-саодат, янада обод ва фаровон турмуш тилайман.

Ольга ПОПОВА,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Украина Миллий Фанлар академияси
Иқтисодиёт ва прогнозлаштириши институти,
Украина

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Уй-жой қурилиши қишлоқда ижтимоий-иктисодий жараёнларни фаоллаштириш хусусиятига эга эканлигига асосланади. “Мижозни айтган жойига олиб бориб қўядиган автомобиль ҳайдовчиси” каби уй-жой қурилиши ҳам қишлоқ жойларни ривожлантириши давлат ва жамият томонидан қўйилган устувор мақсадларга олиб чиқиш имкониятига эга. Қишлоқларни баркарор ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги мультиплекатив самара – иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик соҳаларда намоён бўлади.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш даражаси нисбатан пастлиги туфайли бу жойларга қўшимча инвестициялар киритиш шаҳарларга инвестиция киритишга қараганда кўпроқ ижтимоий-иктисодий ўсишга ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга кўмаклашади. Бундай ободонлаштириш ишларининг узоқни қўзлайдиган мақсади эса, қишлоқнинг ички урбанизациясини таъминлаш, ишбилармонлик ва майший ҳаёт учун қулай шароитлар яратиш асосида қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга оқимини ушлаб туришдан иборат. Кенг кўламли ахборот ва коммуникация таъминотига эга замонавий қишлоқларга вақт ўтиши билан янги иқтисодиёт, шу жумладан, юқори билимга эга бўлган соҳа ходимлари: молиячилар, дастурий маҳсулотлар яратувчилар, риэлторлар, маслаҳатчилар, тадқиқотчилар ва бошқалар кириб боради. Кўплаб оиласалар қулай меҳнат шароитлари ва “табиат”да, қишлоқ жойларда яшашни хоҳлайди. Шунинг учун қишлоқ ҳудудлари аҳолисини замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, кенг тармоқли Интернет алоқасидан фойдаланиш имкониятини қўллаб-куvvatлаш муҳим аҳамият касб этади.

Кишлоқларни ривожлантиришнинг асосий жиҳатларини таъминлаш нуктаи назаридан Ўзбекистон Республикасининг қишлоқларда уйжой қурилиши лойиҳасини муваффақиятли татбиқ этиш тажрибасини ўрганиш дикқатга сазовордир. Президент Ислом Каримов 2009 йилда бу лойиҳани илгари суриш ташаббуси билан чиқиб, 2013 йил январдаги маъруzasida таъкидлаганидек, “Кишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш – бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади”¹.

Кишлоқларда уй-жой қуриш лойиҳасини жорий этишнинг “ёпик бўғин” тамоили асосида бошқарилиши, кузатилиши ва комплекс тарзда ташкил этилишининг юқори даражада эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Механизмнинг барча зарур бўғинлари чуқур ўйланган ва бир маҳомда ишламоқда, яъни зарур ҳуқуқий, моддий-техник, кадрлар, молиявий ва институционал таъминот тизими яратилган. Ушбу жараён иштирокчиларини иқтисодий рагбатлантириш учун давлат томонидан турли преференциялар кафолатланиши жуда муҳимдир. Булар қаторига имтиёзли ипотека кредитлари, имтиёзли нархлар бўйича қурилиш материаллари сотиб олиш, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва пудратчи ташкилотларнинг солик тўлашдан озод этилиши, шунингдек, жисмоний шахсларни дастур доирасида харид қилинган уй-жойлар бўйича ипотека кредитини тўлаб бўлгунига қадар мол-мулк солиги тўлашдан озод этиш киради.

Кишлоқ қурилиши бўйича ишларнинг тизимли ташкил этилиши, қишлоқ жойларда 2013 йилда режалаштирилган 10 мингта уй қурилишининг муваффақиятли тутатилишига ҳеч қандай шубҳа қолмайди. Ҳозирги вактда Ўзбекистонда оиласларнинг 97 фоизи шахсий

¹ Бош максадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруzasи. 2013 йил 18 январь.

үй-жойга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, бундай кенг кўламли қишлоқ қурилиши қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартиради, шунингдек, замонавий ҳаёт тарзини шакллантиради. Ушбу устувор мақсадлар ҳозирги замон талаблари ва тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибасига мос келади.

2011 йилда Украина ва Ўзбекистоннинг ҳар бирида қурилган үй-жой майдони ҳажми 9 млн. кв. метрни ташкил этди. Украина жами аҳолисининг учдан бир қисми қишлоқларда яшаган бир пайтда, қишлоқ жойларда үй-жой майдони фойдаланишга топширилиши бирмунча кам: 2011 йилда умумий ҳажмдан 26 фоизни ва 2012 йилда 29,9 фоизни ташкил этди. Қишлоқларда фойдаланишга топширилган үй-жойлар ва уларнинг майдони барқарор эмас. Ҳар 1000 киши ҳисобига Ўзбекистонда Украинага қараганда 2011 йилда 1,5 баробар кўп үй-жой майдони фойдаланишга топширилди.

Украинада аҳолининг үй-жой билан таъминланиш даражаси ўртача бир кишига 23,5 кв.м ни ташкил килади, қишлоқ аҳолисига эса 26,8 кв.м тўғри келади ва ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Ғарбий Европа мамлакатларининг кўрсаткичлари (ўртача бир кишига 35–50 кв.м) билан таққосланганда бизда анча катта фарқ кузатилади. Европа мамлакатларида үй-жой фондлари сув ва канализация тармоклари билан деярли 100 фоиз таъминланган бўлса, Украинада қулайлик кўрсаткичи анча паст: сув тармоклари билан 29 фоиз, канализация билан 25 фоиз, иссиқ сув билан 13 фоиз ва газ билан 84 фоиз үй-жой таъминланган. Шунинг учун қишлоқ жойларда ўрганилган үй хўжаликларининг ярмидан ортиги (57,9 фоиз) ўз үй-жойларининг шароитларидан қоникмайди.

Қишлоқ аҳолисининг үй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси долзарб масала бўлиб қолмоқда. Қишлоқларда үй хўжаликларининг ўртача умумий ойлик даромади анча паст – 428 АҚШ доллари. Бу шаҳар үй хўжаликларига нисбатан 11 фоизга, пуллик даромад эса 21 фоизга паст деганидир (2011 йил маълумотлари). Үй-жойга эга бўлиш муаммоси кредит ресурсларининг қимматлиги билан ҳам мураккаблашади: Украинада ипотека кредитлари ставкаси ўртача 17,6 фоизни¹ таш-

¹ Житлове будівництво в Україні у 2005–2011 роках: стат. збірник. – К.: Державна служба статистики України, 2012. – С. 98–99.

кил этади ва бу – уй-жой қурилишининг ривожланишини жиддий чек-лайдиган омил ҳисобланади.

Украина Президентининг “Қишлоқда якка тартибда уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига (1998 й.) мувофиқ “Ўз уйим” дастури амалга оширилмоқда. Аслида, бу қишлоқ ахолисининг уй-жой қуриш ёки харид қилиш ва уни ободонлаштиришга имтиёзли кредит олиши учун асос бўлган ягона дастурдир. Қишлоқда якка тартибда тураржой қурувчилар учун давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар ва бошқа манбалар ҳисобидан 3 фоизли, кўп болали оиласларга эса – фоизсиз кредит берилади.

“Ўз уйим” дастури бўйича давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилган ва қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилган уй-жойлар улуши унча катта эмас ва 2012 йилда – 1,5 фоизни ташкил қилди (фойдаланишга топширилган умумий уй-жой ҳажми 3211 минг кв. метрга нисбатан 47,2 минг кв.м)¹. 2246 та оила якка тартибда уй-жой қуриш учун имтиёзли кредитлар олди, 1,9 мингта шахсий уй-ховли газлаштирилди.

Қайд этиш лозимки, “Ўз уйим” дастури доирасида шахсий уй-жой қуриш ва майший шароитларни яхшилаш учун имтиёзли кредитларга бўлган талаб қондирилмаяпти. Ариза ёзган қишлоқ оиласларининг фақат ярми имтиёзли кредит олмоқда, холос. Ҳукумат томонидан шахар ахолиси учун 70/30 механизми асосида (қийматнинг 30 фоизини давлат, 70 фоизини эгалик қиласиган оила тўлайди) қишлоқларда уйлар ва коттежлар қурилишини рағбатлантиришни жорий қилиш режалаштириляпти.

Украина қишлоқларида яхши уй-жой, ижтимоий инфратузилма мавжудлигига қарамай одамлар иш ва муносиб иш ҳақи излаб қишлоқ, минтақа ва мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлмоқда. Украина қишлоқларида ахоли сони кескин суръатларда қисқармоқда. Охирги 10 йилда 10 фоизга, шаҳарларда эса бу кўрсаткич 4 фоизга камайган. Қишлоқ ахолисининг меҳнат миграцияси, уларнинг шаҳарларга бориб, у ерда қолиб кетиши ҳам кенг тарқалган. Бу мамлакат ҳудудининг катта қисмида ижтимоий назоратни йўқотиш хавфини туғдирмоқда.

¹ Статистичний щорічник України за 2011 рік. Державна служба статистики України. – К.: ТОВ “Август Трейд”, 2012. – С. 421.

Шу сабабли қишлоқ жойларда уй-жой қуриш билан бир қаторда, қишлоқ аҳолиси учун қишлоқ хўжалигидан ташқари бошқа соҳаларда меҳнат қилиш имкониятини яратиш зарур. Бундай жиҳат Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳада назарда тутилганлиги эътиборга лойикдир. Қишлоқ жойларда шаклланаётган моддий ишлаб чиқариш тизимларидан саноат ва хизматлар соҳаси обьектларини қуришда ҳам фойдаланилмоқда. Эҳтимол, қишлоқ жойларда нафакат уй-жой қуришни ривожлантиришга, балки барча муаммоларни комплекс тарзда ечишга давлатнинг тизимли ёндашуви зарурдир. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда кенг кўламли уй-жой қурилиши давлат томонидан қўллаб-куватлаш тажрибаси, аҳолини қишлоқ ҳудудларида сақлаб қолиш бўйича ишончли асослар шаклланганлиги ва ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш бўйича тажрибаси чукур ўрганишга лойикдир.

ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИДА ЗАМОНАВИЙЛИК ВА АНЬАНАЛАР УЙГУНЛИГИ

Қишлоқ жойларнинг маданияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу сабабли ЮНЕСКО ташкилоти бу масалада амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда айтиш жоизки, шаҳарлар кенгайиши ва қишлоқ жойлар манзараси ҳам аста-секин янгиланиши табиий жараёндир.

Аждодлардан колган меъморий мерос Ўзбекистоннинг энг катта маданий бойликларидан бири ҳисобланади. Бундай табиий имконият саёҳлик ҳисобига ривожланишнинг муҳим омили ҳамdir. Тарихий меърос сифатида қишлоқларда сақланиб қолган масжидлар ва мадрасалар, шунингдек, анъанавий усулда қурилган уйлар ва иморатлар худудларнинг тарихий ва замонавий манзарасида халқнинг миллий қиёфасини ифодалайди.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолининг 50 фоизи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шароит ва муҳитга эга бўлган қишлоқ жойларда истиқомат қиласди. Замонавий қурилиш, яъни таклиф қилинаётган тураржой бинолари қишлоқда доимий яшайдиган ёки шаҳардан кўчиб келган аҳолининг эҳтиёжларини кондириши лозим. Бу икки тоифадаги аҳолининг ҳаётга муносабати ва эҳтиёжлари бир-биридан кескин фарқ қиласди. Бирок уларнинг уйғунлашган ҳолда ижтимоий биргаликда истиқомат қилишини рағбатлантириш масаласи ҳар томонлама ўта муҳим ҳисобланади.

Назаримда, қишлоқ жойларни ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартиришда Ўзбекистон қишлоқ худудларининг меъморчилиги ва миллий анъаналарнинг сақлаб қолинишини инобатга олиши керак. Бошқача сўз билан айтганда, қандай қилиб маданий меросни сақлаган ҳолда барқарор ва мувозанатлашган иқтисодий ўсишга эри-

шиш мумкин? Қай тарзда замонавий қурилишни аńянавий кишлоқ қиёфаси билан уйғунлаштириш лозим?

Мен замонавийлик аńянавийлик билан уйғунлашишини бир маңомда таъминлаш учун, аввало, қишлоқ жойлардаги муайян қадриятларни аниқлаб олиш кераклигини тавсия қилмоқчиман. Қолаверса, бу мерос ўзбек халқи ўзлигининг тимсоли бўлганлиги учун ҳам сақлаб қолиниши зарур.

Республика заминидаги тарихий ёдгорликлар замонавий аńяналар билан монанд равишда уйғунлашиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Кенг қурилиш майдонига айланган Ўзбекистон қишлоқларидағи янги уйлар бу фикрнинг яққол мисоли бўла олади. Бу ерда қишлоқ аҳолиси учун ўз андозаси нуқтаи назаридан мисли қўрилмаган уй-жойлар бунёд этилмоқда. Намунавий лойихалар асосида қурилаётган уйлар сифати ва ўзига хос меъморий жиҳатлари билан ажralиб туради.

Бундан ташқари, бундай хайрли ишлар қишлоққа шахар аҳлини жалб этиши ҳам мумкин. Натижада ўтмишдан келажак сари ўтиш амалга ошади. Шунинг учун ҳам янги қурилишлар Ўзбекистоннинг меъморий хусусиятлари ва ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Конференцияда айнан шу масалалар, уй-жой шакллари ёки қурилишда ишлатиладиган материаллар мухокама қилиниши катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, у Ўзбекистон тажрибасини бошқа ривожлананётган мамлакатларда қўллаш имконини беради.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАГИ ТАФОВУТ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Мен Англияниң Нью-Форест номи билан машхур мінтақасыда яшаш баҳтига мушарраф бўлган одамман. Тахминан 90 минг гектар майдонда XII асрда яшаб ўтган кирол Вильгельм II нинг “Овчилар уйи” ҳам қурилган. Асл ҳолда сақланиб қолган бу жойлар бугун алоҳида жамоат мақомига эга ҳудуд, деб эълон қилинган.

Бу ерда зироатчилик ва чорвачиликнинг анъанавий усуллари сақлаб қолинган. Ҳудуд пойтахт Лондонга нисбатан қулай жойлашгани учун ҳам яқин атрофда шаҳар тоифасидаги аҳоли пунктлари кўпайиб кетгани, мазкур Миллий паркнинг анъаналари ва экологиясига рахна солмоқда.

Бунинг натижасида ушбу ўзига хос ноёб мінтақани сақлаб қолган инсонларни, айниқса, маҳаллий фермерларни, бу ердаги қўчмас мулкка бўлган талаб ошиб кетгани натижасида, Лондондаги бадавлат ва пойтахтга яқин жойларда тинч ва осойишта ҳаёт тарзини изловчи пулдор шаҳарликлар сикиб чиқармоқда. Бозорларда бу ерлик фермерларни сифдиришмаяпти. Натижада фермерлар ўзларининг мол-мулкини сотиб кетишишмоқда. Бундан эса миллий парк экологияси катта зиён кўрмокда.

Шуни мамнуният билан айтишим мумкинки, аҳволнинг мураккаблашаётганлигини англаб етган ва бу жойлардаги анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган маҳаллий ҳокимият, эндиликда уй-жойларни фақат маҳаллий фермерларга ажратмоқда.

Эҳтимол, Ўзбекистонда вазият бошқачадир. Бироқ катта пулнинг орқасидан қувиш ва қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги муаммоси Буюк Британия учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам умумий экани аниқ-равшан.

Мен Ўзбекистон тажрибаси билан танишиб чиқиб, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўра олишидан ҳайратландим. Мисол учун,

Англия тажрибасини келтириш мумкинки, Нью-Форест деб аталувчи қишлоқ ҳудуди шаҳарликларнинг босими остида урбанизациялашиш курбонига айланмоқда. Лекин, Ўзбекистонда қишлоқ ҳудудларда ҳудди шаҳарлардаги каби шарт-шароитлар яратиш ҳудуд экотизимини ўзгаришларсиз сақлаб қолиш имконини беради. Қишлоқларда уй-жой массивларини қуришда эса миллий стандартларга асосланмоқда.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилашнинг қуйидаги имкониятларни ўз ичига оладиган турли усуллари мавжуд: давлат тураржойларини маҳаллий ҳокимият томонидан ажратиш; уй-жойга муҳтоҷ фуқароларни якка тартиbdаги уй-жой қурилишига кўмаклашувчи маҳсус лойиҳаларга жалб этиш; хусусий ёки нотижорат гуруҳлари амалга ошираётган нисбатан арzon ва қулай тураржой орқали кўмак бериш. Бу стратегиялар иқтисодиётта турлича таъсир кўрсатишини қўйида кўриб чиқамиз.

Курилиш. Уй қуриш ёки таъмирлаш масалалари турли гуруҳлар томонидан хизматлар кўрсатилиши ва саноат тармоқлари тарафидан хилма-хил товарлар тақдим этилиши билан ўз ечимини топади. Айни пайтда, янги иш ўринлари яратишга ва тегишли кўниkmаларни ҳосил қилишга тўғридан-тўғри таъсир этади. Курилиш учун ер майдони ажратишда меъморий, хуқуқий, молиявий ва бошқа хизматларга зарурат туғилади. Лойиҳа қурилиш босқичига ўтганда эса ишчи ва маҳсус ходимлар (сантехник, электрик ва ҳ.к.)га талаб ошади.

Қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш натижасида қурилишга оид мутахассисликларга ўсиб борадиган талабни қондириш учун нафақат қишлоқда яшайдиган аҳоли, балки бошқалар учун ҳам янги иш ўринлари яратилади. Тадқикот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш хизматлари ялпи харажатлар таркибидаги кўшилган қийматда юқори (62,3 фоиз) улушга эга.

Уй-жой қурилишида жами харажатларнинг асосий қисми иш ҳаки тўловларига йўналтирилаётгани янги иш ўринлари пайдо бўлишига туртки беради, рағбатлантиради. Ана шундай дастурлар орқали молиялаштириладиган ҳар бир уй қурилиши кўшимча 1,75 иш ўринлари яратади ҳамда маош кўринишидаги катта ҳажмдаги маблағларни юзага келтиради.

Хизматлар. Уй-жой қурилиши қўшимча йўллар, транспорт ва савдо хизматлари тизимини бунёд этиш, бу жараён эса ўша қишлоқнинг иқтисодиётини рағбатлантирадиган кичик ва ўрта корхоналар, шифохоналар, мактаблар ва ҳатто меҳмонхоналар барпо қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳолбуки, қурилиш учун тегишли материал ва ашёлар керак бўлса, уларни ташиш ва қуриш учун ишчилар зарур бўлади. Айни пайтда қурилиш материалларининг аксарият қисми ташқаридан келтирилади. Бироқ бальзилари, масалан, қирқилган ёғоч ва қурилиш анжомлари билан маҳаллий корхоналар таъминлаб бериши мумкин.

Ахоли. Янги уйларга одамлар кўчиб кира бошлагач, уй-жой қурилишининг иқтисодий таъсири қурилиш босқичи доирасидан чиқа бошлайди. Ўз уйига эга бўлишдек фахр ва масъулият туйгуси кўпинча истеъмол ҳажмининг ортишига олиб келади.

Янги уйда яшаш майший техника, мебель сотиб олиш ва кўчиб ўтиш учун харажатлар қилиш заруриятини туғдиради.

Кейинчалик, уйни янада шинам қилиш, айтайлик, қўшимча хоналар қуриш ёки ҳовлини кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши мумкин.

Янги уйлар ва яшаш шароитларининг яхшиланиши туфайли жамиятнинг бошқа аъзолари ҳам умумий фойдаланиш жойларида ўзларининг шахсий мулки ҳақида қайғура бошлиши, ўз навбатида, ижтимоий барқарорликни таъминлайди ва жиноятчиликни камайтиради.

Ниҳоят, қишлоқ жойларда янги бунёдкорлик ишлари инфратузилманинг янада яхшиланиши, хусусан, қаттиқ қопламали йўллар, электр ва сув таъминоти, оқова сув соҳаларининг ривожланишига олиб келади.

Янги уй-жойларнинг кўпайиши эса аҳоли яшаш харажатларининг камайишига, бу, ўз навбатида, қишлоқларга янги одамларнинг кўчиб келишига ва саноат тармокларини жалб этишга олиб келади.

Тўлқин самараси. Баъзи миллий уюшмаларнинг таъкидлашича, юкорида қайд этилган иқтисодий натижалар қурилиш билан боғлиқ касблар доирасидан чиқиб, бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади ва “тўлқин самараси”ни беради.

Одатда, қурилиш майдонига яқин жойда яшайдиган курувчилар ўз даромадларининг асосий қисмини ўша ернинг ўзида сарфлайдилар.

Маҳаллий корхоналар қўшимча самара манбаларидан, яъни қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун янги уй эгаларига қурилиш материаллари сотишдан манфаат кўрадилар.

Шундай қилиб, ушбу корхоналар эгалари ва ишчиларининг фаровонлиги ортади ва бошқа маҳаллий корхоналардан қўпроқ товар сотиб оладиган бўлишади. Бу, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасининг ошишига ва барқарорлигига олиб келади. Кўриниб турибдики, самара қурилишдан бошқа қўплаб соҳаларни ҳам қамраб олади.

Хукумат. Давлат, маҳаллий ва федерал Хукумат даромадлари уйжой қурилиш лойиҳалари сонининг кўпайиши ҳисобига ошиши мумкин. Бунда давлат даромадлари қурилиш учун олинадиган йиғимлар, ишчиларнинг даромад солиғи ҳамда қурилиш материаллари сотиш ва уларни ташишдан тушадиган солиқлар ҳисобига ошади.

Солиқ тушумларининг ошиши савдо ҳажмининг кўпайишига боғлиқ. Чунки аҳоли ўз даромадларини истеъмол товарлари, ўзларининг янги қурилган уйлари учун материаллар сотиб олиш ҳамда хизматлардан фойдаланишга сарфлайдилар.

Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият мулк солиғи, ипотека солиғи ва бошқа йиғимлардан даромад олиши мумкин. Бу эса кичкина лойиҳа ҳам бюджетга солиқ тушумларининг ошишини рағбатлантириши мумкинлигини кўrsатмоқда.

Олинган даромаднинг бир қисми янги уйлар учун зарур инфратузилмани яхшилаш ва хизматларни жорий этишига сарфланиши лозим. Бироқ иқтисодий ночор ҳудудларда уй-жой қурилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим солиқ турларини бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунга қарамай, Хукуматнинг қолган даромадлари иқтисодиётни янада тарақкий этишига кўмак берадиган уй-жой қуриш ёки таълим сингари хизмат турларини рағбатлантиришга сарфланиши зарур.

Хулоса. Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишининг маҳаллий иқтисодиётга таъсири ҳудуд шароитига боғлиқ равища ўзгариши мумкин.

Ер нархи, маҳаллий аҳоли даромадлари ва маданий ҳаёт даражаси, қолаверса, солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари янги уйлар қуриш ёки эскиларини қайта тиклаш, алоҳида ҳовли-жойлар қуриш ёки ижара-га беришга мўлжаллаган кўп қаватли уйлар қуриш афзаллиги мульти-плакатив самара беришини қўрсатмоқда.

Юқорида қайд этилган муҳим жиҳатларни батафсил ўрганмасдан туриб, лойиҳанинг иктиносидий таъсирини олдиндан аниқ айтиб беришнинг имкони бўлмайди.

Бироқ шу нарса аник-равшанки, қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш янги уй соҳиблари фаровонлигини оширади ва ҳудуд иктиносидиёти билан бир қаторда ҳудуд экологиясини ҳам яхшилайди. Бунинг натижасида қисқа ва узоқ муддатли истиқболда маҳаллий аҳоли бандлиги ва даромадининг ошишини ҳам прогноз қилиш мумкин.

Бундан ташқари, ер ва кўчмас мулкнинг нархи ошиб бориши ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ташкил этилиши ҳисобига ҳудуд иктиносидиётининг ривожлана бошлишига мос равишда солиқ тушумлари ҳам ортиб боради.

Чжусу БОПИН,
Яңчжоу шаҳар Қишлоқни режсалаштириши
бошқармаси директори ўринбосари,
Хитой Халқ Республикаси

ҚИШЛОҚДАГИ ЯШАШ МУҲИТИ ВА ФЕРМЕРЛАР ТУРМУШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, турмуш даражаси ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича учта асосий лойихага дикқат-эътиборимизни қаратмоқдамиз.

Атроф-муҳит муҳофазаси қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ худудларини барқарор ривожлантиришнинг муҳим талаби ҳисобланади.

Биринчидан, бу муқобил энергия ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Бунда қолоқ обьектлар ва атроф-муҳитни ифлослантирадиган корхоналарни ёпиш, “яшил” иктисадиётни ривожлантириш, экологик сайёҳлик ва хордик чиқариш, дастурий таъминот ва ахборот хизмати кўрсатиш, маданий хизматлар каби “яшил хизмат” турларини рағбатлантириш масалалари долзарб ҳисобланади. Шунингдек, экологик хордик чиқариш ва сайёҳликни ривожлантириш, органик ва экологик соғ маҳсулотлар яратиш, экологик қишлоқ хўжалиги тизимини барпо этиш ҳам муҳимдир.

Иккинчидан, қишлоқларда чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини ташкил этиш зарур. Бунинг учун шаҳар ва қишлоқларда оқава сувларни марказлашган тарзда тозалаш ва ахлат ташиш станциялари куриш, “йиғиштириш, тўплаш, ташиш ва қайта ишлаш гуруҳи” операция тизимини ташкил этиш лозим.

Учинчидан, кўркам шаҳар ва қишлоқларни ташкил этиш режасини амалга ошириш зарур. Бунга кўра, биз “учта тоза, битта яшил” (тоза қишлоқ, тоза уй, тоза дарёлар, яшил дараҳтлар) режасини амалга оширишдан бошладик ва бу билан қишлоқ худудларида ифлосланиш муаммоларини ҳал этмоқдамиз. Умуман, шу орқали атроф-муҳитни ҳимоя қилиш заруриятини фермерлар чукурроқ англаб этмоқдалар.

Түртнинчидан, қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари чиқиндиларидан унумли фойдаланишни рағбатлантириш зарур. Бизда чиқиндиларни қайта ишлаш техникалари намойиш этилди ва уларни жорий қилишга күмак берилді, үғитларни майдалашнинг механизациялашган технологияси күпчилик фермерлар томонидан эътироф этилиб, қабул қилинди.

Бешинчидан, ўрмонлар барпо этиш бүйича маълум ишлар амалга оширилди. Бунга күра, шаҳар ўрмон-боғ майдони 150 минг гектарни ташкил этгунига қадар Янцзи дарёси ва йўллар бўйлаб ўрмонлар барпо этилиши фаол давом этади.

Қишлоқ инфратузилмаси қурилишини кучайтириш, шаҳар ва қишлоқ ўртасида коммунал хизматлардаги тафовутни қисқартириш қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариши ҳамда турмуш шароитини яхшилашнинг асосий омили ҳисобланади. Сўнгти йилларда фермерларнинг бирламчи эҳтиёжларидан бошлаб, улар томонидан қўллаб-кувватланган куйидаги 8 та лойихани амалга оширишга эътибор қаратилмоқда.

Биринчидан, иқтидорлиларни аниқлаш бўйича танлов ўтказиш. Бунда фан ва технологиялар соҳасидаги истеъдодларни юзага чиқариш ва коллеж талабаларини қишлоқ жойларда ишлашга жалб этиш билан боғлиқ лойиҳа амалга оширилади.

Иккинчидан, қишлоқ хұжалиги хизматлари билан боғлиқ бўлган қишлоқ супермаркетлари, тиббиёт ва согломлаштириш марказлари, полиция бўлимлари кабиларни қуриш, фермерлар бўш вақтларини ўтказишлари учун кўнгилочар масканлар ва ахборот-коммуникация марказлари ташкил этиш бўйича лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бошланди.

Учинчидан, “қишлоққа йўл” лойиҳасини амалга ошириш. Унга мувофиқ, қишлоқ туманларига 1,6 миллиард юан инвестиция қилинди, 2700 километрлик йўл, 200 та кўприклар қурилди ва қайта таъмирланди, барча қишлоқлар йўл ва автобуслар қатнови билан таъминланди.

Тўртнинчидан, соғликни сақлаш лойиҳасини амалга ошириш. Унга кўра, янги тиббий суғурта тизимини жорий этиш ва такомиллаштириш, барча фермерларнинг суғурта тизимида иштирокини таъминлаш учун шарт-шароит ва солиқ субсидия тизимини яратиш, соғликни сақлаш хизматини кенгайтириш ва сув таъминотига тўлиқ эришиш кўзда ту-

тилган. Шаҳар аҳолиси ва фермерларга Янцзи дарёсидан сув ичиш имконияти яратилди.

Бешинчидан, қишлоқ маданиятини юксалтириш лойиҳасини амалга ошириш. Қишлоқ жойларга маданият, фан ва техникани жадал кириб келиши фермерларнинг маънавий ҳаётини сезиларли бойитди.

Олтинчидан, қишлоқ ижтимоий сугурта лойиҳасини амалга ошириш. Қишлоқ фуқаролари ва кексаларини қўллаб-кувватлаш механизми яратилди, ижтимоий сугурта стандартлари яхшиланди, ерсиз фермерлар ҳаётини суғурталаш тизими жорий этилди.

Еттинчидан, салоҳиятни кучайтириш бўйича лойиҳани амалга ошириш. Қишлоқ жамоа хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ муассасалари даромадларини ошириш, коммунал хизмат ва ижтимоий бошқарув соҳаларида ишлайдиган ташкилотлар салоҳиятини доимий ошириб бориши кўзда тутилган.

Саккизинчидан, ахборот соҳасидаги лойиҳани амалга ошириш. Қишлоқ ҳудудларида Интернет, кабель телевиденияси, рақамли телевизион тармоқлар, бандлик бўйича ахборот тармоғи ва бошқаларни ривожлантиришга кўмак берилди.

Бир қатор лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли, қишлоқ йўллари ва кўчалар ёритиш тизими яхшиланди, қишлоқлар яшил либосга бурканди, дарёлар тозаланди, коммунал хизмат кўрсатиш даражаси ва фермерлар ҳаёти сезиларли даражада яхшиланди.

Фермерлар салоҳиятини ошириш – қишлоқ жойларда анъанавий турмуш тарзини ўзгартиришнинг зарур омили ва янги қишлоқ курилишининг муҳим мақсади ҳисобланади.

Бу борада замонавий таълим дастурларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, малака кўнгилмаларини ошириш, менежмент, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш технологияларини бошқаришнинг янги усуллари бўйича фаол тренинглар ўтказиш лозим. Қишлоқда маориф соҳасини ривожлантириш, мажбурий 9 йиллик таълимни тўлиқ жорий этиш ва бу тизимнинг юқори сифатли бўлишига эришиш, шаҳар ва қишлоқ ўқувчиларининг билим даражалари ўртасидаги фарқни қисқартириш, фермерларнинг умумий билим ва касбий малакасини ошириш юзасидан ишларни ташкил этишга киришилди.

Шунингдек, янги анъаналар, қишлоқда демократиянинг ва қонунчилик жараёнларининг тезлашуви ўз навбатида қишлоқ жойларида шаҳар маданиятининг кенгайишига, замонавий қишлоқ маданияти ривожланишига туртки берди. Маҳаллий сайловлар тизими, қарорлар қабул қилиш, бошқариш ва назорат қилишнинг демократик тартиблари шакллантирилди.

Биз конференцияда қишлоқларни ривожлантириш бўйича Ўзбекистоннинг илгор тажрибасини Янчжоудаги ҳақиқий ҳолат билан мужассамлаштирган ҳолда чукур ўрганамиз, улардан фермерлар турмуш даражасини, экологик шароитни ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини яхшилаш учун фойдаланамиз, фермерларнинг энг яхши уйларда яшашларига эришиш учун янада кўпроқ куч сарфлаймиз.

Анатолий ДРОНЬ,
МДХ Ижрои котиби,
Ижроия қўмита раиси ўринбосари

МДХ ҲУДУДИДА КЕНГ ОММАЛАШТИРИШГА ЛОЙИҚ ТАЖРИБА

Замонавий уй-жой қурилиши ва ўзбек қишлоқларини тубдан ўзгартиришга бағишлиган халқаро конференция меҳмонлари ва қатнашчилари! Сизларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Ижроия қўмитаси, унинг Раиси Сергей Лебедев номидан самимий кутлайман.

Конференция ташкилотчиларига унинг ишида иштирок этиш ва бу муҳим ижтимоий-иктисодий муаммо ечимини топишда фойдали тажриба билан бевосита жойида танишиш учун имконият яратиб берганликлари учун ташаккур билдираман.

Мен 20 йилдан ортиқ давр мобайнида сизнинг мамлакатингизда бўлмаган эдим. Бугун эса Ўзбекистоннинг пойтахти, бошқа тураржойлари қиёфасидаги ижобий ўзгаришларни ўз кўзим билан қўрганимдан бағоят хурсандман.

Ўзбекистон МДҲда иктиносидий тараққиётнинг энг юқори кўрсаткичларига эришиб келмоқда. Глобал иктиносидиётнинг жиддий муаммоларига қарамасдан, мамлакатга хорижий инвестициялар кириб келмоқда, молия-банк тизими ишончли фаолият юритмоқда. Асосийси эса – аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов фикрига кўра, “...Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида тарихий шаклланган узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш, ривожлантириш ва мустаҳкамлашда бугун МДҲнинг муқобили йўқ...”. Халқаро муносабатлар ривожланишига иктиносидий омиллар таъсири кучайиши сабабли давлат раҳбарлари МДҲнинг биринчи галдаги вазифаси қилиб ижтимоий-иктиносидий ва бошқа масалаларнинг комплекс ечимини топишда иктиносидий ҳамкорлик салоҳиятини

амалга оширишни белгиладилар. Бу борада товарлар эркин харакати учун шароитлар яратилишини таъминловчи Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) тамойил ва қоидаларига асосланган ҳужжат, МДҲ эркин савдо зонаси тўғрисидаги янги Шартноманинг 2012 йилда кучга кириши мухим воеа бўлди.

Шартнома доирасида хизматлар эркин савдоси тўғрисида, трубопровод транспорти транзити тўғрисида битимлар ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланади. Шартнома шартларининг тўлиқ равишда бајарилиши ҳамда кенг кўламли эркин савдо зонасини чекловларсиз яратиш ва бунда барча томонлар манфаатдорлиги савдо муносабатларининг янада ривожланишига қучли рағбатлантирувчи омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси яқин истиқболда МДҲда эркин савдо зонаси тўғрисидаги Шартноманинг тўққизинчи иштирокчиси бўлиши кутилмоқда – бунинг учун зарур тайёргарлик жараёнлари аллақачон тугалланган. Шартномага бундай обрўли ташки савдо фаолияти иштирокчисининг қўшилиши МДҲ минтақасида ўзаро савдо айланмасига ижобий таъсир кўрсатади. Бошқа томондан эса, мамлакатингиз иқтисодиётининг янада ривожланишига ёрдам беради.

МДҲ доирасида ўзаро алоқаларнинг энг истиқболли йўналишларига халқаро транспорт-коммуникация коридорларини яратиш, энергетик ва илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва инвестиция фаолиятини рағбатлантириш масалалари киритилган.

2012 йилнинг октябрида тасдиқланган МДҲ мамлакатлари Давлатлараро инновацион ҳамкорлиги дастурига мувофиқ, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, минтақавий табиатдан фойдаланиш, авиация-космик ва транспорт тизимларида қатор лойиҳаларни амалга ошириш бошланади. Дастлабки 11 та лойиҳанинг умумий қиймати 190 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда.

Ўзбекистондаги сингари Ҳамдўстликда ҳам ҳар йилни бирор-бир мухим мавзуга бағишлиаш анъанаси мавжуд. 2013 йилни МДҲ давлат раҳбарлари томонидан Экология маданияти ва атроф-мухитни химоялаш йили деб эълон қилиниши ушбу мухим йўналишда ҳамкорликни фаоллаштиришга ундейди.

Негаки, собиқ иттифоқ ҳудуди Евроосиё атроф-мухитининг мухим қисми ҳисобланади. Мintaқавий ва глобал даражада таъсир кўрсатадиган кўплаб экологик муаммоларни ҳал қилиш учун алоҳида бир давлатнинг кучи етмайди ва самарали халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни тақозо этади. Мазкур муаммолар қаторига хўжалик фаолияти натижасида трансчегаравий таъсирлар ва ифлосланишлар, экологик хавфли технологияларнинг тарқалиши, табиий экотизимларнинг бузилиши ҳамда тоза сувнинг танқислигини киритиш мумкин.

Албатта, уй-жой қурилиши ва ободончилик, қишлоқни ҳар томонлама ривожлантириш – Ҳамдўстлик давлатлари олдида турган мухим ижтимоий-иқтисодий масаладир. Айрим мамлакатларда аграр соҳани комплекс ривожлантиришнинг концепциялари ва дастурлари ишлаб чиқилган, қишлоқ аҳолисига керакли шароитларни яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, Украина давлат қишлоқ аҳолисини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш кооперативларини ташкил қилишини рағбатлантириш йўлини тутган. Бу, уларнинг фикрича, давлат ёрдамидан самарали фойдаланиш имконини берадиган, ички бозорни сифатли ва оммабоп маҳсулот билан таъминлайдиган, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантирадиган якка хўжаликларни бирлаштиришнинг оқилона шаклидир.

Беларусь Республикасида қишлоқни тиклаш ва ривожлантириш давлат дастурини бажариш натижасида кейинги йилларда ўн минглаб уй-жойлар қурилди, 1,5 мингдан ортиқ агрошаҳарчалар барпо этилди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш сезиларли ўсади.

Лекин Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган пухта чуқур ўйланган сиёsat бошқа ҳамма давлатларда ҳам мавжуд эмас. Биз бу ерда уй-жойни лойиҳалаштириш ва қуришнинг юқори даражада ташкил этилганлигини, уни молиялаштиришнинг оммабоп қулай тизимини, қишлоқ қурилишининг индустрисал базаси яратилганлигини кўришимиз мумкин. Қурилиш учун зарур коммуникацияга эга ер майдонларининг ажратилиши, ижтимоий объектларнинг барпо этилиши эса қурилишларнинг комплекслигини ва умуман, қишлоқда қулай турмуш

шароити яратилишини кафолатлайди. Мухими, бунда қишлоқлардаги миллий хусусиятлар ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистонда, биринчи навбатда, аҳолининг кўп қисми яшайдиган қишлоқда ижтимоий барқарор уй-жой тизими яратилмоқда. Бунинг оқибатида жамиятда ижтимоий барқарорлик ва демографик масалаларнинг ҳал этилиши ва аграр сектор кўрсаткичларининг барқарор суръатлар билан ўсаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Биз ўзбек қишлоғидаги комплекс туб ўзгаришлар, юксалишлар, бошқача айтганда аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан ҳам назарий, ҳам амалий тарафдан танишишга муяссар бўлдик.

Агросаноат комплекси ва қурилиш соҳасида фаолият кўрсатувчи МДҲ тармок ҳамкорлиги органлари Ҳамдўстлик давлатларида мавжуд тажрибани умумлаштириш ва тарғиботи билан атрофлича шуғулланиши керак. Ўзбекистон Республикасининг тегишли идоралари қайд этилган тузилмалар ишида қатнашмоқда ва уларнинг қўшма мажлислини Тошкентда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда қишлоқлар муаммоларининг комплекс ечимини топишида ҳалқаро молия-банк тузилмаларининг бу ерда кенг кўламдаги лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш тажрибасини Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида фаолият кўрсатаётган банклар ҳам ўрганиб чиқиши фойдалидир.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бора мамлакатингиз раҳбариятига фойдали ва юксак даражада ташкил этилган тадбирда қатнашиш имконияти берилганлиги учун миннатдорчилик билдираман. Ўзбекистон Республикасида белгиланган дастурларнинг муваффақиятли бажарилиши, ушбу истиқболли йўналишда ҳам ҳалқаро ҳамкорликнинг кенгайишига самимий ишонч билдираман.

Игаль ОВШИЕВИЧ,
Беэр-Шева шаҳри мэрининг ўринбосари,
Исройл

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ИСРОИЛ ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистонда инфратузилманинг ривожланиши ҳамда қишлоқ уйжайлари меъморчилигининг яхшиланиши Президент Ислом Каримов бошчилигигида изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислохотлар самарасини намоён этмоқда.

Ўзбекистонда аграр соҳа мамлакатни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланади. Мамлакатингиз тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақаларни босқичма-босқич комплекс ривожлантиришда қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини ошириш, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектларини такомиллаштириш асосий омиллар ҳисобланади.

Қишлоқ жойларни изчил ривожлантиришда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнини жаҳон талабларига мос келадиган, экологик вазиятни асраш ва яхшилашга хизмат қиласиган технологиялар билан жиҳозлаш навбатдаги қадам бўлиши лозим. Бу соҳада бизнинг чўл худудида жойлашган Негева вилояти маркази бўлмиш Беэр-Шева шаҳри дўстона Ўзбекистон халки билан тажриба алмашишга тайёр.

Мен кўп йиллардан буён собиқ иттифоқ худудида юз бераётган ижтимоий-иктисодий жараёнларни тадқиқ этмоқдаман. Жорий йилда ушбу ҳудудда янги ташкил топган давлатларнинг мустакил ривожланаётганига йигирма икки йил тўлади. Бу давр ичида паҳта яккаҳокимлигига асосланган иктисодиёт хукмронлик қилган республикадан энг замонавий технологияларни ривожлантираётган мамлакатгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Республикаси улар орасида алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Марказий Осиёда автомобиль ишлаб чиқарадиган

ягона мамлакат ҳисобланади. Автомобилларнинг янги русумлари босқичма-босқич бозорга чиқмоқда. Ўзбекистонда “МАН” русумли оғир юқ автомобиллари ишлаб чиқариш ҳамда дунёда машҳур LG русумидаги музлаткичлар йиғиш йўлга қўйилди. Мен бугунги кундаги ютуқларда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида жадал ривожланаётган мамлакатни кўряпман.

Исроил томони ҳар доим қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик каби устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ таклифлар билан чиқмоқда. Исроил тадбиркорлар ҳамжамияти вакиллари ўзбекистонлик шериклари билан телекоммуникация, иссиқхоналар ташкил этиш, муқобил энергия тизимлари ва сувни тежаш технологияларини татбик этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш кувватларини яратиш ҳамда гидротехник иншоатларни куриш соҳаларида ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билдирамоқда. Айрим компаниялар пойтахтдаги уй-жой қурилиши лойиҳаларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон кўчмас мулк бозорида ўз мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдалар. Исроил бизнес доиралари қайд этилган соҳаларда келгусида бевосита иқтисодий алоқаларни фаоллаштириш зарур, деб ҳисоблади.

Бугунги тадбирда кўплаб исроиллик вакилларнинг иштирок этиши яқин вақт ичida Исроил қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмани ривожлантириш вазирликлари раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифини тезлаштиради, деган умиддаман.

Артур ГАШЕНКО,
“Европа-Азия-Медиа”
нашири бош мұхаррири,
Украина

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АХОЛИ УЧУН ҚУЛАЙ ВА ФАРОВОН ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ

Үй-жой курилишини ривожлантириш хизмат құрсатылған соҳасининг тараққий этиши, қишлоқда турмуш сифатини яхшилаш ва одамлар дунёқарашини ўзгартырғаннан ассоциацияның омили сифатыда баһоланиши мүмкін.

Янги иқтисодий уклад шароитида қишлоқларни ислоҳ қилиш, иқтисодий фаолият нормаларига, профессионаллікке ва нисбатан эски стереотиптерге, ойладаги ўзаро муносабаттарни мувофиқлаштырыш, қишлоқ ахолиси билан маҳаллік ҳокимият үргасидаги алоқаларни янги иқтисодий воқелик ассоциация куришга ўзгартырыш заруриятини көлтириб чиқарды.

Жамияттагы сиёсий тизими ўзгариши ва мамлекеттегі бозор иқтисодиётінде үтиши қишлоқ ахолиси дунёқарашини ўзгартырып қалыптастырып көрсете алады.

Ушбу соҳада истиқлолтагы дастлабки йилларда ижтимоий жағдайлардың дүйнөнде “ўзбек моделі” деб тан олинған тараққиёт йўли 5 та ассоциацияни таҳтилга ассоцииланган: иқтисодиёттагы сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислоҳотчи, конун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бозор иқтисодиётінде ғарнчилик.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилған ва дунёни “ўзбек моделі” деб тан олинған тараққиёт йўли 5 та ассоциацияни таҳтилга ассоцииланган: иқтисодиёттагы сиёсатдан устунлиги, давлат бош ислоҳотчи, конун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бозор иқтисодиётінде ғарнчилик.

Республика раҳбарияттагы кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда масъулиятни давлат тўлиқ ўз зиммасига олганлиги натижасида қишлоқда ўтказилған бозор ислоҳотлари “шок терапияси” тусини олмади.

Бу – мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эълон қилинган “ислоҳот – ислоҳот учун эмас, балки аввало инсон учун” тамойилининг амалий тасдиғидир.

Мамлакат раҳбарияти одамлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришларни белгилайдиган, ўз оиласи фаровонлигини ошириш учун меҳнат қилишига замин яратадиган тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бу эса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишига ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш одамларнинг турмуш даражасини ва эртанги кунга бўлган ишончини оширишга хизмат қиласи ҳамда аҳолининг табиий ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг мебель, майший техника ва автомобилга бўлган талабининг ортиши билан боғлиқ масалаларда сифат жихатдан ўзгаришлар содир бўлади. Бу эса, ўз навбатида, йўл-транспорт инфратузилмасини, савдо тармоқларини, маданий-майший хизмат обьектларини, спорт, соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалиги ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ бошқа соҳа обьектларини жадал ва комплекс ривожлантиришни талаб этади.

Қишлоқнинг ташки қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда яшаш шароитларини шаҳар даражасига яқинлаштириш одамлар дунёқарашини, уларнинг дехқон меҳнатига бўлган муносабатини ўзгартиришга катта ҳисса қўшади.

Содир бўлаётган ўзгаришлар туфайли қишлоқ жойларда яшаш ва меҳнат қилиш ёшлар учун жозибадорлик касб этмоқда, малакали кадрларнинг қишлоқ жойларда ўзларига муносиб иш ўринлари топишига хизмат қилмоқда. Сифатли таълим олган ёшлар обьектив бозор мухити шароитида қишлоқни ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотлар жараёнларини жадаллаштиришга туртки бериши мумкин.

Петер ШНАЙДЕР,

“PAN PLAN” қурилиши компанияси бошқарувчи директори,

Австрия

ҚИШЛОҚ ТУРАРЖОЙЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИИИ ОШИРИШ КАЛИТИ

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши узлуксиз қисқариб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида банд аҳоли сони аста-секин камаймоқда ва ҳозир миллий меҳнат бозорида унинг улуши 30 фоиздан камни ташкил этяпти. Лекин ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 10 баробар кўпdir. Бунга бир томондан муаммо, иккинчи тарафдан, катта имконият деб қараш мумкин. Ушбу вазият маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жорий даражада туриши учун меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда табиий бойликларни (айниқса, сувни) камроқ истеъмол қилиш йўли билан аграр соҳани жадал ривожлантиришни талаб этади. Бунда, авваламбор қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларга янгича ёндашувлар белгилаб олинниши керак. Улар замонавий турмуш тарзи талабларига ва атроф-мухитни сақлаб қолиш стандартларига мос бўлиши талаб этилади. Шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан миллий даражада ўзини ўзи тўлиқ таъминлаш ҳамда аҳолининг шаҳарга қўчиб кетиш жараёнларини секинлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Мен Самарқандда бўлиб, кейинги йилларда бу ерда қурилган замонавий қишлоқ уйлари, уларда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишдим. Одамларнинг меҳмондўстлиги, очикқўнгиллиги ва фаровон турмушига ҳавасим келди. Мени ҳайратга солған энг муҳим жиҳат – бу қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёш оиласларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш масаласига давлат сиёсати даражасида жиддий эътибор қаратилаётганидир. Шу мақсадда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган янги тизим узоқ муддатга мўлжалланганки, унинг нафакат минтақада, балки дунё бўйича ҳам муқобили бўлмаса керак. Юртин-

гизда олиб борилаётган бу каби ислохотларда инсон омилига устуворлик берилаётгани, айниқса, эътиборга лойик. Очиги, ҳанузгача давом этаётган глобал молиявий-иктисодий инкирозда таъсирида, айрим мамлакатларда ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи мураккаблигича қолаётган бир пайтда, Ўзбекистонда катта миқдордаги маблағлар ахоли турмуш даражасини кўтаришга хизмат қиласидиган тураржойлар, массивлар барпо этишга йўналтирилаётгани диққатга сазовордир. Бу давлатнинг иктисодий қудрати ҳамда ҳалқининг бунёдкорлик салоҳияти юксаклигидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг қишлоқларда уй-жой қурилиши тажрибаси ижтимоий-иктисодий тузилма ва ривожланиш муаммолари ўхшаш бўлган дунёнинг бошқа минтақаларидағи вазиятнинг чуқур таҳлилидан келиб чиқиб, қишлоқдаги вазиятни яхшилаш учун зарур бўлган давлат аралашувининг учта асосий йўналишларини кўрсатиш мумкин:

Ахоли яшаш масканларида турли тармоқларнинг узвий боғланган ҳолда жамланиши. Уй-жой ва ишчи ўринларининг бир жойда жамланмаганлиги транспортдан фойдаланиш, энергия ва сув таъминоти ёки чиқиндиларни қайта ишлашгача бўлган инфратузилманинг барча турлари учун ортиқча харажатларга олиб келади. Истиқболдаги ривожланиш концепцияларида қишлоқ учун муҳим бўлган обьектлар бир жойда жамланишининг зарурлигини алоҳида белгилаб қўйиш лозим. Шу билан бир пайтда, туман марказлари кенг кўламли таълим ва тиббиёт хизматлари кўрсатувчи маҳаллий маданий ҳаёт марказларига айлантирилиши лозим бўлади.

Маҳсулот сотиши тармоғининг кенгайиши. Ихтисослашган агросаноат марказлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада самарали ишлаб чиқаришни, айниқса, саноат майдонлари билан қўшилишини таъминлаши зарур. Бундай ёндашув қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, шунингдек, транспорт харажатларини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этади.

Энергия самарадорлиги. Турли хил чора-тадбирлар, шу жумладан, эскирган қурилмаларни такомиллаштирилган янгилари билан алмаштириш, бино ва иншоотлар қурилишида замонавий талабларни қўллаш ёрдамида энергия истеъмолини қисқартиришни, қайта тикланадиган муқобил энергия манбалари ишлаб чиқиш – турмуш мезонларини ях-

шилаш ва харажатларни камайтириш имкониятларини яратади. Атроф-мухитта салбий таъсирни камайтириш эса қўшимча ижобий натижа беради.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига пахта ишлаб чиқариш улушининг юқорилиги алоҳида масала ҳисобланади. Пахта ишлаб чиқариш Ўзбекистонда энг муҳим экспорт маҳсулоти ҳисобланади (йилига 1 миллион тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилиб, жаҳон миқёсида пахта толаси ишлаб чиқаришнинг 4–5 фоизини ташкил этиб, пахта экспорти бўйича эса дунёда иккинчи ўринни эгаллайди). Шунингдек, уни суғориш учун катта хажмда сув ресурслари талаб этилади. Пахта етиштириш ҳажми ва сифатини сақлаб қолган ҳолда сув истеъмолини сезиларли даражада камайтиришнинг оқилона йўлини излаб топиш қишлоқ хўжалигидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу йўналишда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш дастурини амалга ошириш муҳим дастак ҳисобланади.

ҚИШЛОҚ ИҚТІСОДИЁТИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИННИҢ АХАМИЯТИ

Қишлоқ уй-жой қурилишининг ривожланиши замонавий талабларга мос келмайдиган шароитда истиқомат килаётган кишилар турмушининг яхшиланишига, шунингдек, миллий иқтисодиётнинг юксалишига олиб келади.

Уй-жой қурилиши ёки реконструкция қилиниши хилма-хил хизмат турларини ва турли саноат тармоқлари маҳсулотлари ишлатилишини тақозо этади. Ерларни ўзлаштириш борасидаги дастлабки тадбир, одатда, меъморлар, ҳукукшунослар, молиячилар ва бошқа маслаҳатчи-экспертлар билан боғлиқдир. Лойиха бўйича қурилиш жараёни бошлангач, қурувчи, сантехник, электрик ва бошқа шу каби маҳсус ишчиларга талаб ортади. Қишлоқ уй-жой қурилишининг ривожланиши қурилишга алоқадор соҳалар ишчиларига бўлган талабнинг ўсишига ва янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади ҳамда қишлоқ ахолисининг иш билан бандлигини таъминлайди.

Қурилиш соҳаси катта ҳажмда транспорт ва савдо-сотик хизматларини талаб этади ва шу орқали маҳаллий иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказади. Қурилиш учун зарур бўлган материаллар қурилиш майдонига ташқаридан олиб келиниши транспорт соҳасида қўшимча ишчи кучига эҳтиёж туғдиради. Бироқ кесилган дарахт бўлаклари ва қурилиш асбоблари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб берилиши мумкин.

Бу соҳадаги ишларнинг натижалари қурилиш жараёнлари якунланиб, қишлоқ ахолиси янги уйларга кўчиб ўтганларидан сўнг ҳам давом этади. Ўз уйларига бўлган масъулият ва ифтихор туйғулари товар ҳамда хизматлар истеъмолининг ўсишига олиб келади.

Янги уйга кўчиб ўтиш, кўпинча янги техника, мебель сотиб олиниши ва кўчиш билан боғлиқ хизматлардан фойдаланишга олиб келади.

Кейинроқ, құшымча хоналар қурилиши, күкаlamзорлаштириш каби талблар пайдо бўлади.

Янги уйлар ва уларни янада ободонлаштириш бўйича тадбирлар жамиятнинг бошқа аъзоларини ҳам ўз уйларига, умумий фойдаланиши жойларига алоҳида эътибор билан қарашга, бу эса, ўз навбатида, жиноятчилик камайиб, жамиятда ижтимоий баркарорликни таъминлашга олиб келади. Ва ниҳоят, кўпинча қишлоқ жойлардаги янги қурилиш йўл, канализация, сув ва электр таъминоти соҳалари сифатининг ошишига ҳамда уй-жой қурилишининг кейинги тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Уйларнинг кўпайиши тирикчилик минимумининг пасайишига, бу эса янги уйларда яшовчилар ва тадбиркорлар учун уларнинг жозибадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Уй-жой қурилиши нафакат қурилиш тармоғи ва ундаги иш билан бандлик масаласига, балки бутун маҳаллий иқтисодиёт ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Курувчилар, одатда, қурилиш майдонига яқин жойда яшаб, ўз маошларининг асосий қисмини шу худуддаги савдо ва хизмат кўрсатиш муассасаларида сарфлайдилар. Маҳаллий корхоналар эса қурилиш материаллари, янги уйларда истиқомат қилувчиларга турли маҳсулотлар сотишдан катта фойда кўради. Бундай корхоналар эгалари ва ходимларининг фаровонлиги, харид қобилияти ошади ва шу каби ўзгаришлар давом этиб, жамиятнинг барча жабҳаларига ўз таъсирини ўтказади.

Уй-жой қурилиши натижасида қурилиш солиги, жисмоний шахслар даромад солиги, қурилиш материалларини сотиш ва ташишдан тушадиган соликларнинг ўсиши орқали давлат, маҳаллий ва федерал ҳукумат даромадлари кўпаяди. Шунингдек, ишчилар маошларини янги уйларига жихозлар сотиб олишлари ҳамда хизматлардан фойдаланишга сарфлашлари натижасида савдо солиги ошади. Узоқ муддатли истиқболда маҳаллий ҳокимият органлари мулк солигидан, ипотекадан ва уй-жойни топшириш орқали давлат божидан даромад олиши мумкин. Юкорида қайд этилганлардан шундай хulosса чиқариш мумкинки, нисбатан кичик лойиҳалар ҳам солик тушумлари орқали давлатга катта даромад келтириши мумкин.

Қишлоқ қурилишининг маҳаллий иқтисодиётга кўрсатадиган таъсири минтақадаги ҳолатга ва лойиҳаларга боғлиқ ҳолда ўзгариши

мумкин. Ер қиймати, маҳаллий даромадлар, ижтимоий маданият ва солиқ таркиби каби хусусиятларга қараб – янги уй қурилиши керакми ёки эскисини таъмирлаш лозимми, ёки бўлмаса уй-жой бир оиласа мўлжалланадими ёки кўп хонадонли ижарадаги уй-жой бўлиши зарурми, деган саволларга ойдинлик киритилиши лозим. Лойиҳанинг иқтисодий таъсирига муайян шароитларни тўлиқ ўрганмасдан туриб аниқ баҳо бериб бўлмайди. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ қурилиши нафақат бу уйларда истиқомат қилувчиларнинг ҳаётини яхшилади, шу билан бирга бутун маҳаллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам фойда келтиради.

Албатта, қишлоқларни комплекс ривожлантириш, авваламбор мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражасидан далолат беради. Ўзбекистонда 20 йилдан кўпроқ вақт мобайнида ижтимоий ва қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган ютукларга бағишлиланган бундай миқёсдаги конференциянинг ўтказилиши давлатнинг иқтисодий салоҳияти юксак даражада эканлигидан далолат беради.

Конференция қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши соҳасидаги ходимлар ва эксперtlарга тажриба алмашиш, олдиларида турган масалаларни мухокама қилиш ҳамда долзарб бўлган у ёки бу муаммоларни биргаликда ҳал этиш имконини беради. Бу ҳозирги босқичда хорижий мамлакатларда қишлоқ ёшларини ишга жойлаштириш, уларга муносиб яшаш шароитлари яратиш, жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда мамлакат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши учун кўмаклашиш каби масалалар устида бош қотираётган бир пайтда янада мухим аҳамият касб этиб бормоқда.

Дмитрий ВИДРИН,
профессор, Украина Президентининг
штатсиз маслаҳатчиси

ҚИШЛОҚДА СИФАТЛИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – АХОЛИ ЯШАШ ДАРАЖАСИННИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ жойларда кенг кўламли сифатли уй-жой қуришнинг аҳамиятини, айниқса, бундай ишларнинг ёшлар ҳамда ёш мутахассислар учун муҳимлиги ва зарурлигини аксарият мамлакатлар хукуматлари ҳар доим ҳам тушуниб етмаяпти.

Гап шундаки, уй-жой, айниқса, қишлоқда – “кўчмас мулк”, “яшаш жойи”га нисбатан чукур маънони касб этади. Авваламбор, бу нафақат турмуш тарзини, балки умуман яшаш сифатини белгилайдиган ижтимоий макондир.

Сифатли қишлоқ уй-жойи – бу шахс ўзининг имкониятларини ифода этадиган, рӯёбга чиқарадиган, ўзининг яратувчанлик, ижтимоий салоҳиятини очадиган маскандир. Бу – болаларни тарбия қиласидиган жой, кариндош-уруғлар, дўстлар билан мулоқот қиласидиган муҳитдир. Қолаверса, унинг катталигига қараб, келажакдаги оиланинг миқдорий таркиби режалаштириладиган кичик “мамлакатдир”.

Давлат қишлоқда аҳолига замонавий уй-жой қуриб, уни оиласга имтиёзли шароитда бериб, шу билан ўзининг кўпгина функцияларини: демографик, таълим, тарбия, ҳаттоқи, хавфсизлик функциясини амалга оширади. Ҳар томонлама қулай шароитларга эга шинам уйи бор инсон, одатда мақсадсиз тентираб юрган кимсаларга кўшилмайди.

Ушбу холосаларга асосланиб, Ўзбекистон хукуматининг қишлоқда уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириши нафақат уй-жой қурилиши, балки давлат миқёсидаги бунёдкорлик, десак тўғри бўлади.

Мамлакатингизнинг қишлоқда уй-жой қурилиши дастури орқали ҳақиқатда ўзининг маънавий, ижодий, яратувчанлик салоҳиятини ривожлантириш учун моддий асосга эга бўлган қишлоқнинг ёш “ўрта синфини” – маслакдош инсонлар бирлашмасини яратмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида аҳолининг ўсиш суръати, энг мухими, сифат кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича етакчи хисобланади. Ўзбекистонда аҳоли нафақат ўсмоқда, балки бу ерда билимли, юкори малакали одамларнинг улущи шаҳарларда, шу билан бирга, қишлоқ жойларда ҳам изчил ошиб боряпти.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тажрибасини аҳоли сони ва унинг сифат кўрсаткичлари тўхтовсиз пасайиб бораётган бошқа собиқ Иттифоқ мамлакатларида чукур ўрганиш ва ўз амалиётида татбиқ этиш катта аҳамиятга эга бўларди.

Ниннат ОЛАНВОРАВУТ,
Жануби-Шарқий Осиё Олий таълим мұассасалари
ассоциациясы Бөш котиби (ASAIHL),
Тайланд

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚИШЛОҚ ҮЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ АМАЛИЁТИ

Халкар оңжумандар иштирок этиш учун таклифнома олиш шарафиға мұяссар бўлганимдан ниҳоятда миннатдорман.

Мамлакатнинг барча минтақаларида янги уй-жой қурилиши бўйича дастурни татбиқ этиш сиёсатининг амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон Республикаси қишлоқ худудларини ривожлантириш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида кенг миқёсда замонавий хусусий уй-жойлар қуриш ва муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани яратишнинг маҳсус миллий дастурини амалга ошириб келмоқда. Мазкур режа қишлоқ қиёфасини янгилашга, маҳаллий аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга қаратилган.

Замонавий уй-жой қурилиши қишлоқ жойларда аҳолининг уй-жойга эга бўлиш имкониятларини ошириш, турмуш даражасининг ўсиши ва янги иш ўринлари яратишни таъминлаган ҳолда қишлоқ худудларини ривожлантиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Дастур кам таъминланган ёш оиласар ва янги уй эгаларига замонавий қишлоқ уй-жойларини сотиб олиш учун кредит ва имтиёзлар бериш тизимини ҳам ўз ичига олади.

Ҳукуматнинг уй-жой қурилиши сиёсати қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш режаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда қишлоқда янги иш ўринлари яратишга қаратилган инвестициялар жалб қилиш стратегиясини рағбатлантиришга, шунингдек, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини яхшилаш мақсадида кичик корхона ва микрофор-

малар фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қишлоқ аҳоли масканлари бенефициарларини уй-жой билан таъминлаш сифати тубдан яхшиланади.

Дастур учта йўналишдан иборат:

- қишлоқ жойларда янги уй-жой сотиб олишга кредитлар ажратиш;
- қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш режалари ва инвестицияларни рағбатлантириш стратегиясини амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари салоҳиятини мустаҳкамлаш;
- қишлоқ жойларда кичик корхона ва микрофирмаларни ривожлантириш ёки янги корхоналар ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

Давлат уй-жой қурилиши маҳаллий ижтимоий инфратузилмани ташкил этишни кўзда тутади. Бу, ўз навбатида, ўзаро ижтимоий муносабатларнинг кенгайишига туртки бўлади ҳамда ижтимоий обьектлар, яъни дам олиш жойи, савдо дўкони,офис, болалар боғчаси ва тиббиёт марказлари фаолияти учун қулай макон яратади.

Дастурни муваффакиятли амалга оширишнинг муҳим омиллари қўйидагилар ҳисобланади:

1. Уй моделларини ишлаб чиқиши мақсадида маҳсус қишлоқ қурилишини лойиҳалаштириш институтини ташкил қилиш орқали дастурнинг самарали амалга оширилиши.
2. Қишлоқ қурилиш банки уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутиши.
3. Якка тартибдаги уй-жой ва коммунал иншоотлар қуришга ихтиослашган инжиниринг компаниясининг ҳар бир ҳудудда филиалларининг ташкил қилиниши.

Ўзбекистондаги қишлоқларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастурининг амалга ошириш самарадорлиги қишлоқда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, янги иш ўринларини яратишда ўз аксини топиб, мамлакатнинг инклюзив иқтисодий ўсишга эришиши ва барқарор ривожланишини таъминлайди.

Бизни Ҳукуматингизнинг қишлоқ жойларни ривожлантириш йўлида амалга ошираётган қатъий чоралари, астойдил ишонч билан ҳаракат қилаётганлиги қувонтиряпти. Сизнинг қишлоқ қурилишини

инновацион ривожлантиришга бўлган интилишингиз турмуш сифатини кескин яхшилашга ва унинг даражасини кўтаришга хизмат қиляпти.

Мамлакатингизнинг эришган ютуклари билан чин қалбимдан кутлашга ижозат берсангиз. Сизларга келгусида энг яхши тилаклар ҳамроҳ бўлишини ва инклюзив иқтисодий ўсиш ҳамда барқарор тараққиётга эришиш йўлида муваффақиятлар тилайман.

Мэир НИЦАН,
“Саар” кибуци бошқаруви раиси,
Истроил

ИСРОИЛ КИБУЦЛАРИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ

Давлатнинг қишлоқ ҳудудлари комплекс ривожланишига кў-
маклашиши пахта, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини
етиштиришда дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлган
Ўзбекистоннинг аграр секторини қўллаб-куватлашда муҳим омил
ҳисобланади.

Фермер ҳўжаликларини ривожлантириш ва технологик жиҳозлаш
учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган Ҳукумат
дастурлари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг кенг ассортиментини
экспорт қилувчи Ўзбекистонни дунё рейтингида янада юкори
поғоналарга олиб чиқади.

Ушбу конференция аграр секторни ривожлантиришда халқаро
тажриба алмашинуви учун яхши имконият ҳисобланади. Бу йўналиш-
даги ҳамкорликни ривожлантиришда ўзаро кооперацион ва илмий-
тадқиқотлар алмашувларининг ўрнатилиши муҳим амалий аҳамиятга
эга.

Пахта толасининг энг яхши навларини етиштириш бўйича дунёда
етакчилик қилаётган Ўзбекистон тажрибаси Истроил учун жуда фойдали
бўлиши мумкин. Шунингдек, чорвачилик ва балиқчилик соҳаларидаги
Истроил тажрибасини республиканинг қишлоқ ҳудудларида мұ-
ваффақиятли татбиқ қилиш мумкин.

Қишлоқ ҳўжалиги учун нокулай табиий иқлим ва сув танқислиги
шароитида Истроил юксак технологияларни қўллаш туфайли ички
бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайти, балки қишлоқ
ҳўжалиги маҳсулотларини хорижга экспорт ҳам қиляпти.

Кибуц (ивритдан таржима қилинганда “жамоа” маъносини англа-
тади) – Истроил агросаноат секторининг ёрқин рамзи ва асоси ҳисоб-

ланади. Бу – мулкка жамоа шаклида эгалик қилиш ва яшашни коммунал ташкил қилиш тамойилларига асосланган яхудийлар қишлоқ хўжалиги бирлашмасидир. Иқтисодий муносабатларда кибуцлар 100 дан 2000 гача яшовчиларни ўз ичига олган, ўзига хос жойлашиш шаклидаги мустақил ишлаб чиқариш хўжалигидир.

Кибуц бошқарувида тўғридан-тўғри демократия тамойиллари амал қиласди – барча масалаларни ҳал қилишда кибуцнинг ҳар бир аъзоси қатнашади. Кибуцнинг олий бошқарув органи – унинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини шакллантирадиган, бюджетини тасдиклайдиган, янги аъзоларни қабул қиласди. Кибуцларда сайлов асосида тураржой, молия, режа-иқтисодиёт каби ихти-сослаштирилган комиссиялар фаолият юритади. Комиссияларнинг раислари кибуц бошлиғи билан биргаликда ижроия орган – кибуц хукуматини ташкил қиласди.

Хўжаликларнинг барча фаолияти ер ижараси асосида амалга оширилади. Чунки мамлакат ер фондининг 95 фоизи ушбу соҳада ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмайдиган давлат тасарру-фидат туради.

Хайдаладиган ерларнинг қарийб 80 фоизи кибуцлар ва хусусий хўжаликлар фойдаланиши учун бериб қўйилган. Кибуцлар ва мосаввалар Истроил қишлоқ хўжалигига асосий роль ўйнайди. Мамлакатда аграр соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоизи, экин майдонларининг 70 фоизи, асосий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш фондларининг 75 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Кибуцлар узок йиллик фаолияти жараёнида аграр ишлаб чиқариш туридан аграр-индустриал, ўтган асрнинг 80-йилларида эса индустрисал-аграр хўжаликларига трансформация қилиниши натижасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди.

Истроил кибуцлари – бу нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида мав-сумий ишлаш орқали даромад қиласди. Агросаноат комплекси, бал-ки тахта ва металлни қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш, қадоқлаш, сайёхлик, меҳмонхона бизнеси ва савдо шохобчалари соҳасида хизмат кўрсатадиган кичик корхоналарни ўз ичига олган кўп тармоқли иқтисодий бирлашма ҳисобланади.

Хельмут КОВАРИК,
Худудий парламентнинг сабиқ депутати,
Австрия – Ўзбекистон жасамияти аъзоси,
Австрия

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА САНИТАРИЯ СТАНЦИЯЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Қишлоқ жойларнинг ривожланиши ва ҳаётий мезонларнинг ошиши, шубҳасиз аҳоли турмуш тарзи сифати, яъни инсон қай тарзда яшаши ва ўз саломатлигини сақлашга қандай муносабатда бўлиши билан белгиланади. Ўз навбатида, ҳаёт ва саломатлик сифати бошқа бир қатор мезонларга, шу жумладан тоза сувдан фойдаланиш имкониятига боғлиқдир. Келгусида инсонларнинг ишлатилган сув, жумладан, оқова сув ховузлари учун асбоб-ускуналар билан таъминланиши, тураржойларнинг канализация тизимларига уланиши каби кулайликлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳудудий канализация тизимлари ва ишлатилган сувларни қайта ишлаш учун минтақавий тизимлар барпо этиш ўта зарур аҳамият касб этади. Шунингдек, атроф-мухит ва ер ости сувларининг заҳарли чиқиндилар билан ифлосланишидан ҳимояланган ахлат йиғиш зоналари ташкил этилиши лозим.

Аҳолига мураккаб бўлмаган ва молиявий жиҳатдан арzon соғлиқни сақлаш тизимидан фойдаланиш имкониятининг яратилиши қишлоқ жойларда ҳаёт сифатини оширишга сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда тиббиёт тизими тармоқлари – санитария станциялари, она ва бола учун тиббий муассасалар, поликлиника ва шифохоналар барпо этиш масаласини тубдан қайта кўриб чиқиш назарда тутилади. Қишлоқлар ва шаҳарчалар учун айрим хизмат кўрсатиш ходимларининг доимий асосда бўлиши шарт бўлмаган, ҳафтада биринки марта келса бўладиган санитария станциялари маъқул келиши мумкин. Бироқ зарур ҳолатларда тиббий ходимлар санитария станциясига зудлик билан етиб келишларини таъминлайдиган тартиб-коида ўрнатилиши лозим.

Йирик шаҳарчалар ва шаҳарларда санитария станцияларини мактаб биноларида жойлаштириш мақсадга мувофик. Бу эса мактаб ўкувчилариға зарур холларда тиббий хизмат турларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай тиббий станцияларда тиш шифокори хонаси кўзда тутилиши лозим. Лекин даволаш учун эмас, балки диспансеризация назоратини амалга ошириш учун зарурдир. Шунингдек, бу ерда мажбурий эмлаш ҳам олиб борилиши мумкин. Маъмурий жиҳатдан санитария станциялари мактаб бошқарувидан алоҳида бўлгани маъқул. Бу тиббий муассасаларнинг мустақиллигини таъминлайди. Лекин иккала тузилманинг ўзаро муваффақиятли ҳамкорлик юритишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Бундай санитария станциялари вақти-вақти билан ва зарур ҳолатларда кўз шифокори, ортопед каби мутахассис шифокорларни жалб этган ҳолда маҳаллий аҳоли учун очик бўлиши мақсадга мувофиқдир. Жисмоний камчилиги бўлган одамлар учун қулайлик яратиш мақсадида санитария станциялари биноларнинг биринчи қаватида жойлаштирилиши назарда тутилиши керак. Бундан ташкари, санитария станцияларини безатиш ва ишлатишда минтақа аҳолиси анъаналари, урф-одатлари ва таомилларини инобатга олиш эътибордан четда қолмаслиги шарт. Тиббий ёрдамга муҳтож болаларга мутахассис шифокор етиб келгунига қадар санитария станцияларида тажрибага эга санитарлар биринчи тиббий ёрдам кўрсата олиши зарур. Оғир ахволдаги bemорларни яқин атрофдаги шифохонага зудлик билан етказиш учун кўчма тезкор қуткариш хизматини ташкил этиш лозим.

Қишлоқ жойларда соғлиқни сақлаш соҳасини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш жараёнида маҳаллий ҳокимликлар қошида ижтимоий хоналар ёки кўчма ижтимоий хизмат тузилмаси ташкил этилиши шарт. Бундай муассасаларда аҳоли ижтимоий ютуқлар, таълим олиш имкониятлари ва аҳолига ёрдам кўрсатишнинг бошқа турлари ҳакида зарур ахборот олади. Бу тузилмаларни молиялаш ижтимоий масалаларни ҳал этишга алоқадор миллий ёки ҳалқаро жамғармалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу борада Ислом тараққиёт банки, Ҳалқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти ёки ОПЕК фондининг ижтимоий соҳада моделлар яратиш ва лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажрибалирини инобатга олиш ижобий натижага беради. Тиббий муассасаларни

кредитлар ҳисобига эмас, балки босқичма-босқич хусусийлаштиришни назарда тутувчи бир марталик молиявий ёрдам ҳисобига ҳамда бошқа молиялаш моделларидан фойдаланиш асосида ташкил этиш лозим.

Кишлок жойларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш ва кўллаб-куватлаш ўта долзарб ҳисобланади. Чунки бу аҳолининг шаҳарларга кўчиб кетишини секинлаштиради ҳамда назорат қилиб бўлмайдиган қишлоқ жойлари тузилмаларининг шаҳар тузилмаларига қўшилиб кетишининг олдини олади. Бироқ қишлоқ жойлардаги тиббий муассасалар стандартлари ва тиббий хизмат қўрсатиш сифати шаҳар стандартлари билан бир хил даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳавас қиласи даражада изчил ва жадал ривожланиб бормоқда. Буни юртингиз қишлоқлари мисолида ҳам қўриш мумкин. Қишлоқларда замонавий ва барча талабларга жавоб бера оладиган файзли уйлар қурилаётгани натижасида қишлоқ одамларининг турмуш даражаси яхшиланиб, уларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётганидан ҳам қўриш мумкин. Биз ташриф буюрган массивдаги уй эгалари билан сухбатда бўлиб, уларнинг ўз турмушидан мамнунлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Одамларнинг юз-кўзида келажакка ишонч мужассам.

Сукхвиндер Сингх ЖОХАЛ,

Аграп ва саноат
тармоқларини ривожлантириши
тадқиқотлари маркази доценти,
Хиндистон

ХИНДИСТОНДА КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ: ДАСТУР ВА СИЁСАТ

Уй-жой инсоннинг яшаси учун асосий эҳтиёжлардан бири хисобланади. Ҳиндистон 1947 йили мустакилликка эришгач, мамлакатда қишлоқ ва шаҳарлар аҳолисининг кам таъминланган қатламини тураржой билан таъминлаш, фуқароларга қулайликлар яратиб бериш бўйича қатор режа ва дастурлар ишлаб чиқилди. Бу сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келди.

Бироқ оиласлар сонининг курилаётган уйлар сонидан тез ортиб бориши, жумладан, уйсизларнинг мавжудлиги, аҳолининг ўта зичлиги, мўъжаз, тор уйларда яшовчилар сонининг ортиб бориши, Катча (Katcha) уйларининг Пукка (Русса) уйларига алмаштирилиши натижасида доимо уй-жой танқислиги мавжуд бўлган. Уй-жойга бўлган эҳтиёж муайян даражада турли қурилиш дастурлари ёрдамида қопланаётган бўлса-да, ичимлик суви таъминоти, канализация, алоҳида ошхона, ёқилғидан фойдаланиш каби коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича ҳал қилинмаган муаммолар талайгина.

Уй-жой соҳасига йўналтирилаётган умумий инвестицияларнинг 1–5 фоизи микдоридаги бюджет мамлакатдаги кам таъминланган аҳоли эҳтиёжларини қондиришга етмайди. Давлатнинг “таъминловчи ролидан воситачи ролига ўтиш” сиёсатини амалга оширганлиги туфайли бу соҳада ижобий ўзгаришлар содир бўлди. 1990 йилдаги янги иқтисодий сиёсатга ўтилгандан сўнг асосий эътибор кооператив, яъни уй-жой соҳасида хусусий бизнес иштирокини кенгайтиришга қаратилди. Натижада ҳозирги пайтда бутун мамлакат бўйлаб йирик хусусий қурилиш компаниялари фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, молиявий муассасаларнинг паст фоиз ставкали ипотека кредитларини эркин тақдим этиш сиёсати уй-жой қурилиши учун маблағ олишда муаммоларга учраётган ўртача даромадли аҳоли қатламига ёрдам бермоқда. Аммо корпоратив ва молия институтлари, айникса, хусусий банклар асосан шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкалардаги қурилиш ишлари билан чекланиб қолган, қишлоқ жойларда эса уй-жойга бўлган талаб аҳолининг ўз ҳисобига ёки Ҳукуматнинг кам таъминланганлар учун уй-жой қурилишига ёрдам бериш дастурлари орқали қондирилмоқда.

1992 йилда Ҳиндистон Конституциясига 73-тузатиш киритилгандан сўнг, қишлоқ уй-жой қурилиши маҳаллий ўзини ўзи бошқариш орғанлари томонидан амалга оширилмоқда. Лекин маҳаллий ўзини ўзи бошқариш муассасаси кам таъминланган аҳоли қатламининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли маблағларга эга эмас. Кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож аҳоли гурухлари учун субсидиялар, кам фоизли кредитлар тақдим этиш, ишга жойлаштириш ва даромадларни шакллантириш дастурининг бир қисми сифатида уй-жой фондиди ташкил этиш каби тадбир уй-жой муаммоларини ҳал этиш бўйича Ҳиндистон ҳукумати ёндашувининг асосий мақсадлари қаторига киради.

Кам таъминланганлар орасида уй-жой етишмовчилиги муаммосини ҳал қилиш учун Ҳиндистон ҳукумати марказлашган манбалардан молиялаштириладиган Индра Авас Йогна (Indra Awas Yogna) маҳсус схемасини жорий этди. Унга биноан, қашшоқлик даражасидан паст бўлган бенефициарларга (асосан бевалар ва турмуш қурмаган аёллар бошқарадиган оиласарга) 75000 рупийгача бўлган миқдорда молиявий ёрдам кўрсатилади.

Ушбу ёрдам дастури Ҳукумат томонидан тўлиқ молиялаштирилади. Сўнгги йилларда уй-жой билан таъминлаш ва уларни қуриш устувор тармоқ сифатида ривож топмоқда. Чунки Ҳукумат аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида қурилиш жараёнини фаоллаштириш муҳим эканлигини тушуниб етди.

Бу соҳада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар ва орттирилган тажрибаларни чукурроқ ўрганишни тақозо этади. Мен Тошкент вилояти Зангиота туманидаги “Обод турмуш” маҳалласида бўлиб, нафакат

шашар, балки қишлоқ жойларда ободончилик, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши, аҳоли яшаш шароитларини яхшилаш, инфратузилмани тақомиллаштириш ишлари билан танишдим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бундай замонавий уйлар кредитга – 15 йил муддатга берилади. Халқаро конференцияга келган эксперtlар, соҳа мутахассислари мамлакатингизда фуқаролар учун яратилган имтиёзларга ҳавас билан қараşяпти.

Мэри КЛООРЕН,

*Кишлоқ мінтақалары іктисодиёти тадқиқот марказы
департаменті раҳбари ўринbosари,
Эстония*

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ (ЭСТОНИЯ ТАЖРИБАСИ)

Эстония қишлоқ худудларини ривожлантириш режасини Европа Иттифоқининг EAFLD (Қишлоқ худудларни ривожлантириш бўйича Европа Қишлоқ хўжалик фонди) жамғармаси билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Бу борада Нодавлат ташкилотларининг (НДТ) фаол иштироки қишлоқ худудларини ривожлантириш режасини амалга ошириш механизмларидан бири сифатида қаралмоқда. Ушбу механизм LEADER (француз тилида – “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва уни ривожлантириш тадбирлари ўртасидаги алоқа”)дир. LEADER қўллаб-куvvatlash механизмининг самараси қишлоқ худудларига мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маблағлар ажратишдан иборатdir. Бугунга келиб, Эстония қишлоқ туманларининг 99 фоизи ривожланиш стратегияси асосида ЛИДЕР (LEADER – Маҳаллий Ташаббус Гурухлари) дастурини амалга оширувчи НДТ фаолияти билан қамраб олинган. Қишлоқ туманлари тармоқларини ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаси бу – манфаатдор томонларининг талабларини тўлақонли қондиришдан иборат.

1990 йилларнинг бошларида ягона қишлоқ ҳаракати ташкилоти қишлоқ ҳаётини фаоллаштира бошлади. Натижада барча қишлоқ ҳаракати ассоциациялари учун бошланғич ташкилот вазифасини ўтади. Бугунги кунда ушбу ҳаракат Кодукант қишлоқ ҳаракати номи билан машҳур. Бу ҳаракат жамоат ташкилотлари ва қўнгиллиларни бирлаштирган. Унинг асосий вазифаси Эстония қишлоқ ҳаётини сақлаш, тиклаш ва унинг уйғун ривожланишини таъминлашдан иборат.

Айни пайтда Эстониянинг жануби-шарқидаги қатор худудлари тажриба тариқасида уйғунлашган стратегия ва ҳамкорлик тамойил-

ларига асосланган дастурларни амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалиги ҳамкорлиги дастури доирасида Польва, Валга ва Вору графликлари ташкил этилиб, ягона маҳаллий етакчининг фаол вакиллиги тамоилии асосида фаолият олиб бормоқда.

Бошқа молиялаш турлари ҳам аҳолининг грантлар олиш учун ўз малака ва қобилиятларини жадаллаштириш, ўзларининг лойиҳаларини қўллаш имкониятини бермоқда. Бу эса, Эстонияда ЛИДЕР стратегиясининг мустаҳкам асосини яратмоқда. Масалан, ЛИДЕР стратегиясига кирувчи маҳаллий гурухларнинг ярмидан кўпи жамоатчилик ва нотижорат ташкилотларнинг ташаббуслари билан очилган. Муниципалитетлар ва жамоатчилик ўртасидаги маслакдошлиқ ва ҳамкорлик ЛИДЕР стратегияси доирасида фаоллашиб бормоқда.

Ушбу дастурда иштирок этишнинг асосий мезонлари мувофикаштириш қўмитаси томонидан белгиланади. Эстонияда ЛИДЕР дастурини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида бир қанча миллий мезонлар белгиланган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- ЛИДЕР дастурида иштирок этиш учун буюртма бераётган гурухнинг ҳудуди камида иккита муниципалитетни қамраб олиши;
- ҳар бир муниципалитет ҳамкор сифатида иккита ижтимоий-иктисодий сектор билан боғланиши керак. Бундай ҳамкорлик қўйидаги шаклда амалга оширилиши лозим: муниципалитет + НДТ + тадбиркор;

– маҳаллий ташаббусга асосланган стратегиянинг муҳим жиҳатлари сифатида: комплекс ёндашув, иктисодий бардавомлик; барқарорлик; ички уйғунлик ва инновационлик хусусияти, шунингдек, халқаро ва ҳудудлараро ҳамкорлик;

– ҳар бир гуруҳ лойиҳани амалга оширишда, шунингдек, жалб қилинган маслаҳатчилар ва мутахассислар фаолиятида эркинлик, ҳудудий ва ҳудудлараро кооперация алоқалари ўрнатилишининг кафолатланиши;

– ҳар бир гуруҳ ўзининг дастури ва дастур бюджетини тақдим этиши, бюджетга киритиладиган кейинги аниклаштиришлар 10 фоиздан ошмаслиги керак. Бу эса самарали режаларни амалиётга татбик этилишини кафолатлади;

– жамоа тузиш ва стратегия ишлаб чиқишига 18 ойгача вақт берилади;

– ЛИДЕР стратегиясида маҳаллий ташаббус гурухлари фаолияти худудни ривожлантириш стратегиясининг 2007–2013 йилларга мўлжалланган асосий йўналишларини ўз ичига олади ва амалга оширади;

– Республика ЛИДЕР дастурининг 2007–2013 йилларга мўлжалланган бюджети жами ҳудудий ривожланиш дастурининг 10 фоизини ташкил қиласди.

Мамлакатда ЛИДЕР дастури кўп жиҳатдан ўз самарасини бермоқда. Дастурни амалга ошириш (2009–2012) давомида маҳаллий туризм, озиқ-овқат саноати, яшил иқтисодиёт ва қишлоқни ривожлантириш каби муҳим тўртта йўналишларда энг юқори натижаларга эришилди. Ўн учта ташаббус гурухлари ҳудуднинг маҳаллий кичик ишлаб чиқарувчиларининг рақобатдошлигини ошириш мақсадида ҳудудий озиқ-овқат тармогини ташкил қилдилар. Бизда энг машҳур тармоқлар: Delicious South-Estonia (Maitsev Lõuna-Eesti), Local Taste (Uma Mekk), The Greener Mark of Põlva county (Põlvamaa Rohelisem Märk) ва Саарема оролида кичик корхоналарни бирлаштирган маркетинг ассоциациялари ҳисобланади.

Ўн битта маҳаллий ташаббус гурухлари янги туризм тармоқларини тузиш билан қишлоқ туманлари салоҳиятини яхшилашга эришилди. Улар орасида Romantic Coastline (Romantiline Rannatee) in Pärnu county, Onion Road (Sibulatee) in Tartu county and Post Road (Postitee) in Põlva county сингари ташкилотлар энг самарали фаолият юритаётганларга мисол бўла олади. Фаол кишилар томонидан Европада ўзига хос бўлган бир қанча лойиҳалар, яъни Peter the Great's Naval Fortress – ҳарбий обьект туризми сифатида, Тарту ва Жогева шаҳарларидаги геопарклар, Alutaguse Adventure Park – саргузаштлар парки лойиҳалари амалга оширилиши мўлжалланмоқда.

Ушбу дастурларнинг сармоялари муқобил энергия манбаларидан фойдаланувчи бир қанча барқарор лойиҳаларга ҳам йўналтирилган. Жумладан, Эстонияда дастлабки қуёш энергияси панеллари шимолдаги Харьюоммада жойлашган. Шунингдек, био-гранула ишлаб чиқиш Виру округида йўлга қўйилган бўлиб, унда қофоз қолдиқлари, хас-хашак ва торфдан фойдаланилади.

Умуман олганда, ЛИДЕР дастури амалга оширила бошлагандан бўён маҳаллий ташаббус гурухлари томонидан бир қанча иморатлар

тикланди ва янгилари қурилди. Қишлоқ маркази, косиблар маркази, спорт иншоотлари шулар жумласига киради ва улар қишлоқ жойларда маҳаллий аҳоли фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

ЛИДЕР дастури икки ва ундан ортиқ фаолият турлари ўртасида ҳудудий ҳамкорликни ривожлантиришга кўмак беради. Мамлакатимизнинг ЛИДЕР ташаббус гурухлари трансмиллий ҳамкорлик борасида ҳам иш олиб бормоқда. 2012 йилнинг охирига келиб, Европа Ҳамжамиятининг маҳаллий ташаббус гурухлари билан ҳамкорликда уч юздан ортиқ ЛИДЕР трансмиллий лойиҳалари амалга оширилди. Айни пайтда Эстониянинг ЛИДЕР дастури доирасида маҳаллий ташаббус гурухлари 25 дан ортиқ трансмиллий лойиҳаларда, шунингдек, Россиянинг битта ёшлар лойиҳасида иштирок этмоқда.

Надежда КОМЕНДАНТОВА,

Амалий ва тизимли таҳлил ҳалқаро институти профессори,

Австрия

ИНФРАТУЗИЛМАНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШ – ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Ўзбекистон сўнгги йилларда нисбатан юқори – ўртача йиллик 8 фоиз иқтисодий ўсиш кўрсаткичига эришди. Қишлоқ худудлари мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, аҳолининг 50 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди ва жами мөхнат ресурсларининг 34 фоизи қишлоқ хўжалигида фаолият юритади.

Ўзбекистон ҳукумати аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясида қишлоқ худудларини ривожлантириш муҳимлигини эътироф этади. Чунки, ушбу стратегиянинг асосий мақсади – саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида модернизация ва рақобатдошликни ошириш ҳисобига юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Халқаро донорлар ҳам қишлоқ худудларини ривожлантириш борасидаги мақсадларни фаол қўллаб-қувватлашмоқда. Жумладан, Европа комиссияси 2008 йилдан бўён синов кўргазма моделлари асосида қишлоқ хўжалигига ноу-хау ва технологияларни етказиб бериш дастурини амалга оширмоқда. Бу моделларнинг асосий мақсади сифат ва унумдорликни ошириш учун ишлаб чиқариш кўнималари ҳамда усулларини модернизация қилишдан иборат.

Инфратузилмага йўналтирилган инвестицияларнинг ижобий роли тўғрисида кенг тарқалган тушунчалардан (Galal ва бошқ., 1994) фарқли ўлароқ, қишлоқ жойларда шундай ҳолатлар аниқландики, унга кўра институционал шарт-шароит яхши бўлмаган ҳолатларда инвестиция қишлоқ аҳолиси ўртасида ижтимоий табакалашувнинг кучайишига олиб келади. Бунга ижобий мисоллар ҳам мавжуд. Австриянинг Гюссинг вилояти тажрибасини бу соҳада ижобий мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Яқин вақтларгача мамлакатнинг бир қатор қишлоқ туманлари, айниқса, Жанубий Бургенланд ҳудуди ишсизлик даражасининг

юқорилиги, аҳолининг шаҳарларга кўчиши ва иқтисодиётнинг турғунлик ҳолатидан жабр чекишарди. Австрия минтақавий иқтисодий сиёсати бу хатарни тушуниб, инвестицияларни қишлоқ жойлардаги инновацион тармокларни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида янги механизмларни ишлаб чиқди. “Гюссинг модели” – шундай ҳудудий ривожланиш моделига мисол бўла олади. Гюссинг – Жанубий Бургенланддаги унча катта бўлмаган, аҳолиси 27 минг кишидан иборат шаҳарча. 2001 йилга қадар у Австрияning ишсизлик даражаси энг юқори, камбағал ҳудудларидан бири бўлиб, иқтисодий фаол аҳолининг 70 фоизи даромад олиш учун бошқа жойларга бориб ишлашга мажбур бўлган.

2001 йилда Ҳукумат қишлоқ жойларда инновацион соҳаларни, хусусан, иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга нафақат давлат, балки хусусий инвестицияларни ҳам жалб қилиш учун шароитлар яратиб берди. Натижада ҳудуд 2005 йилдан бошлаб ҳар йили 13 миллион евро микдорида фойда ола бошлади. Янги технологияларнинг кенг қўлланилиши ва инфратузилманинг жадал ривожланиши ҳисобига собиқ турғун минтақа 15 йил ичida ҳаёт даражаси ва сифати юқори бўлган ҳудудга айланди. Қишлоқ жойларда корхоналар ташкил этишини қўллаб-қувватлаш бўйича маҳсус режа 50 та янги корхонанинг ишга туширилишига ва 1000 дан зиёд иш ўринларининг яратилишига, паркет ишлаб чиқариш, баргли дарахт навларини қуритиш ҳамда экологик технологиялар бўйича муҳим субъектга айланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон келажакда қайси йўлни танлаши бир қанча омилларга боғлиқ: миллий сиёсий мақсад, молиявий шарт-шароитлар ва халқаро савдо йўналишлари. Аммо етакчи омил – қишлоқ жойлари инфратузилмасига инвестиция жалб қилиш иккита сабабга боғлиқ бўлади.

Биринчидан, инвестиция моделини танлаш нафақат қишлоқ жойларда янги уй-жой қурилишини ташкил этиш, балки қишлоқ минтақаларида инфратузилмани ва саноат тармокларини ривожлантириш билан ҳам узвий боғлиқдир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда саноат ва инфратузилмани ривожлантириш учун технология жалб қилишнинг иккита усули мавжуд. Биринчи усулда – технология вертикал шаклда жалб қилинади. Технологиялар инвестиция шаклида мақсадли гурӯхга ундан фойда-

ланиш бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга билим ва кўнишка беришни кўзда тутмаган ҳолда тақдим этилади. Бундай усул ёрдамида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга минимал билим берилишини ҳисобга олиб, баъзи мутахассислар бундай усул унчалик катта аҳамиятга эга эмас, деб ҳисоблашади. Улар иккинчи усулни – горизонтал технология тақдим этишни қўллаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлашади (Schnepp ва бошк., 1990). Ушбу усулда қўшма корхона ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, маҳаллий ходимларни техник ва бизнес-тренинглар орқали қайта тайёрлаш кўзда тутилади. Бу нисбатан узок жараён бўлса-да, технологияни маҳаллий иқтисодиётга мослаштириш имконини беради, яъни маҳаллий ҳамкорлар учун янги технологияларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятини яратади (Уэст ва Галлахер, 2006).

Бундан ташкири, ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари яратиладиган иш ўринлари сони вертикал усулга қараганда горизонтал усул кўлланилганда З баробар кўп бўлишини кўрсатяпти. Бошқача айтганда, технологияларни горизонтал усул орқали жалб килишда, маҳаллий иқтисодиёт учун яратилган бандлик ва мультиплекатив самара бир неча маротаба юқори бўлади (Комендантова ва бошк., 2011).

Иккинчи омил, хусусий ва давлат инвестицияларини жалб қилишни режалаштиришда, кишлоқ жойлар иқтисодиётида юзага келадиган инвестицион хатарлар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Инвестицион хатарларни прогнозлаш имконияти қанча юқори бўлса, уларни режалаштириш камрови ҳам шунчалик кенг бўлади. Бунда Хукумат инфраструктулами ривожлантириш бўйича инвестицион қўйилмаларни қайси муддатга режалаштираётгани жуда муҳим. Инфратузилма соҳасидаги лойиҳалар 10 йил ва ундан ортиқ муддатда ўз самарасини беради. Бунга энергетика соҳаси мисол бўла олади.

Узок муддатли инвестициялар учун хавф-хатарларнинг юқорилиги туфайли, улар асосан киска вақт ичида даромад келтирадиган – истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ёки табиий ресурсларни қазиб олиш каби лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Гарчи, ушбу инвестициялар ҳам муҳим иқтисодий омил ҳисобланса-да, узок муддат-

ли барқарор иктиносидий ривожланишни таъминлаш учун имконият яратмайди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон амалиётида қўллаш учун, қишлоқ жойларга технологиялар киритишнинг горизонтал усулидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда инвесторлар кафолатларини таъминлаш ва мавжуд хатарларни бартараф этиш орқали барқарор инвестициялар жалб қилишининг мустаҳкам асосларини яратиш тавсия этилади.

Ўзбекистон ушбу йўналишда аниқ тажриба тўплаганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу тажриба билан танишиш биз мутахассисларда жуда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонда қурилаётган уйлар замонавий талаблар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Биз конференция доирасида ташкиллаштирилган ташрифлар шарофати билан буларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Қишлоқ массивларида болалар ва спорт майдонлари, дарахтлар экилган ҳудудларга туташ янги автомобиль йўллари ва муҳандислик тармоқлари ишга туширилган. Бир сўз билан айтганда, ушбу ташрифлар амалий тажриба алмашиш имконини берди. Ўзбекистонда барпо этилган уй-жой лойиҳалари мутахассислар томонидан кенг муҳокама этилаётганлигининг шоҳиди бўлдик.

АГРАР ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШНИНГ БОШ ОМИЛИ

Корея 1995 йилдан бошлаб ёрдам олувчи давлатдан кўмак берувчи давлатга айланди. Натижада, Корея 1996 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ), 2009 йилнинг ноябринда эса ушбу ташкилотнинг Ривожланишга кўмаклашиш қўмитасига (РКК) аъзо бўлди. Ушбу қўмитага ИХТТга аъзо мамлакатларнинг ривожланиш мақсадларига расмий ёрдамининг умумий суммаси 100 млн. АҚШ долари ёки ялпи миллий даромаднинг 0,2 фоиздан ошган тақдирда кириши белгилаб қўйилган.

Кореянинг ривожланиш модели Осиёдаги аксарият ривожланаётган мамлакатлар учун тараққий этган давлатлар моделларига нисбатан кўпроқ мос келади. Мамлакат жуда қисқа вақт мобайнида индустрисал-аграп мамлакатдан оғир ва кимё саноати тармоқлари яхши ривожланган давлатга айланди. Бу эса давлат тараққиётини жадаллаштиришга асос бўлди.

Мен, авваламбор саноати тез ривожланиб бораётган шаҳарлар ва кичик қишлоқлар орасидаги ортиб бораётган аҳоли турмуш даражасидаги тафовутга барҳам беришга ҳаракат қилаётган “Семаул Ундонг” – “Янги қишлоқларни барпо этиш ижтимоий ҳаракати” ҳақида гапирмоқчиман. “Файрат қилиш”, “Ўз-ўзига ёрдам бериш” ва “Ҳамкорлик” номли учта шиорга амал қилган ушбу ҳаракат туфайли қишлоқ аҳолисининг яшаш шароити яхшиланди. Қишлоқ аҳолисининг нафақат моддий фаровонлиги, балки ҳаётдан маънавий қоникиши ҳам ўсади.

1970 йилдан бошлаб “Семаул Ундонг” ўз фаолиятини асосан қишлоқ ҳудудларда турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирди. Ушбу ҳаракат эътиборни нафақат бандликни оширишга ва қишлоқда

яшаш шароитларини такомиллаштиришга, қишлоқ худудларида давлат бошқаруви ва бошқа тизимларда кадрларни ўқитишга қаратиш бўйича ҳам танқидий фикрларни билдири.

Шундай қилиб, ушбу ҳаракат нафақат даромадларнинг ўсишига, яшаш мухитини яхшилашга ва иқтисодий ўсишига, қишлоқ жамияти ривожланишининг янги моделига, янги таълим йўналиши, шунингдек, соғлиқни саклаш соҳасини ислоҳ қилишга эришди. Шубҳасиз, “Семаул Ундонг” маънавий янгиланиш йўли билан миллий бойликка эришиш ҳаракатига айланди. Энг мухими, ушбу дастур мажбурий характерга эга бўлишига қарамасдан, маҳаллий аҳоли дастурда фаол ва ихтиёрий равишда иштирок этди.

Кореянинг “Семаул Ундонг” каби ривожланиш моделининг ўзида мужассамлаштирган кучли миллий ўзлигини англаш ва кучли давлат назорати туфайли ушбу тажриба Осиё мамлакатларида татбиқ этилиши осон кечиши мумкин.

“Семаул Ундонг”ни бошқа мамлакатларда татбиқ қилиш учун, унинг тегишли ҳудудий моделини кўриб чиқишимиз ва жойларда синов тадқиқотларини ўтказишимиз зарур. Масалан, 2006 йили Хитой Халқ Республикасининг собиқ раиси Ху Цзинь Тао ва 200 нафар хитойлик мансабдор шахслар “Семаул Ундонг”ни “Хитойда янги социалистик қишлоқ жамиятини ривожлантариш” модели сифатида қабул қилишди. Бирок “Семаул Ундонг” 70-йилларда қўллаган услугуб тўғридан-тўғри кўчириб олинмади. Уни ривожланишнинг маҳаллийлаштириш модели сифатида қабул қилиш лозим эди. Бу “Семаул Ундонг” муваффақиятининг асосий омилидир.

Бундан ташқари, биз ушбу модельни қўллашни истаган ҳамкор мамлакатларнинг сиёсатини, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хусусиятларини, хусусан, даромадлар даражаси, иқтисодий ўсиш суръатлари, ҳозирги ривожланиш босқичи, табиий бойликлари, тарихини инобатга олишимиз зарур. Бу икки томонлама ҳамкорлик қилишда муваффақиятли стратегияга айланиши лозим. Чунки, ёрдам олаётган мамлакатлардаги ҳақиқий шароит биз кутгандан қўра мураккаброқ бўлиши мумкинлигини ҳисобга олишимизга тўғри келади.

“Семаул Ундонг”нинг “Ғайрат қилиш”, “Ўз-ўзига ёрдам бериш” ва “Ҳамкорлик” сингари шиорлари БМТ Декларациясининг “Озодлик”, “Тенглик” каби тамойилларига мос тушади. Шунга қарамасдан, моделниңг мослашиш даражаси мамлакатларнинг маданий ва анъанавий хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда турлича бўлиши мумкин. “Семаул Ундонг”ни хорижий мамлакатларда татбиқ қилиш учун мамлакатнинг барча хусусиятлари инобатга олиниб, маҳаллий шарт-шароитга мослаштириш зарур бўлади.

70-йилларда “Семаул Ундонг” фаолияти шаҳар ва қишлоқ жойлардаги тафовутни қисқартириш бўйича чора-тадбирлардан бошланган бўлиб, у иқтисодий ривожланишнинг биринчи ва иккинчи 5 йиллик режаларидан кўра муваффакиятлироқ чиқди. Кореяда ўша йилларда қишлоқ туманларининг барқарор ривожланишига унинг иқтисодий салоҳияти, яъни оғир ва кимё саноатини фаол ривожлантириш ҳисобига эришилди.

Ҳаракат ўзига кўп омилларни қамраб олди, бироқ улардан учтаси: Ҳукуматнинг аниқ мақсадга қучли интилиши; лойиҳани амалга оширадиган Ҳукумат ва Семаул фаоллари олиб бораётган сиёсатга қишлоқ аҳолисининг ишончи асосий роль ўйнади.

Дунёга танилган “Семаул Ундонг” юқоридаги ҳаракатлардан кескин фарқ қилмайди, аммо уни қўллаш учун биз ҳамкор мамлакат сиёсатини, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хусусиятларини эътиборга олишимиз лозим. Ундаги стратегия ҳар иккала томон учун манфаатли бўлиши мумкин.

“Семаул Ундонг”да ривожланиш стратегиясини қабул қилишга катта амалий эҳтиёж бор. Муваффакиятга эришиш қабул қилинган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш билан узвий боғлиқ бўлади. Лекин муваффакиятли моделли бир нечта қишлоқлар ҳамкор мамлакатлар иқтисодий ривожланишини кескин кўтаришга катта таъсир кўрсата олмайди.

Ҳамкор мамлакатлар “Семаул Ундонг”ни асосий сиёсий ва иқтисодий инфратузилма билан шундай боғлаши лозимки, 70-йилларда Кореяда бўлганидек, уларни бутун мамлакат бўйлаб тарқалишига имкон бўлгандагина ҳақиқий муваффакиятга эришиш мумкин.

Шунинг учун, агарда кишлоқ жойларга йўналтирилган лойиха барқарор ва бутун мамлакат бўйича тарқаладиган бўлса, “Семаул Ундонг” вактинчалик лойиха сифатида якунланмайди. Глобал “Семаул Ундонг”га эришиш бир қатор самара келтириши мумкин. Булар мамлакатда жуда катта ўзгаришларга олиб келади.

Ўзбекистон ҳукумати ва ҳалқига ўзимнинг энг самимий тилакларими ни изҳор этаман. Ишончим комилки, кишлоқларни ривожлантириш инвестиция дастури Ўзбекистоннинг барча йўналишлар бўйича тараққий этишига кўмаклашади.

Луис Альфонсо КАМАРЕРО РИОХА,
Масофали таълим миллий университетининг профессори,
Испания

ҚИШЛОҚНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ-ДЕМОГРАФИК ЎЗГАРИШЛАР: ИСПАНИЯ ТАЖРИБАСИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярми Испанияда қишлоқ жойларни жадал ижтимоий-иқтисодий модернизациялаш жараёни даврини ўтади. Қишлоқ туманлари аҳолиси таркиби ва фаолиятида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

Қишлоқлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари қишлоқ хўжалигидан иқтисодиётнинг қўп тармоқли фаолият турига ўтишдек мураккаб йўлни босиб ўтди. Орадан йиллар ўтиб, ушбу содир бўлган ўзгаришлар, айrim кўзда тутилмаган ижтимоий ўзгаришларга қарамасдан, муваффакиятли ривожланишнинг яққол кўриниши сифатида қаралиши мумкин.

Жадал иқтисодий ўзгаришлар, қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши натижасида бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг демографик таркибида номутаносибликлар кузатилмоқда. Бу борада айrim салбий жараёнлар кескин тус олмоқда. Масалан, қишлоқда ёшлар ва ёш болаларнинг йўқлиги қишлоқ аҳолиси орасида қарилик даражасининг ошишига олиб келмоқда. Узоқда жойлашган аксарият қишлоқ туманлари аҳолиси таркибида 70 ёшдан ошган кишиларнинг улуши 25 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Қишлоқ туманлари аҳолиси жинсий таркибида аёллар озчиликни ташкил этаётгани яққол кўзга ташланмоқда. Бу жараён илмий тилда қишлоқ “маскулинизация”си деб аталади. Ўtkазилган тадқиқотлар бу жараён аёлларнинг юкори дарражадаги эмиграцияси билан боғлиқлигини кўрсатяпти. Бундай вазият аёллар билан эркаклар ўртасида иш топиш имкониятининг турличалиги натижасида содир бўлмоқда. Ушбу демографик ҳолат қишлоқ жойларда аҳолининг табиий ўсиши, оила қуриш ва яшаш шароитини яхшилаш борасида чукур салбий оқибатларга олиб келяпти.

Қишлоқда аграр соҳадан кўп фаолиятли иқтисодиётга ўтиш жараёни оилавий қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги қисқариб, доимий иш ҳаки олувчи аҳоли сонининг ортишига олиб келди. Лекин қишлоқ жойлардаги маҳаллий иш ўрни шароити шаҳардагига қараганда унчалик жозибадор эмаслиги натижасида қишлоқ аҳолисининг муҳим қатлами ҳар йили шаҳарларга ишга кетиши кузатилмоқда.

Умуман олганда, қишлоқ аҳолисининг учдан бир қисми ҳар куни ўзи яшаб турган жойдан бошқа жойларга бориб меҳнат қилиб қайтаяпти. Уларни “коммьюнитерс” (шахар атрофидаги йўловчи ёки маятникли мигрант) деб аташади. Бундан кўриниб турибдики, харакатланувчанлик қишлоқ аҳолисини сақлаб қолишнинг ҳал қилувчи омилларидан биридир. Кундалик харакатланувчанлик натижасида чекланган туманларда аҳолининг камайиши кузатиляпти. Шу маънода, айтиш жоизки, қишлоқ қурилиши аҳолини шаҳарчалар ва қишлоқларда сақлаб қолишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ривожланган коммуникация тизими иккита ҳолатни: ижтимоий-демографик номутаносиблигни ва аҳолининг юқори харакатчанлигини юзага чиқаряпти. Бу икки жараён ҳам меҳнат бозори билан узвий боғланган.

Испания қишлоқ жойларида аҳолининг турғунлиги ва маятникли мигрантларга нисбатан камрок боғланганлиги сабабли айрим узвий алоқадорликларга эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳудудларда якка тартибдаги тадбиркорлар билан иш ҳаки олувчилар ўртасида маълум бир мутаносибликлар мавжуд. Улар ўз хўжалик фаолиятини қишлоқ хўжалиги тадбиркорлиги билан маҳаллий туризм ресурсларидан фойдаланишга ҳамда ўз уйларидағи турист меҳмонларга сервис хизмати қўрсатиш билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилишади. Шаҳарда ишлайтган қишлоқ аҳолиси ва қишлоққа келувчи шаҳарликлар бугунги кунда Испаниянинг энг барқарор ривожланаётган қишлоқ ҳудудларини акс эттиради.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий барқарорлиги кўп жиҳатдан қишлоқ ва шаҳарлар ўртасида бир маромда кенг миқёсли алоқалар ўрнатилиши билан асосланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайтиришга қаратилганлигига

конференция туфайли аник тасавурга эга бўлдик. Шунингдек, мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўргандим, мустақилликка эришилганидан буён амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар билан танишиш имкони яратилди. Ўзбекистон ушбу қисқа вақт ичидаги нафақат оёкка туриб олди, балки барча йўналишларда жадал ривожланмоқда.

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш давомида, хаёлимдан шундай фикрлар кечди, ҳозирги пайтда кўпгина давлатлар ҳам янги қураётган замонавий бинолари, савдо ва бошқа иншоотлари билан мақтана олмайди. Аксарият давлатларда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари сезилияпти. Қурилишга ажратилаётган давлат бюджети маблағлари қисқартириляпти. Ўзбекистонда эса янгидан-янги иншоотлар, хусусий уй-жойлар, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган уйлар барпо этилмоқда.

ХИТОЙДА ҚИШЛОҚ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ислоҳотларнинг дастлабки бошланган даври – 1978 йилдан Хитойда қишлоқ аҳолисининг даромадлари жадал ўсиб борди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган соғ даромад 1978 йилдаги 133,6 юандан 1990 йилда 686,3 юангача, 2000 йилда – 2253,4 юань, 2011 йилда – 6977,3 юангача ўсди.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг истеъмол харажатлари таркиби жиддий ўзгарди. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-бошва уй-жой харажатлари таркибини қараб чиқадиган бўлсак, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли улуши камайиб бораётгани; кийим-кечаклар салмоғи (сезиларсиз камайган ҳолда) барқарор сакланиб тургани; уй-жой харажатлари салмоғи ҳам барқарор, бироқ бироз кўпайганини кўриш мумкин.

Қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароити қулайлиги ортиши, яшаш майдонларининг кенгайиши ва қурилиш сифатининг яхшиланиши кузатилмоқда.

Агар 1980 йил охирида қишлоқ жойларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдони 9,40 кв.м ни ташкил этган бўлса, 2011 йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 36,24 кв.м гача етди.

Курилиш материалларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан таҳлил килинса, ислоҳотларнинг дастлабки босқичида Хитойда темир-бетон конструкцияли (ТБК) уйлар деярли мавжуд бўлмаган. 2011 йил охирига келиб, бундай уйлар сони ғишт-ёғоч конструкцияли уйларга нисбатан тез кўпайиб, бугун ТБК уйлар майдони 1 кишига ўртacha 16,48 кв.м дан тўғри келмоқда.

Хитойда ҳозирги босқичда кишлоқ аҳолиси уй-жой шароитининг ўзгаришига даромад омилидан ташқари бошқа сабаблар ҳам таъсир кўрсатяпти. Масалан, ер жамоа мулки бўлгани ҳамда кишлоқ жойларда янги қурилиш Ҳукумат органлари раҳбарлигида амалга оширилаётгани туфайли, янги уй қуришни хоҳловчи фермер уй-жой қуриш учун майдон ва уйнинг баландлиги ўлчамлари, дизайнни, қурилиш материалларининг сифати, қурувчиларнинг малакасига бўлган талабларни ўз ичига олган таснифлар баён қилинган ариза бериши талаб этилади.

Талабномани кўриб чиқиш жараёнида худуд бошқарувининг режалаштириш ҳамда қурилиш бўлимлари, ер кадастри органи ва бошқа тегишли муассасалар иштирок этади.

Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига Хитойдаги жадал урбанизация жараёни ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ аҳолиси уй-жой қуриш пайтида куйидаги уч хил ёндашувларнинг биридан фойдаланиши мумкин.

Биринчидан, уй-жойни мустақил, якка тартибда қуриши. Уй қуришнинг бундай анъанавий усули кўпчилик қишлоқ худудларида қўлланилади. Бундай усулдан нафақат янги уй қуришда, балки эски уйларни таъмирлаш ва қайта тиклашда ҳам кенг фойдаланилади. Бироқ қурилишнинг бундай тури бир қанча муаммоларга, хусусан, уй-жойларнинг тарқоқ жойлашуви ва қишлоқ ташки қиёфасининг ёмонлашувига олиб келиши, қолаверса, инфратузилма тармоқларини шакллантиришга халакит беради.

Бундай ҳолатни ўзгартириш максадида, айрим миңтақалар қишлоқ жойларда жараённи режалаштириш усули қўлланиляпти. Эндиликда гарчи қишлоқ аҳолиси уйларини ўzlари мустақил қураётган бўлишсада, уйни лойиҳалаштириш, ер участкасини танлаш ва қуриш билан боғлиқ барча жараёнлар Ҳукумат органлари томонидан режали амалга оширилмоқда.

Иккинчидан, жамоавий уй-жой қуриши. Мазкур усул, одатда жамоавий иқтисодиёт кучли тараққий этган қишлоқларда кенг қўлланилади. Ушбу модель бўйича қишлоқнинг жамоавий иқтисодий органлари, аввало, қурилиш жараёнини режалаштиради, сўнг жой танлайди, кейин лойиҳа тайёрлайди, факат шундан кейингина қурилишни босқичмабосқич амалга оширади.

Үй-жой қурилишининг ушбу усули мавжуд ерларни тежаш ва кишлоқда инфратузилма яхши ривожланмаган, жумладан ичимлик суви, электр тармоқлари, йўллар ва кўприклар билан яхши таъминланмаган шароитда, инвестиция киритиш учун зарур маблағ йиғиш ҳолларида афзалликларга эга.

Жамоавий уй-жой қурилиши икки хил усулда амалга оширилади. Биринчиси, жамоа фондлари қурилишни зарур молиявий маблағлар билан таъминлайди, уйлар қуради, кейин уларни деҳқон хўжаликлари орасида тақсимлайди. Бу усул Цзянсу провинциясидаги Хуаси, Хэнань провинциясидаги Нанжие сингари иқтисодий ривожланган кишлоқларда қўлланиляпти. Бунда иқтисодий бақувват қишлоқлар жамоанинг муваффакиятини таъминлаш мақсадида ўзларининг аъзоларини шинам уй-жойлар билан таъминлаш имконини беришни тасдиқлайди.

Уй-жой қурилиши усулининг иккинчисига кўра, жамоа ва унинг аъзолари (фермерлар) уй-жой қуриш учун маблаг тўплайди. Жамоа томонидан тўпланган маблағга ўзига хос субсидия сифатида қаралади. Жамоавий уй-жойларнинг катта қисми шундай усул, яъни субсидиялардан фойдаланган ҳолда қурилади. Ушбу усулининг ўзига хос хусусияти қурилишининг жамоа ва унинг аъзолари томонидан қисман молиялаштиришда намоён бўлади. Бироқ жамоавий инвестициянинг салмоги турли қишлоқларда ҳар хил бўлиб, ҳар бир қишлоқнинг ўзига тегишли иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқади.

Бундай турдаги жамоа маблағлари ёки субсидиялар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ташкил этиш ва бошқаришда муҳим ўрин тутади. Яна бир афзаллиги, уй-жой қурилишини бир жойда самарали жамлаш имконини беради.

Учинчиси, ер ҳарид қилиши ҳаракатларининг Ҳукумат томонидан қопланиши. Хўжалик қурилиши ва урбанизациянинг ривожланиши билан давлат томонидан қишлоқ жойларда ерларни экспроприация килиш ёки илгари фермерларга тегишли бўлган уйларни бузиш зарурати кучаяди ва табиий равишда кўрилган заарни қоплаш мақсадида уларга уй-жой берилади.

Фермерлар қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиб келган ерларини тўла ёки қисман йўқотсалар-да, бундай ерлардаги янги уйлар Ҳукумат томонидан тасдиқланган замонавий лойиҳалар асосида

қурилади. Бундай уйларнинг дизайни, меъморлик услуби ва функцияси шаҳар уйларидағи шароитдан қолишмайди. Ерни экспроприация қилишдаги асосий муаммо – дехқонларга йўқотилган ернинг ўрнини босишидир. Уй-жой ёрдамида заарни қоплаб бериш унинг фақат бир жиҳати ҳисобланади. Бу ердаги энг муҳим вазифа, ерини йўқотган дехқонларга ернинг кайтарилишида қўшилган қийматини тақсимлаб бериш, бандлик ва ижтимоий таъминот муаммосини ҳал этишдир.

Истиқболда Хитойда уй-жой қурилиши ривожланишининг икки хил жиҳати намоён бўлмоқда.

Биринчидан, шаҳарга яқин қишлоқ ҳудудларида урбанизациянинг жадал ривожланиши билан ер участкалари сотиб олиш тартиби такомиллашиб боряпти. Фермерларнинг музокара олиб бориши маҳорати ортмоқда, уларнинг қонуний хукуклари ва манфаатлари янада кўпроқ ҳимоя қилинмоқда.

Иккинчидан, яшаш жойларининг турлари (шахсий, режали ва жамоавий уй-жойлар), қишлоқ жамоа хўжалик ташкилотлари ва фермерлар жамланишининг ўсиши. Ҳамкорликнинг бундай тури қишлоқ жойларда қурилаётган уйлар сифатини ошириш, ердан тежамкорлик билан фойдаланиш, қурилишни илмий режалаштириш, инфратузилма объектлари қуришни кучайтириш, қишлоқ турмуш тарзини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан бир қатор афзалликларга эга.

Келгусида қурилишнинг бундай усулини қўллаб-қувватлаш, муайян иқтисодий жамоавий ташкилотларга, шу жумладан ягона режалаштириш асосида шахсий уй-жой қуришлари учун фермерларга субсидиялар тақдим этиш зарур. Бунинг натижасида тарқоқ ва тартибсиз қурилган уйлардан иборат қишлоқлар сони камайиб бораверади.

ИЖТИМОИЙ ТУРАРЖОЙЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШДА ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ СОХА ҲАМКОРЛИГИ

2003 йилдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Кенгаши қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантиришни рафбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Кенгашда қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш соҳасида қўйилган мақсадларга эришиш учун барча манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Натижада БМТ Қишлоқ Минтақаларини Ривожлантириш Давлат ва хусусий соҳа ҳамкорлиги иттифоқига асос солинди. Бу иттифоқ давлат муассасалари ва бошқа шерикларни бирлаштиришга мөмнун оғизлабди. Бу иттифоқ давлат муассасалари ва бошқа шерикларни бирлаштиришга мөмнун оғизлабди.

Давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги концепцияси қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришга кўмаклашишда техник, молиявий ва технологик ресурсларнинг бирлаштирилиши орқали ўзаро манфаатдорликка эришишга асосланади.

Инвесторлар учун давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги (ДХХ) катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Чунки, анъанавий давлат фондларидан ажратилаётган молиявий ресурсларга нисбатан амалда уларга бўлган талаб анча юқори бўлади. Шу боис аксарият ҳолларда Ҳукуматлар туаржой ва бошқа асосий инфратузилма обьектлари қурилишини молиялаштириш варианtlаридан бири сифатида ДХХга мурожаат этишмоқда.

ДХХ катта афзалликларга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Саъй-харакатларнинг умумий мақсадга бирлаштирилиши натижасида барча ишларни ўз вақтида бажарилиши учун кенг имкониятлар яратилади. Шунингдек, молиявий муаммолар пайдо бўлишининг олдини олиш ва хизмат кўрсатиш савиясини ошириш учун шароит туғилади. Давлат ва хусусий соҳа имкониятларини ҳисобга олган

ҳамкорлик жараёнида ДХХ турли ресурслар, технологиялар, ғоялар ва кўнималардан фойдаланиш имкониятига эга бўлади, бу эса аҳолининг шаҳар инфратузилмаси обьектлари ҳамда хизматлари билан таъминлашишини яхшилайди.

ДХХ аҳолининг шаҳарларга кўчиб кетишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирда одамлар қишлоқ ҳудудларидан истироҳат боғлари, мактаблар, йўллар каби ижтимоий инфратузилма обьектларидан фойдаланиш мумкин бўлган жойларга кўчиб боришаётди. ДХХ инфратузилмани инвестициялаш орқали қишлоқ ҳудудларининг сакланиб қолинишига катта таъсир кўрсатади. Қишлоқ аҳолиси замонавий мактаблар, сифатли йўллар, кўркам истироҳат боғлари ёнида яшаш имкониятига эга бўлгач, уларнинг шаҳарларга кўчиб кетиши сезиларли даражада қисқаради. ДХХсиз бунга эришиш эса анча мураккаб кечади.

Чекланган давлат ресурсларига қараганда жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари анча юкори бўлади. ДХХ эса катта миқдорда маблағ жалб этилишини, кўпчилик одамлар учун ҳар томонлама манфаатдорликни англатади. Қолаверса, бундай ҳамкорликнинг ижтимоий аҳамияти жуда юкори бўлгани учун ҳар қандай муваффақиятсизлик истисно этилади.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, ДХХ ҳам молиявий, ҳам ижтимоий жиҳатдан кўпгина афзалликларга эга. Бироқ муваффақиятга эришишни истасак, барча томонларнинг мақсадлари лойиҳанинг бошиданоқ аниқ белгилаб олиниши лозим. Зотан, жараён ўртасида келишмовчиликларга йўл қўйиб бўлмайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, мазкур конференция уй-жой қурилиши соҳасида фаолият юритаётган йирик компаниялар ва мутахассисларнинг халқаро форумига айланди. У дунё миқёсида катта қизиқишига сабаб бўлаётган “ўзбек модели”, шу асосда иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш йўлида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самараси билан яқиндан танишиш имконини берди. Президентингизнинг чуқур таҳлилга асосланган нуткини тинглаб, Ислом Каримов ҳақиқий етакчи, кучли иқтисодчи эканига яна бир карра амин бўлдим. Жумладан, жаҳон молиявий-иктисодий инқизорини бартараф этишга тўсиқ бўлаётган омиллар, уларнинг оқибатлари ҳақидаги фикрлари, уй-жой

қурилиши борасида аксарият давлатларнинг тарихий тажрибасига оид ҳаётий мисоллари иштирокчиларни мулоҳазага чорлагани аниқ.

Курилиш соҳасида ҳар қандай лойиҳа пишиқ-пухта бўлиши лозим. Бунда мутлақо юзаки ёндашиб бўлмайди. Илгарилари юртингиз қишлоқларида уй-жойлар бош режаларсиз, худудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, шунингдек, халқнинг миллий анъаналари инобатга олинмаган ҳолда курилган экан. Боз устига, туаржойларни барпо этишда қўлбола курилиш материалларидан фойдаланилгани ҳам ўша вактларда инсон тақдирига беписанд муносабатда бўлинганини англатади.

Мамлакатингиз раҳбарияти ана шу муаммоларни бартараф этишда барча жиҳатларни эътиборга олгани диққатга сазовордир. Яъни, туаржой қурилиши бўйича ҳукуқий асослар мустаҳкамлангани, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юклangan. Дастурда тижорат банклари фаол иштирок этаётгани, уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар ихтисослаштирилган инжинииринг компанияси зиммасига юклатилгани кўзда тутилган вазифаларнинг тўлақонли, сифатли бажарилишига хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, бундай бунёдкорликлардан ҳалқ миннатдор, кайфияти чоғ. Янги уй-жойлардаги шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, унинг эгалари билан сұхбатлашгач, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдик. Буларнинг ҳаммаси якуний натижада шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутларни камайтиришга олиб келади.

Чен ЧАНМИН,
“Shanghai Tongshe Architectural Design Institute Co. Ltd”
компанияси вице-президенти,
Бош архитектор ўринбосари,
“Tongji” университети ўқитувчиси,
Хитой Халқ Республикаси

ҚИШЛОҚЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШ ЯНГИ ТАРТИБЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Сўнгги йилларда Хитойда янги қишлоқларни режа асосида лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари олиб бориляпти ва бу қишлоқ ахолисининг турмуш тарзи яхшиланишига олиб келмоқда. Шунга қарамасдан, янги қишлоқларни қуриш жараёнида баъзи бир муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, қишлоқ хўжалиги ерларини қурилиш жойларига айлантирилиши туфайли фермерлик фаолияти учун экин майдонлари қискариб, уларнинг даромадлари камаймоқда. Бу, ўз навбатида, қурилиш ишларини режалаштиришга бўлган ёндашувни ўзгартиришни талаб этади. Бунда фермерлар учун янги иш ўринлари яратиш масалаларидан бошлаб, уларнинг даромадларини оширишгача барча жиҳатлар ҳисобга олиниши керак.

Қишлоқ худудларини режалаштиришдаги янгича ёндашувлар: фермерларга янги иш ўринларини тақдим этиш, шаҳар ва қишлоқ ахолиси даромадларидағи фарқни камайтириш мақсадида ахоли даромадларини ошириш масалаларини ўз ичига олади.

Хусусан, Ўзбекистонда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиш, ахоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилаёттир. Қишлоқ жойларни ривожлантиришда ахоли учун уй-жойлар қуриш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш ишларининг комплекс тарзда амалга оширилаётгани мухим аҳамият касб этади. Мамлакатингизда бу соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олис қишлоқ

ва овуллар қиёфасини ҳам бутунлай ўзгартириб юбормоқда. Шу боис Ўзбекистонда амалга оширилаётган бундай кенг қўламли бунёдкорлик ишларига кизиқиш катта.

Хитойда эса шу каби лойиҳа Хэнань вилоятида амалга оширилаяпти, унинг аҳамиятли жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Лойиҳа хақида қисқача маълумот. Хэнань вилояти Хуанхэ дарёсининиг қуи оқими ва Хитойнинг шарқий қисмида жойлашган. Ушбу ҳудуд дон, пахта, ёг-мой, тамаки ва шу каби бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда озиқ-овқат саноати ривожланиш даражаси бўйича мухим ҳудудлардан ҳисобланади.

Лойиҳани амалга ошириш Хэнань вилояти Нанъянг шаҳри Хинье ҳудуди раҳбариятига топширилган бўлиб, у иккиласмчи ва учламчи қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, фермерлар бандлигини ошириш, тадбиркорликнинг алоҳида турларини яратиш ва аҳоли яшаш шароитини яхшилашга қаратилган.

Режанинг асосий мақсади – қишлоқ аҳлига ишга жойлашиш имкониятларини яратиш, фермерлар даромадини оширишга қаратилган. Бунинг натижасида қурилиши кўзда тутилган ҳудуддаги зич жойлашган, кўп қаватли бизнес марказлар ва ички ҳовлиларга эга бинолар шаҳар қиёфасини олмоқда. Ҳар бир уй-жой гурухлари (массивлари) ўзларининг ҳовли майдонларига эга бўлади. Қишлоқ аҳолисига чиройли ландшафт шароитлари яратилади.

Савдо майдонлари атрофида 40 кв.м ҳудуднинг автомобиль тўхташ жойлари учун ажратилгани эса ҳаракатланиш имкониятларини оширади.

Мазкур лойиҳа икки ва уч қаватли тижорат биноларини қад кўтарилишидаги дастлабки қадамdir. Қишлоқларда уй-жой қурилишининг бу янги тартиби савдо шоҳобчалари учун маҳсус ҳудудларни ташкил этишга йўл очиб бериш орқали хусусий тадбиркорлик ва янги даромад манбаларининг пайдо бўлишига шароит яратиб беради. Барпо этилган тижорат расталари ва ҳар бир хонадонга хизмат қилиши мумкин бўлган яшил ҳовличалар билан таъминланган янги аҳоли тураржойлари шаҳар турмуш мухитини яратади.

Лойиҳанинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти. Қишлоқ уй-жой қурилишининг янги тартиби фермерларни уй-жой ва яқин бозорлар

билан таъминлаш, уларнинг бандлигига ва даромадларининг ошишига қаратилган.

Шу билан бирга, қишлоқ аҳолисининг яшаш муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган қишлоқ уй-жой қурилишини режалаштириш бизнес мухитни яхшилашга, қишлоқ хизмат шохобчалари жамланган маҳсус ҳудудлар яратишга ва шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолиси даромадлари ўртасидаги фарқнинг камайишига хизмат қилади.

Биз шундай режалаштириш моделини яратмоқчимизки, унда маҳаллий аҳолининг бизнес-хизматларга бўлган барча талабларини тўлиқ кондиришга қодир бўлган савдо дўконлари бўлиши керак. Улар аҳолининг қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига, энг зарур истеъмол молларига, шу жумладан майший жиҳозлар, кийим-кечаклар ва бошқа товарларга бўлган талабини тўлиқ таъминлаши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўша жойнинг ўзида сотишни йўлга қўйиш эса транспорт харажатларини камайтиради. Бундай модель доирасида маҳаллий урф-одат ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда савдо жиҳозлари ишлаб чиқарадиган маҳсус устахоналар ҳам қуриш мумкин.

Хитойдаги ислоҳотлар пайтида мамлакат иқтисодий ривожланишини харакатлантирувчи кучи сифатида асосий эътибор кўпроқ шаҳарларни ривожлантиришга қаратилди. Бу эса қишлоқ жойлардаги ижтимоий-иктисодий аҳволнинг танглашувига ҳамда шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқларнинг ўсишига олиб келди. Давлат томонидан макроиктисодий мухит устидан назорат қилиниши ва бозор механизмларининг жорий этилиши сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги билан боғлик фаолият турларининг ривожланишига ва фермерлар даромадларининг ошишига олиб келди. Аммо аҳоли жон бошига даромадлар шаҳарларда нисбатан тез суръатлар билан ўсиб боряпти, қишлоқларнинг ривожланиш кўрсаткичлари эса орқада қолди. Натижада, кўплаб фермерлар ушбу фаолият туридан воз кечиб, маятник шаклидаги мигрант-ищчиларга айлана бошлиди.

Фермерлик фаолияти жозибадорлигини ошириш ва уларнинг қишлоқ хўжалик ерларини сақлаб қолиш мақсадида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини иложи борича камайтириш, фермерлар даромадини оширишга кўмаклашиш лозим бўлиб қолди. Натижада савдо харажатларини камайтириш, фермерларга ўз маҳ-

сулотларини яқин орадаги савдо марказларида сотиш ва фермерлар оиласынан бизнесини йүлгө күйишларига күмаклашиш, уларнинг шахсий даромадларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа вазифаларни қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш моделларига таянган ҳолда амалга ошириш Хитой Халқ Республикасининг беш йиллик режасига киритилди.

Хулоса. Фермерлар учун қишлоқ жойларда янги уй-жой қурилишининг аҳамияти нафақат уй-жой ва йўлларнинг пайдо бўлишида, балки фермерларнинг бандлик муаммосини ечиш, даромадларини ошириш ҳамда туб маънода шаҳар ва қишлоқ хаёт тарзини моддий ва маънавий томондан яқинлаштиришда намоён бўлади.

Сўнгти йилларда янги қишлоқлар қурилиши натижасида аҳоли яшамайдиган уй-жой бинолари, бўш кўчалар ва майдонлар камайиб боряпти. Айни пайтда, келажакда бандлик ва даромадларни ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг янги ечимини топиш лозим. Шунинг учун, биз қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уларнинг нархларини пасайтириш орқали шаҳар бизнеси билан рақобатлаша оладиган қурилиш ишларини амалга оширишимиз лозим.

Бир тарафдан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш имконияти, иккинчи тарафдан, тураржой яқинидаги олди-сотди алоқаларини кенгайтирган ҳолда маҳсулотни сотиш тадбирлари бандлик муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бу модель шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги тафовутларни қисқартириб, ижтимоий ривожланишнинг асосини ташкил этмоқда.

ҚИШЛОҚЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МИНТАҚАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛОВЧИ КЎРСАТКИЧ СИФАТИДА

Иқтисодий тенгиззлик нисбатан кучли бўлган аксарият ривожланаётган мамлакатларда ахолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истикомат қиласди. Шу боис бу мамлакатларда қишлоқларнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш самарали ижтимоий-иктисодий ривожланишга олиб келади. Қишлоқларни комплекс ривожлантиришга йўналтирилган таркибий ислоҳотларга таъсир этувчи омилларни минтақавий ривожланиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиши лозим.

“Минтақавий ривожланиш” тушунчаси мамлакатнинг алоҳида минтақалари ривожланишига нисбатан кўлланилади. Айни пайтда, минтақавий ривожланиш умуммиллий ривожланишнинг узвий, ажралмас қисми сифатида ҳам тушунилади. Мамлакатнинг узоқ ва чекка ҳудудлари ҳам давлатнинг умумий ривожланишига кўп жихатдан боғлиқ. Шунинг учун, алоҳида бир минтақа яхлит мамлакатнинг узвий таркибий қисми эканлигини, ўзаро боғлиқлигини назарда тутиш керак.

Минтақавий ривожланиш жараёни иштирокчилари бўлган давлат, ташкилот, муассаса, оила ва алоҳида шахс иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда ўзаро бир-бирлари билан алоқада бўлади. Минтақавий ривожланишда ҳам худди умумдавлат миқёсида бўлгани каби минтақа иқтисодиёти, ижтимоий ва маданий муносабатлар, ердан фойдаланиш, ҳисоб-китоблар тизими, институционал ислоҳотлар ва маъмурий бошқарув соҳаларида турли таркибий ўзгаришлар муҳим роль ўйнайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) дастурига мувофиқ, минтақавий ривожланиш узоқ вақт мобайнида ҳудуддаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни ўз ичига олувчи минтақавий (субминтақавий) миқёсдаги миллий ривожланиш ҳисобланади.

Турли минтақалардаги ижтимоий-иктисодий муаммоларни алоҳида ҳал этиб бўлмайди, бироқ миллий даражада минтақавий

ёндашувлар асосида ҳар бир минтақани истиқболда ривожлантириш бўйича самарали чоралар қўллаш лозим бўлади.

Марказ – чекка худуд муносабатларида юқори иқтисодий самара берадиган ресурсларни жалб этиш мухим ўрин тутади. Нефть ва газ, тоғ-кон саноати каби етакчи тармоқлар билан бир қаторда, қурилиш, сайденсизлик каби соҳалар ҳам чекка худудларни гуллаб-яшнаётган ўлкаларга айлантиради. Чекка худудлар салохиятини ошириш ва у ерда юқори иқтисодий ўсишга эришиш учун муайян вақт давомида қурилиш саноати, инфратузилма, асосий воситалар билан таъминлаш ва хизмат кўрсатиш каби йўналишлардаги лойиҳаларда бевосита давлат иштирокини таъминлаш зарур. Айни пайтда, сиёсий чораларни қўллаш, жумладан, имтиёзлар, жойларда назорат ва ёрдам, оиласалар ва айрим тоифадаги фуқароларнинг истак ҳамда муаммоларини ҳал этиш орқали давлатнинг билвосита иштирокини ҳам таъминлаш ўринли бўлади.

Курилиш соҳаси етакчи омил сифатида мамлакатнинг барча минтақаларида самарали иқтисодий ўсишни қўллаб-куватлашга кўмаклашадиган худудий тузилма моделини жорий этиши мумкин. Зеро, миллий иқтисодиётнинг ўсишида қурилиш соҳаси ялпи иқтисодиётга нисбатан тез суръатлар билан ўсади. Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий қолоқлик қурилиш соҳасидаги чекловлар оқибатида уй-жой, инфратузилма ва моддий таъминот тизимидағи етишмовчиликлар билан боғлик. Қурилиш тармоғини миллий ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асоси, деб айтиш мумкин.

БМТнинг аҳоли пунктлари Маркази (Habitat) маълумотларига кўра, сўнгги 10 йил ичida жаҳондаги деярли барча мамлакатларда аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича кўпгина хайрли ишлар килинган бўлса-да, бироқ миллионлаб кишилар ҳамон уй-жойсиз ёки ёмон шароитдаги уйларда яшаб келишмоқда. Агар ушбу муаммонинг ечими бўйича инқилобий ўзгаришлар рўй бермаса, 2025 йилгача бу кўрсаткич уч баробар ошиб кетиши мумкин. Бундай кўп сонли аҳолини бошпана билан таъминлаш – қурилиш соҳасининг кейинги асрда ҳам асосий муаммоси бўлиши шубҳасизdir.

Сўнгги йигирма йил ичida технологияларнинг жадал суръатлар билан ўзгариши ривожланаётган мамлакатларда қурилиш сифатининг

яхшиланишига олиб келди. Айни пайтда унга боғлиқ бўлган бошқа тармоқларда, хусусан, қурилиш материаллари саноатида айрим муаммоларни келтириб чиқарди.

Қурилиш соҳаси янги замон талабларига бардош бера олиши учун технологик янгиланишга эҳтиёж сезмоқда. Ҳар бир мамлакат ўз ривожланиш даражасидан қатъи назар, дунёда содир бўлаётган ўзгаришларни инобатга олиб, унга баҳо бера олиши лозим. Шу билан бирга, мамлакат қурилиш тармоғи технологик мухитдаги ўзгаришларга тез мослаша олиши керак. Ушбу тармоқ қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишсизлар бандлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга. Қишлоқлардаги паст малакали ишчилар қурилиш учун жуда мос келади. Шунинг учун, ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ қурилиши салоҳиятини тўла юзага чиқариш учун бундай технологиялар зарурый омил бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширувчи ёки қўп меҳнатталаб технологиялардан бирини танлаш орқали қурилиш соҳаси нафақат инфратузилма элементлари билан таъминлаш орқали қишлоқ жойларнинг ривожланишига, шу билан бирга аҳоли бандлиги ва даромадларининг ошишига ҳам катта ёрдам беради.

Ривожланаётган мамлакатларда қурилиш секторининг замонавий экологик муаммолари турли даражада. Материал ишлаб чиқарувчилар ва қурувчилар кўпинча анъанавий, энергия тежамкорлиги жихатидан самарасиз, эски ускуналарни, тез ифлослантирувчи технологияларни қўллашади. Қўп ҳолларда тоза ва тежамли ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўйича ходимларнинг билим даражаси паст. Шу билан бирга, сармоянинг етишмаслиги ҳам аҳволни яхшилашга халақит бермоқда. Чиқиндилар, оқова сувлар, шовқин-сурон, бино ичидаги ҳавонинг ифлосланиши, айрим қурилиш материалларининг инсон соғлиғи учун заарли хусусияти экологик муаммолар сирасига киради. Барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда халқаро жамоатчиликнинг фаол аралашуви туфайли қурилиш соҳасидаги фаолиятни назоратга олиш ва бошқариш бўйича тартиблар жорий этилди. Унга кўра корхоналар табиий ресурсларнинг йўқотилиши ва атроф-муҳит ифлосланишига йўл кўйилмаслиги лозим бўлади. Қурилиш ишлари суръатларини пасайтирумасдан ёки унинг айрим

турларини тұхтатиб құймасдан барқарор иқтисодий үсишни таъминлаш бу соҳадаги асосий муаммо хисобланади.

Минтайкавий тараккиётни белгиловчи күрсаткич сифатида яратувчанлик, ижод қилиш ва инновацион салоҳиятни ошириш тегишли технология ва соф ишлаб чиқариш билан бирга қурилиш соҳасини истиқболдаги ривожланиши бўйича муҳим вазифалардан биридир. Аҳоли тураржойларини ривожлантиришда инновацион технологияларни ўзлаштириш – ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан боғлик ҳар қандай дастурни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Инновацион технологияларни жорий қилиш юкорида қайд этилган ўзгаришларни хисобга олиш билан чекланиб қолмасдан, инновацияни қўллаш учун қурилиш жараёнида узлуксиз янги маълумотлар йигиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Фан ва технология соҳасида юқори самараға эришиш учун аксарият ривожланаётган мамлакатлар қурилиш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида тегишли муассасалар, университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокини кўллаб-кувватлашлари лозим.

Европа таълим ассоциацияси раиси сифатида ривожланаётган мамлакатларнинг инновацион ва технологик ривожланишига янги турткы беришда Европа мамлакатлари ҳамкорлиги ва кўллаб-кувватлаши бўйича куйидаги стратегияларни қабул қилдик:

- ривожланаётган мамлакатларда инновацион фикрлашни шакллантириш бўйича таълим соҳасига кўмаклашиш;

- ривожланаётган мамлакатлар университетларига нафакат олий ўқув юртлари сифатида, балки фан ва технологияларни ҳамда барқарор иқтисодий үсишга кўмаклашадиган технологияларни ривожлантириш маркази сифатида ёрдам бериш;

- бир томондан, ривожланаётган мамлакатларда университетлар, фан ва технология марказлари ҳамда саноат корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни, иккинчи томондан эса, Европа мамлакатларида адолатли, ҳаммабоп ва барқарор юксалишни рағбатлантириш;

- иқтисодий барқарорлик йўлида фан ва технологияларни ривожлантириш учун ютуқ ва тажрибалардан биргаликда фойдаланиш ҳамда ахборот алмашиш соҳасига ривожланаётган мамлакатлар ҳамкорлигини рағбатлантириш.

Кристоф ВАШЕР,
Урбанизация ва шаҳарларни янгилаши
олий институти директори,
Бельгия

ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Қишлоқ жойлар киёфасини тубдан ўзгартириш масаласи бизнинг хоҳишистакларимиздан қатъи назар, муҳим аҳамиятга эга.

ХХ асрда жаҳон аҳолиси 1 миллиард нафардан 6 миллиардгача ўсди. Дунё аҳолисининг ярмидан кўпи шаҳарларга кўчиб кетгач, ўз-ўзидан жами аҳолини боқиши мажбурияти қолганлар, яъни шаҳарларга кўчиб кета олмаганлар зиммасида қолди.

Бугун ер қурраси аҳолисининг ярмидан камроғи жами аҳоли эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Баъзи олимларнинг фикрича, бу нисбатнинг ўзгариши одамзоднинг палеолит давридан неолит даврига ўтиш замонидан бошлаб, кескин ўзгара бошлади.

Ғарбий Европа ва АҚШ қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолининг атиги 2 фоиздан камроғи банд. Энг қизиги, Европа ва Америка фуқароларининг аксарияти озиқ-овқат маҳсулотларини нафақат табиий эҳтиёж, балки Ҳукумат томонидан таъминланиши кафолатланган хукуқлари, деб ҳисоблайди.

Ғарб мамлакатлари қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш масалаларида анча илгарилаб кетган. Бу ҳолат нафақат ҳар бир инсонни боқиши мақсадига эришиш (бунга ҳам ҳали эришилмади), балки саноат инқилоби юз берган даврда молиявий мезонларни барча фаолият турларига, шу жумладан, қишлоқ хўжалиигига нисбатан ҳам қўллаш мумкинлиги билан боғлиқ. Шу билан бирга, Ғарб мамлакатлари бошқа давлатларга, хусусан, жаҳон савдоси жараёни орқали турли стандартларни белгилаб берди. Юз йиллардан ортиқ давр мобайнида

улар илдам саноатлаштириш орқали иқтисодий жиҳатдан етакчилик қилди. Аммо бу жараённинг глобал миқёсда жадал ривожланиши ушбу мамлакатлар ва қолган дунё ўртасидаги фарқ тобора қисқариб бормоқда.

Кишлоқ хўжалигининг саноатлашуви ва технологик ривожланиши илмий изланишлар билан бир вактнинг ўзида вужудга келди. Бу йилдан-йилга ўсиб бораётган дунё аҳолисининг аксарият қисмини боқиши имконини берди ва ўз навбатида, аҳоли сони ортишига сабаб бўлди. Бу жараёнлар аста-секин атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, дунё аҳолисини товарлар билан таъминланишидаги етишмовчиликларга, сахролар пайдо бўлиши ва иклим ўзгариши каби экологик фожиаларга сабаб бўлмоқда. Кишлоқ хўжалиги саноатлашувининг кенгайиб бориши саноат ишлаб чиқаришнинг салбий оқибатлари билан бир хил: атроф-муҳит ифлосланиши, турли сабабларга кўра аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви, ўлим кўрсаткичларининг ошиши, бекарорлик ва бошқалар. Бундай ўзгаришлар инсонларнинг яшаш тарзига, қаерда ва қандай яшашига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Бугунги муаммоларни тўла англаб етиш ушбу жараёнларни ривожлантиришга комплекс ёндашувни талаб қиласди. Энг аввало, қишлоқ жойлардаги муаммоларга, ижтимоий уй-жой қурилиши ва иқтисодий (ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва уларни молиялаштириш) масалаларга асосий эътибор қаратилиши лозим.

Имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда, ривожланиш ҳакида ўйлаб қуриш қатор камчиликларнинг олдини олади. Биз ўзгаришлардан кўрқаслигимиз, улардан жабр кўрмаслигимиз лозим. Бунинг учун олдиндан кўра билишимиз, прогноз қила олишимиз керак.

Ўтмишда мавжуд бўлган қишлоқ тузилмасининг ички ижтимоий ташкилоти йўқолганини тан олишимиз ўринли бўлади. Глобал ва маҳаллий шароитларга келсак, замонавий уй-жой қурилиши ўз-ўзидан саноат ишлаб чиқариши, қурилиш саноатини жадал ривожланишига туртки бериши мумкинлигини ҳеч ким кафолатламайди. Бироқ, келгуси ўн йилликда фермалар, маҳаллий бозорлар тармоқлари, уй-жойлар ва қишлоқларнинг ижтимоий тузилишида ўзгаришларни бошдан кечиради.

Кишлоқ уй-жой қурилиш фаолиятини тубдан ўзгартиришга бағищланган глобал режанинг бир қисми сифатида қаралиши керак.

Бундай режага қишлоқ соҳасидаги фаолият ва таълим турларини тақсимлаш ҳам киради.

Глобал режа жорий ва келажақдаги вазифаларни ҳал этиш ва жойларда маҳаллий ахоли фаровонлигини яхшилаш билан бир пайтда, мавжуд маҳаллий шарт-шароитларда ўз аксини топмоғи лозим. Бошқача қилиб айтганда, режани амалга ошириш жараёни жадал ривожланиши учун унинг моҳияти маҳаллий, маданий ва анъанавий андозаларига мос келиши керак. Масалан, “Zeitgeist” ва “Volksgeist” харакатлари шундай тамойилларнинг бир кўринишидир.

Шу сабабли қишлоқдаги фаолият, ижтимоий тузилиш ва бошқа ижтимоий соҳалар (шунийгдек, ишлаб чиқариш) билан тўқнашиш имкониятлари ҳакида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш фойдадан холи эмас. Зеро, шундагина қайта ўзгартириш асослари ва имкониятларини тошиш мумкин. Келгусида қишлоқ уй-жойлари бундай жадал ва мураккаб тубдан ўзгариш жараёнларининг бир қисмига айланади. Замонавий қишлоқ уй-жойларининг таркиби ва типологияси, ҳуқуқий негизини ва давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тадбирларининг мақбул ҳисобкитобларини амалга ошириш зарур бўлади.

Куйида келтирилган вазифаларга эришиш учун, қишлоқ уй-жойларининг замонавий модели қишлоқ жойларни тубдан қайта ўзгартиришдек кенг кўламли жараён доирасида қаралмоғи лозим:

- хизматлар соҳасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш ва одамлар дунёкарашини ўзгартиришнинг асосий омиллари;
- қурилиш соҳаси ва саноат ишлаб чиқаришни жадал ривожлантирувчи куч;
- янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш;
- инвесторлар учун қишлоқ жойлари жозибадорлигининг ортиши.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Қишлоқ жойларда уй-жой қуриш индустрияси иқтисодиётда мұхим ақамияттаға эга. Ҳар қандай қурилиш маңсулоти, бу ижтимоий ёки савдо биноси, уй-жой, инфратузилма ёки йүл қурилиши бүләдими, иқтисодиёттің барқарор ривожланишини таъминлашға катта таъсир күрсатади. Бундан ташқари, бино ва инфратузилма объектлары қурилишининг атроф-мухиттеге салбий таъсирини кескин камайтириш га эришиш лозим. Бу борада лойиҳалаштириш ва қурилиш усулдарини үзгартиришимиз керак.

Қишлоқ ҳудудларидан қурилаётган уй-жойлар мамлакаттің гуллаб-яшнаши ва иқтисодиёт рақобатдошлигини оширишга катта ҳисса қўшади. Замонавий ва самарали инфратузилма меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади. Қурилиш тармоғи эса инфратузилмани инновациян ва иқтисодий жиҳатдан самарали усуллар билан қуришни таъминлашда мұхим ақамият касб этади.

Корхоналар рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш мақсадида: автомобиль ва темир йўллари, электр станциялари, телекоммуникация инфратузилма тармоқлари ҳолатига жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки, инвесторлар корхонани ташкил этишда унинг жойлашувига, инфратузилманинг сифатига энг асосий омил сифатида қарашади. Меҳнат унумдорлиги яратилган шароитлар ва атроф-мухит самарадорлигига ҳам боғлик. Иш кучининг мослашувчанлиги, ҳаракатчанлиги, серунумлиги ва корхоналар самарадорлиги тураржой ва биноларнинг географик жиҳатдан тўғри жойлаштирилганлиги ҳамда қурилганлигига бевосита боғлиқидир.

Антрапоген муҳитни лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш ресурслардан фойдаланиш суръатига кўрсатадиган таъсири билан ҳам мұхим иқтисодий ақамият касб этади. Ушбу бино-

ларга мамлакат ҳудудида атмосферага ажралиб чиқаётган углерод чиқиндиларининг ва иқтисодиётда фойдаланилаётган сувнинг ярми, умумий чиқиндиларнинг учдан бир, хомашёларнинг тўртдан бир кисми тўғри келади. Инфратузилмани самарали лойиҳалаштириш барқарор ўсишни таъминлашда марказий ўринни эгаллади.

Замонавий уй-жойлар илмий тадқикотларнинг янада ривожланиши, билим ва қўнималарни кейинги авлодга етказиб бериш учун кенг шароитлар яратади. Инновацион режаларга асосланган қишлоқ уй-жой курилиши тадқикот дастурлари ҳамда дизайн бўйича танловлар асосида мустахкам бинолар барпо этиш мумкин. Уй-жой куришда бир қатор муаммоларни, хусусан, тураржой бинолари курилишида технологияларнинг сўнгги ютукларини қўллаш, иқлим ўзгаришларига чидамли материалларни ишлаб чиқариш, курилишда янги материаллар ва компонентлар ишлатиш, уй курилиши жараёнида бошқарув ва технологик инновацияларни яхшилаш каби масалаларни ҳал килиш имконини беради.

Ҳозирги вақтда қайта тикланадиган курилиш материалларидан фойдаланиш саноати ривожланмоқда. Бундай материаллардан фойдаланиб, кулай экологик хусусиятга эга бўлган биноларни куриш мумкин.

Улардан фойдаланишнинг умумий таъсирини, хомашёларни қазиб олиш ва қайта ишлашдан то фойдаланишдан чиқариш ва утилизация босқичигача бўлган жараёнларни ўз ичига олишини аниқ тушуниб олиш зарур.

Шунинг учун келгусида қуйидаги йўналишларга асосий эътибор қаратилиши лозим:

- курилиш конструкциялари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш жараёнида чиқиндиларни камайтириш тамойилини қўллаш;
- курилиш материаллари ҳаёт циклини доимий баҳолаб бориш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали билимлар базасини яхшилаш;
- чиқиндилар бўйича сифатли маълумотларни олиш;
- зарур бўлмаган ва кераксиз чиқиндиларни алмаштириш ёки қайтариш учун шароитлар яхшилаш.

Уй-жой курилиши секторида фойдаланиш учун пишиқ ва мустахкам материалларни танлаш бўйича келгусида жиддий ишлар қилиниши лозим.

Курилишда экологик тоза материаллардан фойдаланиши кенгайтириши қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини яхшилаш мақсадида қўшимча омиллар ва механизмларни ишлаб чиқиш борасида Ҳукумат ва саноат ўртасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатилиши ўта муҳимdir.

Ушбу йўналишларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Ўзбекистоннинг қишлоқларни обод қилиш, қишлоқ аҳолиси уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш, уларнинг турмуш сифатини ошириш зарур. Лойиҳаларни амалга ошириш мамлакат аҳолиси бандлиги ошишига таъсир қиласи, унинг индустрисал ривожланишига хизмат қиласи. Келажакда таълим соҳасини такомилаштириш ва бошқа мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш учун малакали кадрлар масаласини ҳал қиласи. Барча таркибий ўзгартириш ва ислоҳотлар натижаларини ўзингда яхши тасаввур қила олсанг, танланган йўлни қандай босиб ўтишни биласан. Шунинг учун, давлат раҳбарининг оқилона сиёсати ўз мевасини беради. Кўп асрлик бой тажриба, ҳалқнинг буюк имкониятлари ва ўсиб келаётган баркамол авлоди бор бўла туриб, бу амалга ошмаслиги мумкин эмас.

ХИНДИСТОНДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА ҲУКУМАТ ДАСТУРЛАРИ

Хиндистонда қишлоқ жойларни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг асосий омили ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиёти биринчи навбатда қишлоқ хўжалигига асосланган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 1/5 қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Агарар тармоқни ривожлантириш мақсадида Ҳукумат томонидан ушбу ҳудудларни ривожлантиришга қаратилган бир қатор дастурлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Хиндистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазирлиги аграр соҳани ривожлантиришга йўналтирилган Ҳукумат сиёсати, меъёрий хужжат ва қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича асосий орган ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, балиқчилик, паррандачилик, сут маҳсулотлари етиштириш қишлоқда бизнес ва хўжалик юритиш фаолиятининг асосини ташкил этади.

Мамлакат Ҳукумати томонидан штатлар Ҳукуматлари ва Панчаят Радж муассасалари (PRI) билан ҳамкорликда “Bharat Nirman” лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши қишлоқ хўжалиги соҳасини яхшилаш йўлида қўйилган мухим қадам ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Қишлоқ ҳудудларида иш билан таъминлашнинг давлат кафолатлари тўғрисида”ги 2005 йилда қабул қилинган Қонун қишлоқ жойларда аҳолининг яшаш шароитлари ва тирикчилик учун зарур бўлган воситалар таъминотини яхшилаш мақсадида қабул қилинган эди.

Хиндистон мустакилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб умумхалқ фаровонлигини оширишга асосий эътиборни қаратиб келмоқда. Ҳукумат аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни асосий мақсади қилиб қўйган. Қишлоқ ҳудудларида қашшоқлик

кўламини қисқартириш мақсадида ишлаб чиқилган стратегия ва дастурлар Ҳиндистонда режали ривожланишнинг дастакларидан бирига айланди.

Қашшоқликни қисқартириш стратегияси ўсиш жараёнида иш билан таъминлаш имкониятларини оширишга асосланади.

Қашшоқлик, саводсизлик, касалликлар ва тенгсизликни бартараф этиш, юқори турмуш сифатини таъминлаш – ривожланишнинг барча режаларини ишлаб чиқишида асосий устувор вазифага айланди.

Дастлабки даврдан бошлаб тараққиётнинг устувор йўналишлари сифатида асосий эътибор қишлоқ хўжалиги, коммуникациялар, таълим, соғлиқни саклаш ва ушбу тармоқлар билан боғлиқ соҳаларга қаратилган эди. Бирок кейинчалик жадал ривожланиш борасида Ҳукумат тадбирлари ижроси фақат энг куйи даражада аҳолининг бевосита ва билвосита иштироки билан амалга оширилиши мумкинлиги маълум бўлди. 1952 йил 31 марта Режалаштириш вазирлиги ҳузурида қишлоқ ривожланиш дастурларини бошқаришга ихтисослашган Жамоат лойиҳалари маъмурияти тузилди. 1952 йилнинг 2 октябрида бошланган Жамиятни ривожлантириш дастури эса қишлоқ жойларни ривожлантириш тарихида муҳим роль ўйнади. Йиллар давомида ушбу дастурга кўплаб ўзгартиришлар киритилиб, турли вазирликлар томонидан қайта ишланиб борилди.

Номи бир неча маротаба ўзгартирилган Қишлоқ тараққиёти вазирлиги қашшоқликка қарши кураш, янги иш ўринлари яратиш, инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий таъминотга қаратилган дастурларни кенг кўламда амалга ошириш орқали қишлоқ туманларида содир бўлаётган ўзгаришларга таъсир қилувчи ўзига хос катализатор вазифасини ўтади. Ўтган даврда дастурларни амалга ошириш тажрибасидан ва камбағаллар эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда, мавжуд бир қанча дастурларга ўзгартиришлар киритилди хамда янгилари қабул қилинди. Ушбу вазирликнинг асосий мақсади қишлоқ жойларда қашшоқликни камайтириш ва қишлоқ аҳолиси, айниқса, аҳолининг ўта қашшоқ қатламишнинг турмуш сифатини оширишни таъминлашга қаратилган. Ушбу мақсадларга аҳоли даромадларини оширишдан тортиб, атроф-муҳит тўловларига қадар бўлган қишлоқ

турмуши ва фаолияти турли соҳаларига дахлдор дастурларни шакллантириш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали эришилган.

Иктисодий ислоҳотлар жамиятнинг барча катламларига қартилганлигини кафолатлаш мақсадида кишлоқ жойларда аҳоли турмуш сифатини яхшилаш учун зарур бўлган ижтимоий-иктиносий инфратузилманинг соғлиқни сақлаш, таълим, ичимлик суви, уй-жой ва йўллар курилиши сингари асосий бешта элементи белгилаб олинди. Ушбу соҳаларда амалга оширилаётган сайд-харакатларга туртки бериш учун Ҳукумат турли дастурларни амалга оширишга киришди.

Тўққизинчи иктиносий ривожланиш режасини амалга ошириш даврида қашшоқликка қарши кураш бўйича бир қанча дастурларга ўзгартиришлар киритилди. Бунинг асосий мақсади кишлоқ аҳолиси турмуш тарзини яхшилаш учун ушбу дастурларнинг самарадорлигини оширишдан иборат бўлди.

Махаллий аҳоли эҳтиёжлари ва талабларини инобатга олиб, Панчаяти Радж муассасалари дастурларни амалга оширишга жалб этилди ва ушбу муассасалар марказлашмаган ривожланишни режалаштирувчи ҳамда уни амалга оширувчи асосий ташкилот бўлиб қолди. Вазирлик Ҳиндистон Конституциясига киритилган 73-ўзгартиришида кўзда тутилган зарурий Панчаят Радж муассасаларининг бошқарув ва молия ваколатларини штатлар Ҳукуматларига топшириш билан ҳам шуғулланди. 2002 йил 25 декабрда Ичимлик суви секторида Панчаяти Радж муассасаларига “Ичимлик суви” лойиҳаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш, ишга тушириш ва хизмат кўрсатиш ваколатини берувчи “Swajal Dhara” дастури иш бошлади. Ривожланиш жараёнларига Панчаят Радж муассасалари дастурларини янада кенгрок жалб этиш мақсадида 2003 йилнинг 27 январида мамлакат Бош вазири томонидан “Hariyali” ташабуси жорий қилинди. “Hariyali” Панчаят Радж муассасаларини Бўш ётган ерларни ривожлантиришнинг комплекс дастури (IWDP), Қурғокчиликка мойил ерлар дастури (DPAP), Чўлларни ўзлаштириш дастури (DDP) каби сув тақсимоти тармоғига дахлдор дастурларни амалга оширишга жалб этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Кишлоқ аёллари хуқуqlари ва имкониятларини кенгайтириш, уларни иктиносий ўсишни таъминлашга жалб этиш Ҳиндистон

қишлоқ жойларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Конституцияга 1992 йилда киритилган ўзгартириш аёллар учун сайлов йўли билан тайинланадиган мансабларга квота ажратилишини кўзда тутади. Унга мувоғик иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий тенглик каби турли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни бажариш мажбурияти Панчаят Радж муассасалари зиммасига юклатилган. Шунингдек, Марказдан молиялаштириладиган бир қатор дастурлар ҳам Панчаят Радж орқали амалга оширилади. Панчаят Раджга аъзо аёллар ва унинг раислари, асосан янги аъзолар, раҳбар ходим ёки қарор қабул қилувчи шахс сифатида ўз қонуний мажбуриятларига киришишдан олдин зарурий билим ва тегишли йўналишларга эга бўлишлари лозим.

Қишлоқни ривожлантириш департаменти аҳолининг мустақил бандлиги ва ёлланган бандлиги тартибини ишлаб чиқиш, уй-жой билан таъминлаш ҳамда суғориш, қишлоқ йўлларини таъмирлаш ва кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам бериш учун қисман маблағ ажратиш каби лойиҳаларни амалга оширади. Ундан ташқари, департамент ушбу дастурларни амалга ошириш доирасида кўмак бериш хизматлари ва бошқа сифатли ахборотни, яъни Ҳудудий қишлоқ хўжалигини ривожлантириш агентлиги (DRDA) маъмурияти, Панчаяти Радж муассасаларини мустаҳкамлаш, ходимларни ўқитиш ва тадқиқотлар ўtkазиш, инсон ресурслари ва кўнгилли тарзда ёрдам ишларини ривожлантириш каби фаолият турларини йўлга қўйишни таъминлайди.

Қишлоқ жойларни ривожлантириш департаментининг асосий дастурлари Прадхан Мантри Грам Садак Йоджана (PMGSY), Қишлоқ уй-жой қурилиши (RH), Сампурна Грамин Розгар Йоджана (SGRY) ва Свамжаянти Грам Сварозгар Йоджана (SGSY)лар ҳисобланади.

Ер ресурслари департаменти мамлакатда бўш ётган ерларга ишлов бериш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга қаратилган функцияларни амалга оширади. Департамент кўллаб-куvvatлаш хизматлари ҳамда ер ислоҳоти, даромадлар тизими ва ер ҳужжатларини яхшилаш соҳасида тегишли ахборот кўмаги билан ҳам таъминлайди. Шунингдек, чўл ҳудудлари ва қурғоқчиликка мойил ерларни ривожлантиришни ҳам амалга оширади. Қурғоқчиликка мойил ерлар дастури (DPAP), Чўлларни ўзлаштириш дастури (DDP),

Бўш ётган ерларни ривожлантиришнинг комплекс дастури (IWDP) ва Ер ислоҳотлари (LR) кабилар Ер ресурслари департаментининг асосий дастурлари ҳисобланади. Ушбу дастурлар тупрок унумдорлигини ошириш ҳамда намликни сақлаш, фойдаланилмайдиган ерлар унумдорлигини кўтариш ва шу орқали аҳоли даромадларини оширишга қаратилган.

Қишлоқ аҳолисининг қашшоқ қатламларини ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария воситаларини етказиб бериш Ичимлик суви билан таъминлаш департаменти фаолиятининг асосий вазифалари қаторига киради. Swajal Dhara, Қишлоқ жойларнинг тезкор сув таъминоти дастури (ARWSP) ва Санитария умумий дастури (TSP) ушбу департаментнинг асосий дастурлари қаторидан жой олган.

Мамлакатда қишлоқларни ва аграр соҳани комплекс ривожлантиришни янги босқичга кўтариш учун ушбу соҳада дунё мамлакатлари тажрибаларини чуқур ўрганиш ва татбиқ этиш лозим.

Ушбу халқаро конференция жуда муҳим аҳамиятга эга. Қишлоқларни ривожлантириш нафақат Ўзбекистон учун, балки бошқа мамлакатлар учун ҳам долзарбдир. Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларидағи қишлоқларда қурилган уйлар, майший хизмат муассасалари билан танишиб, мамлакатингизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳакидаги таассуротимиз янада бойиди. Барпо этилаётган замонавий уйларни сотиб олиш учун аҳолига 15 йил муддатга кам фоизли кредитлар берилиши диққатга сазовор. Фоят фойдали ва самарали бўлган бундай лойиҳаларнинг Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани Ўзбекистонда бундай хайрли ишлар самарасининг янада ошишига хизмат қиласди. Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистонда бу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳаларни катта қизиқиш билан ўрганмоқда ва бу борада ҳамкорлик қилиш ниятида.

Алла ЕСИПЕНКО,

Украина Миллий фанлар академияси академиги,

Курилиши академияси академиги,

профессор

ИННОВАЦИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ КОНВЕРГЕНЦИЯ

“Обод турмуш йили”да қишлоқлар киёфасини тубдан қайта ўзгартириш ва аҳоли пунктларини барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишнинг устувор йўналиши сифатида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш давлат дастурлари асосида амалга ошириб келинаётган ишлар билан яқиндан танишиш имкониятини яратиб берганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ўз миннатдорчилигимни билдиримоқчиман.

Янги иқтисодий даврнинг бошланиши бўлган XXI асрда кўплаб эски ахборот ресурсларининг аҳамияти йўқолди. Жамиятни илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг бош ресурси – янги ахборот манбалари шаклланди. Бошқарув тизими доирасида ахборотдан самарали фойдаланиш қиммат (моддий, меҳнат ва молиявий) ресурсларни сезиларли даражада тежаш имконини беради.

Шу ўринда янги қурилиш технологияларини амалиётда қўллаш учун илмий мактабларни шакллантириш, замонавий дастур маҳсулотларидан фойдаланиш, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюм ишлаб чиқариш зарур бўлади. Унумдорликни ошириш, лойиҳаларни, қурилиш ресурслари ва ташкилотларини самарали бошқариш мақсадида ахборот тизимлари яратиш соҳасида стандартлаштириш ишларини амалга ошириш, мослашувчан инфратузилма, ахборот технологияларидан фойдаланиш таклифларини илгари суриш мақсадга мувофиқдир.

Бу, ўз навбатида, ташкилотлар топ-менежменти, қурилиш бригадаларининг мобил ускуналар (масалан, шахсий планшет компьютерлари) дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Лойиҳаларни мониторинг қилиш лозим. Фойдаланувчилар ахборот ўлчамини танлаш (сон қаторлари, жадваллар, расмлар) ҳамда бир ёки бир неча лойиҳа бўйича умумлашган маълумотлар олиш имкониятига эга бўлади. Бу маълумотлар асосида сметадаги иш соатлари ва нархларини амалдаги соат ва нархлар билан солиштириш имконияти туфилади.

Турли обьектлар қурилиш жараёнини қулайлаштириш учун обьект модели ва типини, лойиҳани амалга ошириш варианtlари ва бошқа маълумотларни сақлаш имкониятини яратувчи модуль зарур. Бу, ўз навбатида, ҳар бир вариант бўйича лойиҳа қийматини ҳисоблаш, яъни нафақат лойиҳа бюджетини шакллантириш, балки уни иложи борича шаффоғлигини таъминлаш орқали бошқариш имкониятини беради. Бунда иш компонентлари ёки қисмлари ҳисобга олинади: қийматнинг таркиби (мехнат, материал, шартноманинг имзоланиши, асбоб-ускуна ва ҳ.к.); қийматнинг обьекти (курилиш, пардозлаш, муҳандислик, электр асбоб-ускуналари ва б.). Асбоб-ускуналардан фойдаланиш учун жойлашиш мониторинги, лойиҳа бўйича логистика бошқаруви, пудратчи ташкилотлар билан муносабатларни тартибга солиш, уларнинг малакасини ошириш, баҳолаш, буюртмаларни бошқариш имконияти яратилади.

Мураккаб механизмлардан фойдаланиш, мижозлар ва агентлар билан маҳсус муносабатларни йўлга қўйиш жараёнларини тегишли дастур таъминотисиз амалга ошириш ўзига хос қийинчиликлар туғдиради. Ягона тармоқ ERP (Enterprise Resource Planning) тизимлари доирасида қурилиш ва муҳандислик компанияларида ресурсларни самарали режалаштириш ва тақсимлаш имконини берувчи модулларни яратиш мумкин.

Маълумотни ихтиёрий вақт, манзил ва ихтиёрий қурилмага етказиш мақсадида Ҳукуматнинг рухсат этилган манбаларидан, корхона ва фуқаролардан маълумот йиғишга мўлжалланган интерактив платформаларни яратиш бизга вазиятни кузатиш ва аниқ хulosага эга бўлиш орқали вазият бўйича асосли қарор қабул қилиш имконини беради.

Турли-туман қурилма ва маълумотларни интеллектуал қайта ишловчи тизимларни қўллашга асосланган энергетик интернет ресурсларидан фойдаланиш, инфратузилма обьектларидан фойдаланиш бўйича асосланган қарорлар қабул қилишга имкон беради. Ушбу қурилма ва тизимлар таркибига маълумотлар йиғиш ва албатта барча ускуналардаги маъ-

лумотларни бир жойда умумлаштирувчи интеллектуал тармоқ назарда тутилади.

Энергетик тармоқ интернетнинг таркибий қисми сифатида ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик ҳолатни яхшилаш, жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва шахарларнинг умумий жозибадорлигини оширишга ёрдам бериши мумкин. Мисол учун, шахар сув таъминоти тизимиға ўрнатилган интеллектуал ўлчагичлар сув оқимини аниқлаш ва унинг исроф қилинишининг олдини олиш мақсадида автоматик равишда йўналишини ўзгартириш имкониятини беради. Ушбу ўлчагич тизимда юзага келиши мумкин бўлган носозлик ҳақида таъмирловчи хизматчиларни огоҳлантириб, бундай вазиятларда сув сизиб чиқишини бартараф этиш тўғрисида хабар беради.

Юкоридагилардан компонент ва жараёнларни қўллашдан қандай наф кўриш мумкинлиги ва уни амалга ошириш зарурлиги яқол кўриниб турибди.

Инновациявий қурилиш технологияларининг амалиётга муваффакиятли конвергенциясига Украина Фанлар академияси Инновациявий қурилишлар илмий тадқиқот институти, республика олий таълим мусассасалари билан Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзфармсаноат” ва “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниялари, “Ўзбеккўмир” акциядорлик бирлашмаси, Навоий ва Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатлари, шунингдек, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК каби йирик компаниялар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги вилоят бошқармалари ҳамда бошқа йирик компания ва корхоналар ўртасида ўзаро алоқалар мисол бўлиши мумкин. Икки томонлама алоқаларни кенгайтиришда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш Украина ва Ўзбекистон манфаатларига тўлиқ мос келади.

Ахмет Халук КАРАБЕЛ,
Туркия Республикаси Уй-жой қурилишини
ривожлантириши маъмурияти (ТОКИ) президенти

ҚИШЛОҚ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР БОШ МЕЗОНДИР

Мухтарам анжуман иштирокчилари, азиз меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар! Авваламбор, Туркия Республикаси Баш вазири ва мен раислик қилаётган Уй-жой қурилишини ривожлантириш маъмуриятини (ТОКИ) таништиришга ижозат берсангиз. ТОКИ 1984 йилда Туркияда уй-жой муаммоларини ҳал қилиш мақсадида, Баш вазирга бўйсунадиган юридик шахс сифатида ташкил этилган.

У ташкил этилган вақтдан кооперативлар уй-жой кредитларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар ва бу усул ёрдамида бир миллиондан ортиқ уй-жойга бўлган талаб кредитлар билан таъминланди. Бу давр мобайнида амалда 43 мингта уй-жой қурилди.

Маъмурият тақдим этаётган кредитларнинг манбаи бўлган Уй-жой қурилишини ривожлантириш жамғармаси 1993 йилда биринчи марта давлат бюджетидан молиялаштириладиган бўлди, бироқ 2001 йилда бу тизим тўлиқ бекор қилинди ва Маъмурият ўз маблағларини давлат бюджетидан ҳеч қандай молиявий кўмак олмай шакллантирадиган бўлди.

2002 йил охирида ҳокимиятга 58-турк Ҳукумати келиши билан, 500 мингта уй-жой қурилишини назарда тутувчи “Режалаштирилаётган урбанизация ва уй-жой қурилишига сафарбарлик” лойиҳаси иш бошлади.

Ушбу мақсадга эришиш учун ТОКИга дастлаб молиявий ва инсон ресурслари берилди, ташкилий ва ҳукуқий асослар яратилди. Шу муносабат билан 25 та алоҳида меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинди. ТОКИ молиявий таъминот нуқтai назаридан ҳам, амалий қарорлар қабул қилиш имконияти бўйича ҳам қайта ташкил этилди.

Маблағлар ажратиши учун биринчи лойиҳада иккита усул күриб чиқилди:

Биринчиси – ер майдонларини сотиш ўрнига “Даромадлар тақсимоти лойиҳалари” орқали нуфузли уйларни барпо этишга маблағлар ажратиши. Ана шу механизмни кўллаш асосида ТОКИ қурган уйлар умумий сонининг 15 фоизини ташкил этувчи 84 мингга яқин уй-жойлар айнан бунёд этилди.

Мазкур лойиҳалар бюджетининг тахминан 7,2 млрд. АҚШ доллари жамоатчилик томонидан тақдим этилган. Бундан ташқари, мамлакатимизда янги уй-жой ва туманларнинг қурилиши хусусий сектор билан ҳамкорлик эвазига илгор ва замонавий қурилиш технологияси ёрдамида амалга оширилди.

Иккинчиси – жамғарма фондини ошириш усули унумдор ерларни газнадан давлат нархларида сотиб олиб, қайта сотиш натижасида маблағлар жалб этиш ва ўша майдонларни пойтахт марказлари ҳудудларига айлантириш.

Ушбу механизм биринчи навбатда кам таъминланган, эҳтиёжманд фукароларга татбиқ этилди. Бу уларга тўловни қоплашда мукобил йўл сифатида узоқ муддатли (10 йил, 15 йил, 20 йил) ижарага олиш асосида уй эгаларига айланиш имкониятини берди. Биз қурган уйларнинг 85 фоизи ёки 490 мингтаси ижтимоий уй-жойларни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичнинг тахминан 1 фоизи ёки 5584 таси қишлоқ жойлардаги уйлар ҳисобланади. Биз қишлоқ ҳудудларидан аҳолининг кўчиб кетишининг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалиги шаҳарчаларини куряпмиз.

Қишлоқ уйлари – бу бир қаватли, зарур ҳолатларда бир неча оғилхонага эга уй-жойлардир. Бундай уйларга талаб, аввало, маҳаллий маъмурият томонидан шакллантирилади. Мавжуд эҳтиёжлар асосида уй-жой қуриш режалаштирилади ва ер майдонлари учун тендер ўтказилади. Қурилиш қийматининг 15–20 фоизи бўнак сифатида олдиндан тўланади, қолган қисми эса 15 йилдан 20 йилгача бўлган узоқ муддат давомида ундириб борилади.

Бундан ташқари, биз хароба ҳолдаги уй-жойларни тиклаш, тарихий иншоотлар ва маҳаллий меъморчиликни замонавийлаштиришга йўналтирилган лойиҳалар учун ҳам кредитлар ажратишини йўлга қўйдик.

Туркияning 81 та вилояти, 900 та туман, округ ва қишлоқларида айнан мен айтаётган механизм бўйича уй-жойлар барпо этилган. 2003–2013 йилларда қурилган уй-жойларнинг умумий сони 580 мингтани ташкил этди. Бошқача айтганда, бу ҳар бирида тахминан 100 мингдан ортиқ ахолиси бўлган 22 та шаҳар деганидир.

2011 йилда мамлакат Бош вазири ТОКИ зиммасига 2023 йилга қадар иккинчи босқичда режалаштирилган уй-жой қурилиши ҳажмини 500 мингтадан 1 миллионтагача ошириш вазифасини қўйди. Жорий йил апрель ҳолатига кўра 230 мингта уй режалаштириш босқичида турибди.

Шунингдек, давлат органлари билан келишган ҳолда шифохоналар, қишлоқ поликлиникалари, мактаблар, стадионлар ва хизмат кўрсатиш бинолари қуришга қарор қилинди. Бу лойиҳалар 20 мингта синфга эга 900 та мактаб, 930 та спорт зали, 45 минг нафар кишига мўлжалланган 131 та ётоқхона ва пансионат, 294 та шифохона ва қишлоқ клиникаси, 476 та савдо маркази, 460 та диний обьектлар, 41 та кутубхона, 27 та руҳий касалликлар шифохонаси, 81 та жамоат биноси, 9 та стадион ва бошқа иншоотлар қурилишини ўз ичига олади.

Биз томонимиздан таклиф этилган асосий шаҳарларни янгилаш дастурига мувофиқ шаҳарларни янгилаш ишлари 257 та лойиҳа доирасида 58 та вилоятдаги 127 та муниципалитетда бошланиб, 45 мингта уй қуриб битказилди. Ҳозирда кўшимча 220 мингта уй учун лойиҳалар амалга оширилмоқда. Умумий ҳисобда 265 мингта уй қурилиши кутилмоқда.

Туркия Табиатни муҳофаза қилиш ва урбанизация вазирлиги тасдиқлаган “Табиий оғатлар таҳдиди остида бўлган туманлардаги шаҳарларни қайта қуриш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ бизнинг иш фаолиятимиз янада кенгайди, ишлаб чиқариш қувватларимиз ошди. ТОКИ ва унинг иштирокчилари йирик шаҳарларда салмоқли лойиҳаларни амалга оширмоқда. “Қояшхөр” лойиҳаси шаҳар қиёфасини ўзгартириш ва зилзила оқибатларини бартараф этиш лойиҳаларидан бири бўлиб, у Истанбул шаҳрининг Европа қисмida жойлашган ҳамда Европадаги энг йирик уй-жой қурилиш майдони ҳисобланади.

Мазкур лойиха нафакат шаҳардаги зилзила, балки мамлакатдаги йўлдош шаҳарлар қиёфасини ўзгартириш билан ҳам боғлиқлигини алоҳида эътироф этиш ўринли. Унга кўра тахминан 11 млн. кв. м майдонда 300 минг аҳолига мўлжалланган 65 мингта уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Яна бир муҳим лойиха мамлакатда ТОКИ томонидан амалга оширилаётган, яъни 8 млн. кв. м майдонга 40 мингта уй-жой қуриш мўлжалланган “Истанбул – Халқалида уй-жой қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш” лойиҳаси ҳисобланади. Бу ТОКИ томонидан амалга оширилаётган Туркиядаги энг муҳим лойиха ҳисобланиб, қўшимча 1,5 млн. кв. м майдонда кенг қамровли маданий инфратузилма, кўнгилочар тадбирлар ўтадиган бинолар ва табиий хиёбонлар барпо этилишини ўз ичига олади.

“Истанбул Вестерн Аташехер Рожект” лойиҳаси доирасида қурилаётган 11 мингта уй ва 1100 та савдо обьекти Туркияning режага биноан барпо этилаётган намунавий йўлдош шаҳари сифатида дикқатга сазовордир. Устав фондида ТОКИнинг улуши бўлган “Элмак Конут” кўчмас мулк инвестиция трасти майдони 2060 минг кв. м бўлган Аташехер худудида Истанбул молия маркази қурилишини амалга оширган.

“Шимолий Анқара Дарвозаси” лойиҳаси шаҳар қиёфасини ўзгартириш бўйича муҳим лойиҳалар қаторига киради. Анқара муниципалитети билан ҳамкорликда бажариладиган ушбу лойиҳа 16 млн. кв. м худудни қамраб олади ва 51464 та уй-жой учун турли хилдаги ижтимоий обьектлар қурилишини ҳам ўз ичига олган. Ундан ташқари, бу худуд 6,5 мингга яқин хароба уйлардан тозаланди.

ТОКИ техник хизмат кўрсатиш ва шаҳарларнинг энг бебаҳо кўчмас мулки ҳисобланадиган маданий обьектларни таъмирлаш ҳамда тиклаш юзасидан 475 та лойиҳани амалга ошириш учун 40 млн. турк лираси миқдорида маблаг ажратган.

Бизда уй-жой қурилишида хусусий секторнинг улуши тахминан 90 фоизни, давлат улуши эса 10 фоизни ташкил этади. Бу эса ТОКИ мамлакатдаги уй-жойга бўлган йиллик талабнинг атиги 10 фоизини коплаши мумкинлигини билдиради. Бошқача айтганда, ҳозир Туркияning 10 фоиз аҳолиси ТОКИ томонидан қурилган уйларда истиқомат қилмоқда.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш маъмурияти киритган инвестицияларнинг умумий қиймати охирги 10 йилда 33 млрд. АҚШ долларини, ойлик харажатлари эса ўртача 400–450 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Натижада Туркияning барча худудларида тахминан 20 миллион уй-жой қурилди. Бироқ ҳисоб-китобларга кўра, ахоли сонининг йиллик ўсишини ҳисобга олганда, йилига 500–600 минг уй-жой қуриш лозим бўлади.

Бугун бизнинг компаниямиз тажриба алмашиш ва ҳамкорлик қилиш истагини билдирган жаҳоннинг 80 га яқин давлатлари билан музокаралар олиб бораётганлигининг ўзи ҳам фаолиятимизга берилган баҳо, деса бўлади.

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИШЛОҚЛАРНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ

Курилиш, замон талабига мос уй-жойлар барпо этиш кадимдан ҳар бир миллатга хос фазилатдир. Ушбу бунёдкорлик ишлари шарофати билан халқнинг ҳаёт тарзи, турмуш даражаси тубдан ўзгариб боради, мамлакат эса тобора янгича тус олади.

Қишлоқда яшовчилар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, изчил равишда аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш, уларга интеллектуал қобилият, касбий маҳорат ва маънавий салоҳиятларини амалга ошириш учун зарур имкониятлар яратиш давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бундай вазиятда қишлоқ худудларини ривожлантириш давлат дастури, қишлоқ жойларини ижтимоий ва муҳандислик инфратузилма обьектлари билан таъминлашга комплекс ёндашувни назарда тутиши лозим. Шу билан бир қаторда қишлоқ худудларини ободонлаштириш бўйича алоҳида худудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун бюджетдан субсидиялар ажратиш лозим.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида тадбиркор ва ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни фаол олиб бориш зарур. Агарар соҳадаги олий ўқув юртларида қишлоқ ҳўжалиги ташкилотларидаги бўш иш ўринлари мавжудлиги ҳақида маълумотларни тўплаш билан шуғулланувчи ва битирувчиларни ишга жойлаштиришга имконият яратувчи тузилмалар яратиш ҳам муҳим вазифадир. Бундай чора-тадбирлар, қишлоқ ҳўжалигига мутахассисларнинг етишмаётганлиги ҳамон сезилаётган бир пайтда, агросаноат мажмуасининг умумий ҳолатини бирмунча яхшилашга имкон яратади.

Қишлоқ худудларидағи йўлларнинг сифати ачинарли аҳволда бўлиб, улар қишлоқларни ободонлаштиришда асосий муаммолардан

бири ҳисобланади. Бугунги кунгача ўн минглаб қишлоқ аҳоли пунктлари автомобиль йўлларига эга эмаслигини тасаввур қилиш қийин. Бу эса қишлоқларда яшовчилар гоҳида ташқи дунёдан узилиб қолишидан дарак беради.

Жами ҳудудий йўл жамғармасининг 5 фойизидан ортиқ маблағини қишлоқдаги автомобиль йўлларини ривожлантиришга ва шунчасини посёлкалар йўлларини таъмирлаш ва ободонлаштиришга ажратиш лозим.

Қишлоқ ва посёлкалар ҳар доим давлатнинг асосий пойдевори бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, улар сиз шаҳарлар мавжуд бўла олмайди. Шу сабабли қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ободонлаштиришга киритилган инвестициялар нафакат ўзини қоплади, балки келажакда жуда катта фойда ҳам келтиради.

Қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш аҳолини жойлаштириш борасида вужудга келган барча миллий ва анъанавий шакллари билан уйғунликда олиб борилиши, ҳар бирининг сақланиб қолиши учун тенг хукуклигини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Қишлоқ жойлари ва қишлоқлар билан боғланган кичик шаҳарларда нафакат уй-жой қурилиши, балки мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал-маиший хизматдан фойдаланиш обьектлари ва йўлларни ободонлаштириш каби инфратузилмаларнинг жадал ўсиши таъминланмоқда. Асосий эътибор телефонлаштириш, алоқа, радио, телевидение, тиббиёт, майший хизмат кўрсатиш ва бошқа хизмат турларини ривожлантиришга қаратилган.

Ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари (табиий-иқлим шароитлари, иқтисодий ўсиш, миллий-маиший тартиб, аҳоли таркибида ижтимоий ва демографик тафовутлар) посёлкалар қурилишини лойиҳалаштиришнинг бошланғич меъёр ва тартибларини (квартира турлари бўйича уй-жой иморатлари таркиби, қаватлилиги ва уйларнинг конструктив жиҳатдан қурилиши ва б.), қурилиш лойиҳаси режаси ва иморат қурилиши услубини белгилаб беради.

Замонавий қишлоқ ҳудудларини шакллантириш бўйича самарали фаолият олиб бориш мақсадида ҳозирда мавжуд камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, атроф-мухитни соғломлаштиришда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришнинг, санитар-гигиеник вазифаларнинг, экологик масалалар билан бир қаторда, экилган дарахтларни сақлаш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти жуда катта.

Шаҳарларда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар, жумладан миллий қадриятлар ва халқ турмуш тарзини ўзида мужассам этган кенг ва равон автомобиль йўллари, замонавий кўприклар, ҳашаматли бино ва иншоотлар, саройлар, масжидлар бунинг яққол исботидир.

**“ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ
ХАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ”
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИННИГ**

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАРИ

Тошкент шаҳри

2013 йил 16–17 апрель

Халқаро конференция иштирокчилари уй-жой қурилиши ва у билан боғлиқ инфратузилма ривожланиши масалалари дунёning ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлари иқтисодиёти ва банк-молия тизимида ҳар доим ўсиш ва ривожланиш омили сифатида алоҳида ўрин тутганилигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги пайтда ЯИМда қурилиш соҳасининг улуши Япония ва Европа мамлакатларида 6 фоизни, АҚШда 4 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда, иқтисодиёти тез ривожланаётган мамлакатларда эса 8 фоизгача этмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда уй-жой киймати жамғарилган капитал кўйилмалар умумий ҳажмида 30 фоизга қадар, уларнинг йиллик ҳажмида уй-жой қурилиши улуши эса 25 фоизга қадар етади, бу унинг иқтисодий ривожланишда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Халқаро валюта фонди эксперtlарининг тадқиқотларига кўра, кўчмас мулк бозорида талабнинг бор-йўғи 10 фоизга сусайиши ва конъюнктуранинг пасайиши АҚШда ЯИМнинг 2 фоизга ва иқтисодиётдаги ички талабнинг 3 фоизга ва энг асосийси, аҳоли инвестицияларининг 20 фоизга қадар пасайишига олиб келади. Германия ва Японияда айнан шундай вазиятда ЯИМ янада сезиларли даражада, яъни 5 фоизгача пасайишига, ички талабнинг 6 фоизга қискаришига, аҳоли инвестициялари ҳажмининг деярли 30 фоизга камайишига сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда асосий захира валюталари эмитентлари ҳисобланган мамлакатлар молия тизимида ликвидлик борасида камчилик йўқ. Шу билан бирга, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги молиявий-

иктисодий инкирор шароитида иктиносидиётнинг жонланиши учун туртки бера олмаяпти, чунки кредитлар реал секторга йўналтирилмаяпти. Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан боғлик инфратузилма – коммунал ва ижтимоий соҳа, транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш сармоя ва инвестициялар йўналтирилиши учун энг таъсирчан тармоқлар бўлиб хизмат қиласи ва бунда уй-жой қурилиши энг қулай соҳа ҳисобланади.

Қишлоқ жойларда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалалари, айниқса, дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида долзарб ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра ҳозирги вактда дунё аҳолисининг 49 фоизи қишлоқларда яшамокда, Осиё мамлакатларида эса қишлоқ аҳолисининг сони 58 фоиздан ортиқни ташкил этади.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш механизмини ишлаб чиқиш глобал муаммолар қаторига киради. Бу борада қишлоқ уй-жой қурилиши қишлоқ аҳолисининг турмуш, меҳнат шароитлари ҳамда ривожланиши билан боғлик барча масалалар комплексини ўзгартиришга қодир локомотив куч ҳисобланади. Айнан уй-жой қурилиши аввало унга боғлик тармоқларни ривожлантириш, кейинчалик бошқа барча тармоқларни юксалтиришни изчил рағбатлантирган ҳолда мамлакатлар иктиносидий ўсиш суръатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини ошириш масалаларининг алоҳида долзарблигини, шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқда иктиносидий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилишини ҳисобга олганда, 2013 йил 16–17 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” халқаро конференцияси катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Унинг ишида 800 нафардан ортиқ иштирокчи, шу жумладан, дунёнинг 61 та мамлакатидан 300 нафардан зиёд хорижий меҳмонлар қатнашдилар. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, миллий молиявий институтлар ва тараққиёт банклари, илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, қишлоқларни

комплекс ижтимоий ривожланиш масалалари ва муаммолари билан шуғулланувчи эксперталар ҳамда иқтисодчилар бор.

Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг нутқини алоҳида дикқат-эътибор билан тингладилар. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ривожланишнинг мухим омили сифатида уй-жой қурилишининг тутган аҳамияти ва ўрнининг чуқур таҳлили натижалари билан фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари уй-жой қурилиши иқтисодий ривожланиш суръатига ҳал этувчи таъсир кўрсатиши, молия тизими ва қурилиш саноатининг шаклланиши ҳамда баркарор ривожланишида, янги иш ўринлари яратишда асосий бўғин ҳисобланишини таъкидлаб ўтди. Президентимиз давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида уй-жой қурилиши, у билан боғлик инфратузилма ва саноат тармоқларини ривожлантириш сармоя ҳамда инвестициялар жалб этиш учун энг қулай ва таъсирчан соҳалардан бирига айланиб бораётганлигини алоҳида қайд этди.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида Ўзбекистонда қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш бўйича тўрт йил илгари бошланган комплекс дастурнинг мазмун-моҳиятини конференция иштирокчиларига аник-равshan етказиб берди. Бу – аҳоли фаровонлиги ва турмуш сифатини изчил ошириб бориш, уларнинг меҳнат фаолияти хусусияти ҳамда аҳоли яшаш мұхити ва якуний натижада қишлоқ аҳлиниң тафаккури, менталитети ҳамда турмуш тарзини ўзгартиришdir.

Конференцияда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, турмуш маданиятини ошириш, қулай яшаш шароити яратишга ўналтирилган ўзаро боғлик масалаларнинг мураккаб мажмуини ҳал этишда уй-жой қурилишининг тутган ўрни билан боғлик масалалар мұхокама этилди.

Ялпи мажлис ва бешта йўналиш бўйича секция йиғилишларида сўзга чиққанлар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишининг кенг қўламли дастурларини амалга ошириш, уларнинг иқтисодиёт ва унинг алоҳида секторлари ривожланишига таъсири, қурилиш саноатида рақобат мұхитининг кучайиши, қишлоқ ахолисини иш билан таъминлаш ҳамда уларнинг даромадларини оширишга таъсир кўрсатадиган хуқуқий

ва институционал асосларни яратиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Маърузачилар ўзларининг чиқишиларида шаҳар ва қишлоқ ахолиси ўртасидаги тафовутни қискартириш сиёсатини амалга оширишдаги тажриба ҳамда эришилган ютуқларни батафсил ёритиб бердилар.

Конференция иштирокчилари Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида замонавий талабларга мувофиқ жиҳозланган соғлиқни сақлаш ва таълим объектлари, бозор инфратузилмаси, транспорт-коммуникация инфратузилмаларига эга янги барпо этилган қишлоқ уй-жой массивларига ташриф буюриб, Ўзбекистон қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастурлари кўламлари билан жойларда танишиб, яратилган имкониятларни юкори баҳоладилар.

Халқаро конференция иштирокчилари ялпи мажлис ва йўналишлар бўйича секция йиғилишларидаги маърузаларни тинглаб ва муҳокама қилиб, қўйидаги хуносаларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Барча мамлакатлarda тараққиётнинг ҳамма босқичларида уй-жой қурилиши билан боғлиқ тармоқлар ривожланишини жадаллаштириш, кейинчалик бошқа тармоқлар узвий ривожланишини рағбатлантириш ҳисобига мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатига ҳал этувчитаъсир кўрсатади. Уй-жой соҳасига йўналтирилган инвестициялар суръати, янги уй-жойлар қурилишига буюртмалар ҳажми, кўчмас мулк нархларининг ўзгариши, тураржой қурилишига кредитлар ажратилиши дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг жонланиши ёки аксинча, таназзули бошланишини тасдиқловчи энг муҳим кўрсаткичлар бўлиб хизмат қиласди.

2. Бутун дунёда ахолининг банк-кредит муассасаларига ишончи пасайиб бораётган ҳозирги шароитда уй-жой қурилиши ахоли жамғармаларини инвестицияларга йўналтириш ҳисобига инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ва иқтисодиётда такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш воситасига айланмоқда.

3. Давом этаётган жаҳон молиявий-иктисодий инкирози шароитида бир вақтнинг ўзида инфратузилмани ривожлантирган холда комплекс уй-жой қурилиши ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини жадаллаштиришнинг локомотиви, иқтисодий ўсишни ва иқтисодиётни

таркибий жиҳатдан ички талабга йўналтиришни қўллаб-қувватлаш омилига айланиб бормоқда.

4. Конференция иштирокчилари Ўзбекистон қиска муддатда – тўрт йил ичидаги қишлоқ уй-жой қурилишининг кенг қўламли дастурини амалга оширишда хайратланарли натижаларга эришганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бунда комплекс ёндашувнинг қўлланилиши узоқ муддатли қишлоқ уй-жой қурилиши дастурларини муваффақиятли амалга оширишнинг мустаҳкам қонуний, молиявий ва моддий базасини яратиш имконини берди.

5. Дастлабки натижалар шуни қўрсатдиги, дастурнинг амалга оширилиши қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш шароитларини изчиллик билан тенглаштиришни, шаҳар ва қишлоқлар ривожланишидаги мавжуд таркибий номутаносибликларни бартараф этишни, ижтимоий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиб ривожланишини таъминлайди, ислоҳотлар ўзбек моделининг таркибий қисми ҳисобланган кучли ижтимоий сиёsatни амалга ошириш учун қулай шароит яратади.

Уй-жой қурилишини ривожлантириш дастурининг якуний мақсадлари қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини, меҳнат фаолияти хусусиятини ва ҳаёт мухитини ҳамда якуний натижада қишлоқ аҳолисининг менталитети, дунёкараши ва маданиятини тубдан замонавийлаштириш ҳисобланади.

6. Ўзбекистонда қишлоқ уй-жой қурилиш дастурини амалга оширишда бошқа мамлакатлар амалиётида фойдаланиш нуқтаи назаридан чуқур ва атрофлича ўрганишга муносиб бўлган тегишли қонунчилик ва норматив-ҳукукий базаси ҳамда асосий тамойиллар яратилди, шу жумладан:

- уй-жойлар барпо этилиши учун давлат томонидан бепул ер ажратилишини таъминлаш, шунингдек, бутун зарурий инфратузилма ва коммуникацияларни давлат ҳисобига қуриш ҳамда улаш;

- замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида ишлаб чиқилган бош режалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштирилиши ҳамда қурилишини ташкил этиш тизимининг тубдан қайта кўриб чиқилиши;

– янги барпо этилаётган қишлоқ уй-жой массивларида иқлим ва бошқа шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда барча миңтақаларда синааб кўрилгандан сўнг танлаб олинган намунавий лойиҳалар бўйича “тайёр ҳолда топшириш” шарти асосида замонавий ҳамда шинам уй-жойлар қуриш;

– дастурнинг барча қатнашчилариға мислсиз солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари берилиши орқали аксарият қишлоқ оиласларига барпо этилаётган уй-жойлар олиш учун кенг имкониятлар бериш;

– қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар сотиб олиш учун қишлоқ аҳолисига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш.

7. Ўзбекистон тажрибасида қишлоқ уй-жой қурилиши кенг кўламли дастурини амалга ошириш вазифаларига мос келадиган самарали тузилмалар ва муассасалар шаклланишининг муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур мақсадларда республикамизнинг барча миңтақаларида филиалларига эга ихтисослаштирилган тижорат банки, ихтинослаштирилган лойиҳалаш институти, инжиниринг компанияси, шунингдек, лизинг компаниялари ва минглаб янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотлари ташкил этилди.

8. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қурилишига аҳоли ва ташкилотлар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида кенг комплекс имтиёз ва преференциялар берилди.

Хусусан, уй-жойларни харид қилиш учун қарз олувчилар ипотека кредитини тўла қоплагунига қадар мулк солиғидан, шунингдек, ипотека кредитларини қоплашга йўналтириладиган суммага даромад солиғидан озод этилдилар.

Дастурнинг асосий муассасалари – лойиҳалаш, инжиниринг ва пудратчи қурилиш ташкилотлари деярли барча соликлар ва мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилди, уларга четдан келтириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилди.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қурувчилар учун йилига 7 фоиз ставкаси бўйича 15 йил муддатга узоқ муддатли имтиёзли

кредитлар ажратилади, бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасидан деярли 2 баробар камдир.

Ўз ходимларига уй-жой харид килишда молиявий ёрдам қўрсата-ётган корхоналар учун фойда солиғи бўйича соликқа тортиладиган база қўрсатилган ёрдам суммасига камайтирилади.

9. Уй-жой қурилиши дастурининг амалга оширилишига комплекс ёндашув қишлоқ жойларини тубдан ўзгартириш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш масалаларини ҳал этишда энг муҳим воситага айланди.

Ўзбекистонда янги барпо этилган қишлоқ массивларида инфра-тузилма обьектлари қурилишига, шу жумладан, сув ўтказиш, газ ва электр тармоқлари, шунингдек, ички автомобиль йўллари бунёд этишга 70 млн. АҚШ долларидан ортиқ миқдорда давлат бюджет маблағлари ажратилди.

Янги қурилган қишлоқ массивларида 700 тага яқин ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектлари, жумладан, умумтаълим мактаблари, қишлоқ врачлик пунктлари, болалар спорти обьектлари, савдо мажмуалари, банк-кредит муассасалари филиаллари, бозорлар ва майший хизмат қўрсатиш мажмуалари ва шу кабилар қурилди.

10. Уй-жой қурилишига тизимли ва комплекс ёндашувнинг амалга оширилиши транспорт-коммуникация инфратузилмаси қурилиши, замонавий технологиялар асосида қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқариш, истеъмол моллари ва уй-рўзгор буюмлари (мебель, майший техника ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар) ишлаб чиқариш қурилиш тармоқларининг жадал ривожланишига кучли таъсир қўрсатди.

Маҳаллий хомашё асосида қурилиш материаллари ва конструкциялар, шу жумладан, гишт, инерт материаллар, пенобетон, металл ёпқич, эшик ва дераза блоклари, темир-бетон плиталар ва тўсин-тўсиқлар, кабель ва электротехника маҳсулотлари, янги пардозлаш материаллари, гипсокартон плиталар, қуруқ қурилиш аралашмалари, сопол жиҳозлар, томёпқич материаллар сингари кўплаб қурилиш моллари, шунингдек иситиш қозонлари, пол усти қопламалари каби юзлаб турдаги харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 600 та янги корхоналар ишга туширилди.

11. Дастурнинг амалга оширилиши халқаро ташкилотлар ва молиявий муассасалар томонидан қўллаб-кувватланмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки беш йил муддатга мўлжалланган умумий суммаси 500 млн. АҚШ доллари миқдорида кишлоп үй-жой қурилишини қўллаб-кувватлаш дастурини маъқуллади. Ушбу дастурнинг амалга оширилишида иштирок этишга бошқа халқаро ва миллий молиявий муассасалар ҳамда таракқиёт банклари қизиқиши билдирилмоқдалар.

12. Кишлоп жойларда турмушни тубдан ўзгартиришнинг муҳим элементи сифатида якка тартибдаги үй-жой қурилиши бўйича аник мақсадга йўналтирилган дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш билан нафақат қишлоқларнинг меъморий қиёфаси ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш сифатининг яхшиланишига эришилади, бунда қишлоқ аҳлининг ижтимоий-сиёсий савияси ва фуқаролик масъулияти ошади, пировард натижада ижтимоий барқарорлик таъминланади ҳамда ўзининг келажагига ишонган янги авлод шаклланиши учун қулай мухит яратилади.

Якуний хуносалар ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган холда конференция иштирокчилари қуйидаги тавсияларни таклиф этишни зарур деб хисоблайди:

1. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасида сақланиб қолаётган тафовутлар, айниқса, дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида қишлоқ ва шаҳар минтақаларидағи мавжуд таркибий номутаносибликлар натижасида қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиб кетиши ҳамда бошқариб бўлмайдиган урбанизация жараёни содир бўлмоқда. Бундай шароитда қишлоқ минтақаларининг ижтимоий-иктисодий ривожланиши, уларда истиқомат килаётган аҳолини иш билан таъминлаш даражаси ва унинг фаровонлигини оширишнинг муҳим элементи сифатида қишлоқ жойларда комплекс үй-жой қурилишининг тутган ўрни ҳамда аҳамиятини чуқур амалий ўрганишни давом эттириш зарур.

2. Үй-жой қурилиши ва у билан боғлиқ иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши ҳамда фаолият йўналишлари молия тизимининг шаклланиши ва барқарор ривожланишининг муҳим бўғини, банк сектори ресурслар базаси ва активлари асосий қисмининг манбаига айланиши керак.

3. Қурилиш тармоғига, айниқса, уй-жой қурилишига инвестициялар жалб қилишга устуворлик бериліши лозим. Бу ахоли бандлиги ва даромадлари үсишини таъминлайды, ички талабни рағбатлантиради, савдо-сотик ва сервис хизмат күрсатиши соҳаларининг мультиплектив үсишини таъминлайды. Булардан ташқари, қурилиш соҳаси инвестицияларни янги иш ўринлари, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиши кувватларига айлантирадиган тармоқ ҳисобланади.

Конференция иштирокчилари, аввалимбор, дунёнинг ривожлана-ётган мамлакатларида қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастури амалга оширилишининг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини юкори баҳолаган ҳолда, халқаро ташкилотлар ва молия муассасаларини жаҳон мамлакатлари қишлоқ минтақаларида транспорт-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда уй-жой қурилиши бўйича лойиҳалар кўламини кенгайтиришга даъват этадилар.

4. Мамлакатлар Ҳукуматлари ва уларнинг ушбу жараённи тартибга солиши идоралари уй-жой соҳасидаги номутаносибликларни бартараф қилиш ҳамда ипотека бозорида турли чайқовчилик операцияларини амалга оширувчи банклар иш фаолияти устидан назоратни кучайтириш бўйича ўз вактида тегишли чора-тадбирлар кўришлари мақсадга мувофиқдир. Бунда қишлоқ аҳолисининг чекланган молиявий имкониятлари ва шинам уй-жой қиймати ўртасидаги тафовутни бартараф этиш ипотека кредити ажратилишининг асосий ғояси бўлиб ҳисобланиши лозим.

5. Уй-жой қурилиши дастури амалга оширилишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан сифатли ва арzon қурилиш материаллари мавжудлиги, уй-жой қурилишида энергия тежайдиган замонавий технологиялар қўлланишига bogлиқдир. Шу муносабат билан, уй-жой қурилиши бўйича кенг кўламли дастурларни, илғор ва инновацион технологияларни жорий қилиш, маҳаллий хомашё ресурслари асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг негизида қурилиш ишларини ташкил этиш, илғор услубларни жорий этган ҳолда қурилиш саноатини ривожлантириш ва замонавийлаштириш билан уйғунлашган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

6. Пухта ўйланган ва якуний натижага йўналтирилган қишлоқ уйжой курилишини ривожлантириш комплекс дастурини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини мувозанатли иқтисодий ривожланиш ҳамда қишлоқ аҳолиси турмуш сифатини ошириш масалалари долзарб ҳисобланадиган барча манфаатдор мамлакатларга ўрганиш учун тавсия қилиш мумкин.

Конференция давомида кўриб чиқилган халқаро амалиётдан келиб чиқиб, қишлоқ уй-жой қурилиши тузилмалари ва муассасаларини ташкил этиш, қурилиш саноатини комплекс ривожлантириш, қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўйича дастурнинг барча қатнашчилари учун рағбат ва преференцияларни шакллантириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини дикқат билан ўрганиб чиқиши таклиф этилади.

7. Конференция иштирокчилари фикрига кўра, Ўзбекистонда намунавий лойиҳалар асосида қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича дастурнинг амалга оширилиши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, унинг ижтимоий-иктисодий баркарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга янги туртки беради ва унинг юқори даражага кўтарилишига имкон яратади.

**“ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ
КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ
ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ
ОМИЛИ” МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ХОРИЖИЙ
ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН
БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан амалга оширилаётган қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш Дастири ўзининг ёндашуви ва кенг қамровлиги билан ўзига хос ҳисобланади.

Ушбу ташаббус БМТ томонидан қўллаб-куватланиб, унинг амалга оширилиши қишлоқ жойларнинг барқарор ривожланиши бўйича ёндашувларни амалда қўллаш имкониятини беради. Ушбу масала бўйича бошқа давлатларга тавсиялар бериш мақсадида жараён дикқат билан кузатилиб борилди.

Ушбу дастур қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш даражаси ва иқтисодий имкониятлари ўртасидаги фарқни қисқартиришга туртки бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий мақсадларга ҳамда инклюзив тараққиёт моделига янада тўлиқ эришиш имконини яратади.

**Жихан СУЛТАНОГЛУ,
Бирлашган Миллатлар Ташикоти Тараққиёт Дастири
Европа ва МДҲ минтақавий бюроси директори**

* * *

Ўзбекистонда қишлоқ худудларини комплекс ривожлантириш бўйича оқилона ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шубҳасиз, конференция иштирокчилари Ўзбекистон Ҳукумати томонидан қишлоқ худудларида турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган бой тажрибадан ўзларида кенг фойдаланишлари мумкин.

Биз бу борада Президент Ислом Каримовнинг қишлоқ уй-жойларига киритилган инвестициялар келгуси авлод учун қўйилган капиталдир, деган фикрини тўлиқ қўллаб-куватлаймиз.

Яна бир муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Биз ташриф буюрган қишлоқда гендер масалалари жуда яхши ҳал қилингандигининг гувоҳи бўлдик. Аёллар ишда ва турмушда учрайдиган турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Мен буни аёлларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жуда оқилона ёндашув деб ҳисоблайман.

*Алисия ДЕЛА РОСА БАЛА,
Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари
уюшмаси (АСЕАН) Бош котиби ўринбосари*

* * *

Кореяда уй-жой қурилиши мустаҳкам кучга эга бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ. Сифатга катта эътибор бериш, саноат корхоналари ва уй эгаларига бўлган ишонч шулар жумласидан. Шу сабабли биз учун уй-жой қурилиши фақатгина ғишт ва сувоқ каби қурилиш материалларидан иборат эмас, биз улғаядиган, оила қурадиган ва мўътабар ёшга етадиган маскандир.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидағи асосий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий кўрсаткичлар таҳлили мамлакатда ўтиш даврининг асосий муаммолари ҳал қилингандигини, яъни янги давлатчилик ташкил этилгани, янги бошқарув тизими шакллантирилгани, иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришлар содир бўлгандини ҳамда бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамиятининг асослари яратилганини кўрсатмоқда.

Бугунги конференция Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш орқали кенг кўламли иқтисодий ўсишга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Уй-жой қурилиш дастури қишлоқ аҳолисини шинам уй-жой билан таъминлаш ва қишлоқ жойларида инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган бўлиб, бу, ўз навбатида, қишлоқда турмуш тарзининг юксалиши ва янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлади.

*Бюнг Хё КИМ,
“Woori Bank” ижрочи вице-президенти,
Корея Республикаси*

* * *

Мамлакатингиздаги қурилиш тармоғи глобал йўналиш – қурилишда қўйланилаётган инновациялар ва энг янги технологияларга таяниш та-лабларига жавоб бериши Ўзбекистондаги уй-жой қурилишининг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқда дастурнинг амалга оширилиши уй-жой қурилишидаги барча жиҳатларни ўз ичига олувчи бизнес-режа, қурилиш материалла-рини ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантириш ва кадрлар тай-ёрлашни комплекс шакллантиради.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги қурилиш тармоғига инновациялар-ни кенг татбиқ этиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

*Сиддхарт САКСЕНА,
Марказий Осиё бўйича Кембридж форуми раиси,
Буюк Британия*

* * *

Қишлоқ жойларда туаржой даҳалари қурилиши лойиҳасининг мис-ли кўрилмаган суръатларда амалга оширилиши миқёси ва сифати бўйича инновацион, глобал воқеа ҳисобланади. Мазкур дастур нафақат республика аҳолисининг 50 фоизи истиқомат қиласидаган қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашни, балки қишлоқ жойларини саноатлаштириш, кичик бизнес ривожланишини рағбатлантириш, ижтимоий инфратузил-мани таъминлаш каби иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ҳам ривож-лантиришни кўзда тутади.

Бундан ташқари, “яшил” туаржойларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунга Самарқанд вилоятида “яшил” туаржой даҳасини қуриш бўйича биринчи лойиҳа тасдиқланганини мисол сифа-тида келтириш мумкин.

*Элейн ГЛЕННИ,
Осиё тараққиёт банки лойиҳаси раҳбари*

* * *

Охирги ўн йилда Ўзбекистонда юкори иқтисодий ўсиш суръатлари (ўргача йиллик 7,8 фоиз) кузатилиб, бундай кўрсаткич дунёning камдан-кам мамлакатларида қайд этилди. Бундан ташқари, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози даврида Ўзбекистон изчил иқтисодий баркарорликни намоён эта олди. Ялпи ички маҳсулот 2011 йилда 8,3 фоизга ва 2012 йилда эса 8,2 фоизга ўсди. Йиллик инфляция даражаси 2012 йилга келиб сезиларли даражада пасайди.

*Вероника БАКАЛУ,
Халқаро валюта Фонди
Яқин Шарқ ва Марказий Осиё Департаменти
бўлим бошлиги ўринбосари*

* * *

Лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси менда катта таассурот қолдирди. Ҳукуматингиз ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида сабитқадамлик билан олға бораётганлигининг гувоҳи бўлдим. Сизларга келгусида муваффақиятлар тилайман. Қачонлардир менинг мамлакатим ҳукумати ҳам қишлоқ аҳолисини муносиб уй-жой билан таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратади, дея умид қиласман.

*Роберт ВИНЕР,
Калифорния қишлоқ уй-жой қурилиши
коалицияси ижрочи директори,
АҚШ*

* * *

Маълумки, республика МДҲ бўйича иқтисодий тараққиётнинг энг юқори кўрсаткичларига эришиб келмоқда. Глобал иқтисодиётнинг жиддий муаммоларига қарамасдан, мамлакатга хорижий инвестициялар киритилмоқда, молия-банк тизими ишончли фаолият юритмоқда. Асосийси эса – аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсиши таъминланмоқда.

Лекин Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган пухта, чукур ўйланган сиёсат ҳамма давлатларда ҳам мавжуд эмас. Биз бу ерда уй-жойни лойихалаштириш ва куришнинг юқори даражада ташкил этилганлигини, уни молиялаштиришнинг оммабоп қулай тизими-ни ҳамда қишлоқ қурилишининг индустрисал базаси яратилганлигини кўришимиз мумкин. Қурилиш учун зарур коммуникацияга эга ер майдонларининг ажратилиши ва ижтимоий объектларнинг барпо этилиши қурилишларнинг комплекслигини ва умуман, қишлоқда қулай турмуш шароити яратилишини кафолатлади.

*Анатолий ДРОНЬ,
МДХ Ижрочи котиби,
Ижроия қўмита Раиси ўринбосари*

* * *

Мамлакатингизнинг қишлоқда уй-жой қурилиш дастури орқали ҳақиқатда ўзининг маънавий, ижодий, яратувчанлик салоҳиятини ривожлантириш учун моддий асосга эга бўлган қишлоқнинг ёш “ўрта синфини” – маслакдош инсонлар бирлашмасини яратмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон МДХ ҳудудида аҳолининг ўсиш суръати ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича етакчи ҳисобланади. Ўзбекистонда аҳоли нафақат ўсмоқда, балки билимли ва юқори малакали инсонлар улуши шаҳарлардаги каби қишлоқ жойларда ҳам изчил ошиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон тажрибаси аҳоли сони ва сифати тўхтовсиз равишда пасайиб бораётган бошқа мамлакатлар учун мукаррар равишда зарур бўлади.

*Дмитрий ВИДРИН,
профессор, Украина Президентининг
штатсиз маслаҳатчиси*

* * *

Ўзбекистонда уй-жой қурилишига йирик инвестицияларнинг киритилиши қишлоқ ҳудудларида қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини

рагбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш оркали аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш стратегиясини самарали амалга ошириш имконини беради.

Айрим мамлакатларда атроф-муҳит ва экологияга етарли даражада эътибор қаратилмасдан, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий соҳаларга катта микдордаги инвестициялар йўналтирилади. Ўзбекистон эса бундан мустасно. Бу ерда атроф-муҳитни сақлаб қолишга қаратилган лойихалар амалга ошириб келинмоқда.

*Нихил ЧАНДАВАРКАР,
БМТнинг ижтимоий ва иқтисодий
масалалар департаменти хузуридаги
Барқарор ўсии бошқармасининг
ахборот ва алоқа бўлими бошлиги, профессор*

* * *

Мен Ўзбекистон тажрибаси билан танишиб чиқиб, Президент Ислом Каримовнинг узоқни кўра олиши билан ҳайратландим. Мисол учун, Англия тажрибасини келтирсак, Нью-Форест қишлоқ ҳудуди шаҳарликларнинг босими остида урбанизациялашиш қурбонига айланмоқда. Аммо Ўзбекистонда қишлоқ уй-жой массивларини қуришда миллий стандартларга асосланилиши, қишлоқ ҳудудларда ҳудди шаҳарлардаги каби шарт-шароитларнинг яратилиши ҳудуд экотизимини ўзгаришларсиз сақлаб қолиш имконини беради.

Шу нарса аниқ ва равшанки, қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш янги уй соҳиблари фаровонлигини оширади ва ҳудуд иқтисодиёти билан бир қаторда ҳудуд экологиясини ҳам яхшилайди. Бунинг натижасида қисқа ва узок муддатли истиқболда маҳаллий аҳоли бандлиги ва даромадининг ошишини ҳам прогноз қилиш мумкин.

*Майкл ТОМАС,
“Pathfinder Trade & Invest” компанияси
ижроочи директори,
Буюк Британия*

* * *

Жадал ривожланаётган ажойиб ва кўркам мамлакатни кўриб қалбим бениҳоя қувонмоқда. Ўзбекистон жаҳон молиявий инқирози шароитида молия бозорини самарали ва муносиб тартибга солди ва шунинг учун ҳам ушбу инқирознинг салбий оқибатлари таъсиридан четда қолди.

Агар биз қишлоқ жойларида иқтисодий ўсишга эришишни истасак, у ерда фаровон турмуш учун шароит яратишими, фарзандлар ва кела-жагимиз ҳақида ўйлашимиз зарур. Ўзбекистон дастурни амалга ошириш орқали нафакат қишлоқ аҳолисининг тураржойини яхшиламоқда, балки бу билан уларнинг келажаги учун шароит яратмоқда.

Ўзбекистонда катта шаҳарлар ва улар атрофидаги ҳудудлар аҳолиси турмуш даражаси ўртасида кескин тафовутлар йўқ. Мен Пекин ва Парижда кўрган хароба тураржойларни мамлакатингизда учратмадим.

Биз ҳам уй-жой қурилишида Ўзбекистон амалга оширган ишларни бажаришимиз лозим. АҚШнинг ҳамма штатлари ҳам Ўзбекистон сингари бундай дастурларни маблағ билан таъминлай олмайди ва бу ерда давлат молиялаш учун бундай манбаларни топа олгани чиндан ҳам ажойиб иш бўлган.

*Ахим КОДДЕРМАНН,
Нью-Йорк Давлат университетининг профессори,
АҚШ*

* * *

Ўзбекистон Президентининг маъruzаси менда катта таассурот қолдирди. Бугун мен эшитган нутқ республикангиз қишлоғида яшаш қанчалик долзарб ва эътиборли эканлигини исботламоқда. Бу мени ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ишлашга, қишлоқ жойларида тураржойлар қурилиши бўйича ўз лойиҳаларимни таклиф этишга янада илҳомлантириди.

*Норберт ДАХРОТ,
Берлин мұхандислар ва меморлар уюшмаси бошқарувининг аъзоси,
“Dachroth Baukammer Berlin” мұхандислик бюроси раҳбари,
Германия*

* * *

Бой табиий ресурслар ва юқори малакали меҳнат салоҳияти, географик жойлашув афзалигига эга бўлган Ўзбекистон Европа ва Осиёни боғлаб туради. Улкан салоҳиятга эга республика Ўрта Осиёда энг йирик бозорлардан бири ҳисобланади.

*Ро Жей ГЮН,
Корея металлга ишлов берии саноати
федерацияси сабиқ раиси,
Корея Республикаси*

* * *

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иктисодий турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида кўплаб дастурлар самарали амалга оширилмоқда. Зеро, бундай лойиҳалар нафақат ҳудудларнинг кўркига кўрк қўшади, балки қишлоқ хўжалиги ва қурилиш саноатининг изчил ривожланишида, жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада тарақкий этишида муҳим аҳамиятга эга. Замонавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойларни сотиб олиш учун банклар томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратилаётгани Ўзбекистон раҳбарияти томонидан халқ фаровонлигини ошириш йўлида кўрсатилаётган улкан ғамхўрликдан да-лолатдир.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни мунтазам кузатиб бораман. Мамлакатингиз мазкур йўналишда бутун дунёда қўлласа арзийдиган, аниқ ва пухта шаклланган механизмни, самарали ва гоят истиқболли ислоҳотларни амалга ошираётганини қайд этишни истардим. Малайзия университетларида ҳам ўзбекистонлик ёшлар таълим олади. Мамлакатингиз ёшлирининг билимга чанқоқлиги, доимий равишда интилиш ва изланишда экани ҳавасимизни келтиради. Улар хорижий тилларни жуда яхши билади. Юрtingизда Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун бор куч-тайрати ва шижоати билан курашадиган, халқингиз равнақи учун камарбаста

бўладиган бундай иктидорли ёшлар етишиб чиқаётганидан фахрлансан-
гиз арзийди. Ўзбекистоннинг тарихи бой, келажаги эса янада буюқдир.

Жозеф АДАЙКАЛАМ,
“Binary Management & Entrepreneurship” университети
ижрочи директори, вице-канцлер,
Малайзия

* * *

Ўзбекистонда уй-жой қурилиши масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётгани таҳсинга лойиқ. Самарқанд вилоятида мұкаммал лойиҳалар асосида қурилган шинам ва кўркам уйларни кўриб, улар шарт-шароит ва қулайлиги жиҳатидан шаҳардаги уйлардан асло қолишимаслигига амин бўлдик. Кенг ва равон йўллар, мухташам иморатлар, замонавий мактаблар, тиббиёт масканлари қишлоқларга ўзгача кўрк ва тароват баҳш этиб турибди. Бу ердаги кўни-қўшниларнинг ахиллиги, умуман Ўзбекистон халқи меҳр-оқибатли, иноқ ва баҳтли эканига ҳавасимиз келди.

Дан ГОУИН,
Хитой ижтимоий фанлар академияси хузуридаги
Қишлоқни ривоҷлантириши институти микроқитисодиёт
бўлими мудири, профессор,
XXP

* * *

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва дунёда “ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт йўли 5 та асосий тамоилига асосланган: иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, давлат бош ислоҳотчи, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш.

Республика раҳбариятининг кучли ижтимоий сиёсат юритиши, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда масъулиятни давлат тўлиқ ўз зиммасига олганлиги натижасида қишлоқда амалга оширилган бозор ислоҳотлари “шок терапияси” тусини олмади.

Бу – мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ эълон қилинган “ислоҳот – ислоҳот учун эмас, балки аввало инсон учун” тамойилининг амалий тасдиғидир.

Мамлакат раҳбарияти қулай ижтимоий-маиший шароитларни яратиш орқали одамлар онги ва дунёқарашидаги ўзгаришларни белгилайдиган, ўз оиласи фаровонлигини ошириш учун самарали меҳнат қилишга замин яратадиган омилга айлантириш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ўсишига ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

*Артур ГАШЕНКО,
“Европа-Азия-Медиа” нашири бош муҳаррири,
Украина*

* * *

Ўзбекистон хукуматининг уй-жой қурилиши бўйича ташабbusи қишлоқ жойларини ривожлантириш ҳамда замонавийлаштириш борасида муҳим қадам ҳисобланади. Ушбу ташабbus иш жойларини ташкил этади ва аҳолининг салмоқли қисми учун уй-жой шароитларини яхшилашга имкон беради.

*Эрл РАСМУССЕН,
“Eurasia Center” ижроchi вице-президенти,
АҚШ*

* * *

Ўзбекистон мутақилликдан кейинги қисқа вақт ичида қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этиб, ҳозирда ривожланишнинг барча жабҳаларида олға қадам босмоқда. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг диққатга сазовор жойларига бўлган ташрифимиз мобайнида Ўзбекистоннинг замонавий уй-жой, савдо-сотик ва

турли хил бошқа мақсадлар учун мұлжалланған биноларни қуриш борасида әришган ютуклари мақтовга арзигулик эканлиги ва ортирган тажрибаси үзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришига амин бўлдим.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида молиявий иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари ҳалигача ўз таъсирини йўқотгани йўқ. Бунга уларнинг аксариятида қурилиш соҳасига ажратилган давлат харажатларининг қисқараётганлиги мисолдир. Ўзбекистонда эса йил сайин янги бинолар ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо қилинмоқда. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши борасида давлат сиёсати, энг аввало, қишлоқ аҳолисининг манфаатлари ва эҳтиёжларини кондиришга йўналтирилганлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

*Луис Альфонсо КАМАРЕРО РИОХА,
Масофали таълим миллий университетининг профессори,
Испания*

* * *

Ўзбекистонда инфратузилманинг ривожланиши ҳамда қишлоқ уй-жойлари меъморчилигининг яхшиланиши Президент Ислом Каримов бошчилигига изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар самарасини намоён этмоқда.

Мамлакатингиз тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақаларни босқичма-босқич комплекс ривожлантиришда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларини ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмаси обьектларини такомиллаштириш асосий омиллар ҳисобланади.

Ўзбекистон Марказий Осиёда автомобиль ишлаб чиқарадиган ягона мамлакат ҳисобланади.

Мен кўп йиллардан бўён собиқ Иттифок ҳудудида юз бераётган ижтимоий-иктисодий жараёнларни тадқиқ этмоқдаман.

Улар орасида пахта яккаҳокимлигига асосланган иқтисодиёт ҳукмронлик қилган республикадан энг замонавий технологияларни ривожлантираётган мамлакатгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Республикаси алоҳида ўрин тутади.

*Игаль ОВШИЕВИЧ,
Беэр-Шева шаҳри мэрининг ўринbosари,
Исроил*

* * *

Қишлоқ жойлардаги янги тураржой қурилиши энг юқори мезонларга жавоб бериб, шаҳар шароитига тўлақонли мувофиқ келади. Намунавий лойиҳалар бўйича қурилган янги уйларда нафакат умумқабул қилинган техник меъёrlарга, балки ўзбек оиласари турмуш тарзига мос келувчи амалий ечимлар мужассамланган. Ушбу уйларга якинда кўчиб келган кишиларнинг фикр-мулоҳазаларига қараб бунга ишонч ҳосил қилдим. Бу кишиларнинг кайфияти тўлақонли, баҳтли ва фаровон турмуш ҳақида таассурот қолдиришини таъкидлаб ўтмоқчиман.

*Омари бин ХАШИМ,
Путраджай маъмурий маркази шаҳар режислаштириши
департаменти вице-президенти,
Малайзия*

* * *

Ўзбекистон ҳудудида халқаро стандартлар бўйича қурилган минглаб замонавий уй-жойлар пайдо бўлаётганини кузатиб, ушбу босқичда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти бир неча йиллар давомида юқори ўсиш суръатларини намоён қилаётганига ажабланмаймиз. Қулай шаро-

итларда истиқомат қиладиган ва ўз қелажагига ишонч билан қарайдиган инсонлар – бу республика тараққиётини янги босқичга олиб чикишга қодир бўлган ҳаракатланувчи кучdir.

*Борис МАНЕЕВ,
Киръят-Гат шаҳар кенгашининг депутати,
Исроил*

* * *

Замонавий уй-жой қурилиши аҳоли турмуш даражасининг ўсиши билан уларнинг уй-жойга эга бўлиш имкониятларини ошириш ва қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратишни назарда тутувчи қишлоқ тараққиётининг асосий омилидир.

Дастур кам таъминланган ёш оиласлар ва янги уй-жой соҳибларига замонавий қишлоқ уйларини сотиб олиш учун кредит ва имтиёзлар тизимини ҳам ўз ичига олади.

Хукуматингизнинг қишлоқ жойларни ривожлантириш йўлида дадил қабул қилаётган қарорлари, олийжаноблиги ва қатъий ишончи бизни лол қолдирмоқда. Қишлоқ қурилишини инновацион ривожлантиришга бўлган интилишингиз турмуш сифатини кескин яхшилаб, унинг даражасини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакатингизнинг эришган ютуқлари билан чин юракдан табриклишга ижозат берасиз.

*Ниннат ОЛАНВОРАВУТ,
Жануби-Шарқий Осиё Олий таълим муассасалари
ассоциацияси Бош котиби (ASAHL),
Тайланд*

* * *

Ўзбек халқи азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг устаси сифатида донг таратган. Шу боис бу заминда қурилган иморатлар асрлар давомида дунё аҳлини ҳайратга солиб, эътиборини тортиб келмоқда. Намуnavий лойиҳалар асосида қурилган якка тартибдаги уй-жойларни

кўриб, очиги, хайратдан лол қолдим. Уйни куришда ҳатто шамолнинг йўналишидан то ёз ва қиш ойларидағи иссик ва совук ҳаво оқимининг хоналарга таъсир кучигача инобатга олинган. Йўл ва йўлаклар, машина қўйиш учун гараж, болалар майдончаси – ҳамма-ҳаммаси ҳисобга олинган. Фуқароларнинг ахил-иноқ ҳаёт кечириши, уларни буюк бунёдкорлик ишларига сафарбар этишда маҳалла институти муҳим роль ўйнашига гувоҳ бўлдик. Бошқарувнинг бу ноёб усули халкнинг миллий менталитети ва ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқлиги эътиборга молик.

*Винчензо РУССО,
“VIFRA SRL” компанияси бош директори,
Италия*

* * *

Курилиш соҳасида йигирма йиллик иш тажрибасига эга мутахассис сифатида шуни ишонч билан айтишим мумкинки, қишлоқ жойларда бундай чиройли ва шинам уйлар ҳамда ижтимоий обьектларни барпо этган одамлар ўз ишининг ҳақиқий усталаридир. Бу инфратузилмалар маҳаллий курилиш материаллари асосида барпо этилаётгани уйлар нархининг арzon бўлиш имконини беради. Айни пайтда мен ҳам ана шундай лойиҳалар устида ишламоқдаман ва бу борада менга Ўзбекистоннинг тажрибаси жуда кўл келишига ишонаман.

*Войчех ЦЛУЖИНЬСКИЙ,
“Multibud W.Clurzinsk” компанияси бошқаруви раиси,
Польша*

* * *

Қишлоқларни ривожлантириш нафақат Ўзбекистон учун, балки барча мамлакатлар учун долзарбdir. Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларидағи қишлоқларда курилган уйлар, майший хизмат муасасалари билан танишиб, мамлакатингизда ижтимоий-иктисодий

соҳаларни изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хақидаги таассуротимиз янада бойиди. Барпо этилаётган замонавий уйларни сотиб олиш учун ахолига 15 йил муддатга кам фоизли кредитлар берилиши диққатга сазовор. Ғоят фойдали ва самарали бўлган бундай лойиҳаларнинг Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётгани Ўзбекистонда бундай хайрли ишлар самарасининг янада ошишига хизмат қиласди.

**Жиотсна ДЮБЕ ЧОУДХРИ,
Ҳиндистон – МДҲ савдо-саноат
палатаси Бош котиби**

* * *

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар, юкори даражада бажарилган ушбу лойиҳалар менда катта таассурот қолдирди, бунга ҳавасим келди. Хоналар кенг, яшаш майдони катта қилиб қурилганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Мен дунёning кўп жойларида бўлганман, аммо айнан сизнинг мамлакатингизда қишлоқларда уй-жой қурилиши дастурини амалга оширишда хайратланарли куч-куvvват ва улкан шижаоат кўрсатилаётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

**Жоб РУС,
Дельфт техникауниверситети меъморчилик
департаменти раиси,
Нидерландия**

* * *

Мамлакатингизда амалга оширилаётган ишлар олий мақтовга сазовордир. Ўзбекистон Президентининг бугунги конференция очилишида айтиб ўтганларини тўлиқ қўллаб-куvvatлайман. Шу ўринда мен Ислом тараққиёт банки Президентининг: “Марказий Осиёning барча мамлакат-

лари Ўзбекистондан ибрат олишлари керак”, деган сўзларини қўллаб-куватламоқчиман. Республикангиз бутун Марказий Осиё минтақаси учун ўрнакдир.

*Андре ЯНКЕ,
“Andre Janke” меъморчилик бюроси раҳбари,
Германия*

* * *

Бугунги кунда биз Ўзбекистонда қурилиш соҳасида юкори ютуқларга эришилганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мен кўп мамлакатларда бўлганман, лекин Ўзбекистон каби уй-жой қурилиши ишида бу қадар ғамхўр мамлакатни учратмаганман ва бу мени қойил қолдирди. Ўзбекистон хукуматига ва унинг халқига кишлоқ худудларида қурилаётган уй-жойлар учун миннатдорчилик изҳор этаман. Ўзбекистон Республикасига келгусида янада кўплаб зафар ва ютуқлар тилайман.

*Салаҳ СУЛТАН,
Осиё мусулмонлари қўмитаси котиби,
Кувайт*

* * *

Ўзбекистонда ушбу муҳим мавзудаги халқаро конференция-нинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Чунки мамлакатингизда қишлоқ жойларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча давлат учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистонда замонавий уй-жойларни барпо этиш ва бу ишларни молиялаштириш, масивларни танлаш, аҳоли пунктларининг бош лойиҳаларини тузиш, қурилиш материаллари билан таъминлаш каби жиҳатларни қамраб олган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилгани таҳсинга сазовордир. Ўзбекистонда қишлоқларни комплекс равишда ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бутун мамлакатни янада

тараққий эттириш йўлида юксак самаралар беради, деб алоҳида қайд этиш керак.

*Хавъер Салседо КАБЕЛЬО,
“PROES Consultants S.A.” компаниясининг
меъморчилик департаменти директори,
Испания*

* * *

Хозирги вақтда Ўзбекистонда оилаларнинг 97 фоизи шахсий уй-жойга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай кенг кўламли қишлоқ қурилиши қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартиради, шунингдек, замонавий ҳаёт тарзини шакллантиради. Ушбу устувор мақсадлар ҳозирги замон талаблари ва тараққий топган давлатларнинг илғор тажрибасига мос келади.

Республикада амалга оширилаётган Давлат дастури доирасидаги уй-жой қурилиши аҳоли турмушини яхшилайди. Мени, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жой қуриш жараёнларининг барча иштирокчилири учун амал қилаётган иқтисодий рағбат ва механизмларнинг ташкил этилганлиги ҳайратга солди.

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда кенг кўламли уй-жой қурилишини давлат томонидан кўллаб-куватлаш тажрибаси, аҳолини қишлоқ худудларида саклаб қолиш бўйича ишончли асосларни шакллантириш ва қишлоқ ҳамжамиятининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича тажрибаси чукур ўрганишга лойиқdir.

*Ольга ПОПОВА,
иқтисодиёт фанлари доктори,
Украина Миллий фанлар академияси
Иқтисодиёт ва прогнозлаштириши институти,
Украина*

* * *

Ўзбекистонда 2012–2015 йилларда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш лойиҳаси мамлакатингизда ижти-

моий соҳани янада тараққий эттириш йўлида танланган энг тўғри қадамлардандир. Бундай эзгу ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тизимга халқаро молия институтлари маблағларининг ҳам жалб этилиши, айникса, таҳсинга сазовор. Ўзбекистоннинг бу соҳада катта тажрибага эга Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорлиги қишлоқда уй-жойлар қурилишини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

*Сергей ТОЛСТОВ,
Украина Миллий фанлар академияси Жаҳон
иқтисодиёти ва халқаро алоқалар
институти профессори*

* * *

Ўзбекистондаги қулай инвестицион муҳит чет эл сармояси ва янги технологиялар жалб этилишига қўмаклашади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида изчил ривожланиб бораётган, нуфузли халқаро молия муассасалари томонидан эътироф этилган юқори иқтисодий кўрсаткичларни намоён этаётган Ўзбекистонга Истроил компаниялари алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

*Шимон ЯКОБСОН,
“SHIRAN” кўп ихтисосли қурилиш компанияси президенти,
Истроил*

* * *

Ҳиндистонда қишлоқ уй-жой қурилишига маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси раҳбарлик қиласи. Бироқ маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси аҳолининг кам таъминланган катламларининг уй-жой эҳтиёжларини қондириш учун етарлича маблагларга эга эмас. Ҳукуматимиз бу соҳада Ўзбекистон ҳукуматидек ғамхўрлик кўрсатмайди. Мамлакатингиз Ҳукумати олиб бораётган ушбу сиёsat нафақат қишлоқ оиласарига тураржой сотиб олишда улкан қўмак бермоқда,

балки намунавий уй-жойлар қурилишида фаолият кўрсатаётган кўп сонли одамларни иш билан таъминламоқда.

*Сукхвиндер Сингх ЖОХАЛ,
Аграп ва саноат тармоқларини ривожлантириши
тадқиқотлари маркази доценти,
Ҳиндистон*

* * *

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қишлоқларингизда комплекс равишда барпо этилаётган тураржой массивлари ва ҳовлилар кўп асрлар халқингизга хизмат қилишига ишонаман. Тинчлик ва осо-йишталиқ, аҳиллик, меҳнат ва маданиятни қадрлайдиган халққа бундай уйлар жуда ярашади.

*Роланд ЛАУРЕЙ,
“Laurey Architecture & Environment”
компанияси директори,
Нидерландия*

* * *

Уй-жой қурилиш дастури Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишни таъминлашда ва аҳоли эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Дастурни амалга оширишга йўналтирилган инвестициялар келгусида аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ва турли соҳаларда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиласида ва бу, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётини янги ривожланиш босқичига олиб чиқади. Инфратузилманинг ривожланиши эса қурилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларининг интеграциялашувига сабаб бўлиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилишини кенгайтиради ва янги мустақил кластерларни шакллантиради.

*Анил Кумар МАТХУР,
Ҳиндистон – МДҲ савдо-саноат палатаси Бош котиби,
Ҳиндистон*

* * *

Үй-жойлар қурилишини изчил олиб бориш учун ҳар бир давлат, авваламбор, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим. Қишлоқларни ҳар томонлама замонавийлаштириш учун у ерда нафақат янги үй-жойларни барпо этиш, балки таълим муассасалари ва аҳолига хизмат қўрсатиш мажмуаларини кўпайтириш, инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, йўллар барпо этиш, сув ва электр энергияси тармоқларини ўtkазиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби кенг кўламли масалаларни ҳал этиш керак. Ўзбекистонда бу масалага ана шундай комплекс асосда ёндашилаётгани дикқатга сазовордир.

Мамлакатингизда қишлоқларни комплекс ривожлантириш, намунаий лойиҳалар асосида замонавий үй-жойлар бунёд этиш бўйича яхлит тизим шакллангани, замонавий тураржойларни қуриш ва молиялаштиришда пухта ташкилий-хуқукий механизм яратилганидан бошқалар ҳам ибрат олса арзиди.

*Сок Йонг ФАНГ,
Сингапур Менежмент университети иқтисодиёт
факультети профессори*

* * *

Аввалимбор, Ўзбекистоннинг ўзига хос меъморчилиги мени лол қолдирди, ҳайратга солди, ўзига ром килди. Бунинг сабаби, унинг ўзида шарқнинг қадимий таровати ва замонавий наққошлигини ўғунаштирилганлигидир.

*Элчин АЛИЕВ,
Озарбайжон Миллий фанлар академияси
Меъморчилик ва санъат институти
бўлим бошлиги,
Озарбайжон*

* * *

Курилиш тармоғининг мутахассиси сифатида, мени, биринчи галда, Ўзбекистондаги лойиҳалашга замонавий ёндашувлар, шунингдек,

янги курилиш технологиялари қўлланилиши қизиқтириди. Айнан шу янги уйларда ишончлилик, хавфсизлик ва шинамликни таъминлашга имкон беради.

Билишимча, факат шу йилнинг ўзида республикангизда 10 мингтага яқин ана шундай уй-жойлар курилиши мўлжалланмоқда. Демак, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши бўйича амалга оширилаётган дастурлар узоқ муддатли тусга эга. Компаниямиз ўзбекистонлик шериклар билан ушбу йўналишда ҳамкорлик қилишга тайёр.

*Роджер ЛАЙНЗ,
“Penn Lyon Housing Systems”
компанияси президенти,
АҚШ*

* * *

Ўзбекистонда қишлоқ жойлар ривожланишини таъминлашда олиб борилаётган чора-тадбирлар кўлами менда чуқур таассурот қолдириди. Туаржой массивларида новвойхонадан тортиб замонавий тиббий пунктларгача бўлган энг зарур хизмат кўрсатиш масканлари ва инфратузилма мавжуд. Қишлоқ аҳолисининг яшаш тарзини яхшилашга таалукъли чуқур ўйланган чоралар бир пайтнинг ўзида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатиш масалаларини ҳал қилиш имкониятини яратади.

Айтиш мумкинки, қишлоқ аҳолиси туаржойларининг ички ва ташки безаги ҳар қандай мақтovга лойиқdir. Курилиш замонавий хомашёлардан унумли фойдаланган ҳолда дид билан аъло даражада лойиҳалаштирилган. Айтиб ўтмоқчиманки, Эстонияда қишлоқ жойлар сизларники каби кўринишга эга эмас. Шу сабабли менинг Ўзбекистонга бўлган биринчи ташрифим мен учун жуда ҳам самарали бўлди. Бу ерда олиб борилаётган қишлоқ уй-жой қурилиши ишларининг ҳайратланарли кўламини ўз кўзим билан кўриб гувоҳи бўлдим.

*Мэри КЛООРЕН,
Кишлоқ минтақалари иқтисодиёти тадқиқот маркази
департаменти раҳбари ўринбосари,
Эстония*

МУНДАРИЖА

“Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидағи нутқи	3
Ислом тараққиёт банки Президенти Аҳмад Мухаммад Алининг нутқи	14
Осиё тараққиёт банки Вице-президенти Шиао Жаонинг нутқи	20
Жихан Султаноглу. Ўзбекистоннинг жадал олиб бораётган ислохотлари доирасида қишлоқни тубдан ободонлаштириш тажрибаси	26
Филипп Ле Уэру. Қишлоқ худудларини ривожлантириш бўйича айрим давлатлар тажрибаси	33
Вероника Бакалу. Ўзбекистоннинг ахоли фаровонлигини оширишга қаратилган макроиктисодий сиёсати	37
Алисия Дела Роса Бала. Қишлоқ жойларда қашшокликни бартараф этишда халқаро аҳвол таҳлили ва Ўзбекистоннинг бу соҳадаги платформаси	42
Омер Зафар. Қишлоқ жойларни ривожлантиришнинг ИФАД ва Ўзбекистон ҳамкорлик стратегияси	47
Роберт Винер. Калифорнияда уй-жой қурилишини ривожлантириш тажрибаси	50
Юань Ли. Қишлоқлар ривожланишини молиявий қўллаб-куватлаш	55
Бюнг Хё Ким. Қишлоқда турмуш тарзини тубдан яхшилаш бўйича Корея ва Ўзбекистон тажрибаси	58
Отмар Зайберт. Қишлоқ худудларини баркарор ривожлантириш омиллари	61

Теңүя Ямада. Япония ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг устувор йўналишлари	65
Нихил Чандаваркар. Қишлоқ жойларда уй-жой курилишига инвестициялар киритиш орқали баркарор ўсишга кўмаклашиш	68
Элейн Гленни. Қишлоқ жойларда уй-жой курилиши дастурини амалга оширишда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишининг асосий омиллари	73
Борис Манеев. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибаси	79
Ольга Попова. Уй-жой курилиши қишлоқда – жадал ривожланиш омили сифатида	82
Лорен Дебалье. Қишлоқ қурилишида замонавийлик ва анъаналар уйғунлиги	87
Майкл Томас. Шахар ва қишлоқ ўртасидаги тафовут: муаммолар ва ечимлар	89
Чжу Бопин. Қишлоқдаги яшаш мұхити ва фермерлар турмуш сифатини яхшилаш масалалари	94
Анатолий Дронь. МДҲ худудида кенг оммалаштиришга лойик тажриба	98
Игаль Овшиевич. Қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича Истроил тажрибаси	102
Артур Гашенко. Қишлоқ жойларда аҳоли учун қулай ва фаровон турмуш шароитини яратиш	104
Петер Шнайдер. Қишлоқ тураржойларини лойиҳалаш иктисодий ривожланишни жадаллаштириш ва турмуш даражасини ошириш калити	106
Салаҳ Султан. Қишлоқ иктисодиётида уй-жой қурилишининг аҳамияти	109
Дмитрий Видрин. Қишлоқда сифатли уй-жой қурилиши – аҳоли яшаш даражасини оширишнинг мұхим йўналиши	112
Ниннат Оланворавут. Ўзбекистоннинг қишлоқ уй-жой қурилиши амалиёти	114
Мэир Ницан. Истроил кибуцлари – қишлоқ жойларни ривожлантиришнинг самарали шакли сифатида	117
Хельмут Коварик. Қишлоқ жойларда санитария станцияларини ташкил қилиш	119

Сукхвиндер Сингх Жохал. Хиндистонда кам таъминланган қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш: дастур ва сиёsat	122
Мэри Клоорен. Қишлоқ жойларни ривожлантиришда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш (Эстония тажрибаси)	125
Надежда Комендантова. Инфратузилмани инвестициялаш – Ўзбекистонда қишлоқ жойларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш омили	129
Ким Ён Гу. Аграр худудларни ривожлантириш қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг бош омили	133
Луис Альфонсо Камареро Риоха. Қишлоқни модернизациялаш жараённада ижтимоий-демографик ўзгаришлар: Испания тажрибаси	137
Бифан Цзяо. Хитойда қишлоқ уй-жой курилишини ривожлантириш истиқболлари ...	140
Каролин Бастианс. Ижтимоий тураржойларни инвестициялашда давлат ва хусусий соҳа ҳамкорлиги	144
Чен Чанмин. Қишлоқларда уй-жой курилиши янги тартибларининг таҳлили	147
Али Фаринпур. Қишлоқларда уй-жой курилишини ривожлантириш минтақавий тараққиётни белгиловчи кўрсаткич сифатида	151
Кристоф Вашер. Замонавий уй-жой курилиши – қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш омили	155
Фахад ал-Мекрад. Қишлоқ жойларда уй-жой курилиши – иктисодий тараққиёт гарови	158
Жйотсна Дюбе Чоудхри. Ҳиндистонда қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурлари	161
Алла Есипенко. Инновациявий технологиялар ва замонавий курилиш соҳасидаги конвергенция	166
Ахмед Халук Карабел. Қишлоқ муаммоларини ҳал қилишда молиявий механизmlар ва инвестициялар бош мезонидир	169
Татьяна Корогодина. Қишлоқ жойларда уй-жой курилишини ривожлантириш ва қишлоқларни ободонлаштириш	174

“Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” халқаро конференциясининг хулоса ва тавсиялари	177
“Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция хорижий иштирокчилари томонидан билдирилган фикрлар.....	187

**ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ –
ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРНИ КОМПЛЕКС
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚIЁФАСИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АХОЛИ
ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ
ОМИЛИ**

Халқаро конференция материаллари

Нашр учун масъуллар: *И. Аҳмедов, Э. Қурбонов*
Бадиий мухаррир *Ҳ. Қутлуков*
Техник мухаррир *Т. Харитонова*
Кичик мухаррир *Д. Холматова*
Мусаххилар: *М. Ишонхонова, Г. Азизова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашриёт лицензияси. АI № 158, 14.08.09.
Босишига 2013 йил 31 майда рухсат этилди.
Офсет көғози. Қоғоз бичими 70x90^{1/16}.
“Таймс” гарнитурада офсет усулида босилди.
Шартли босма табоби 15,80. Нашр табоби 13,26. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 13-292.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

3-30 “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” халқаро конференция (16–17 апрель; 2013; Тошкент)

Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили: халқаро конференция материаллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 216 б.

ISBN 978-9943-01-967-6

Ушбу тўпламга Ўзбекистонда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши комплекс дастури амалга оширилиши самарадорлиги ҳамда натижаларини ўрганишга бағишинланган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартериш ҳамда ахоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференция хорижий иштирокчиларининг маъруза ва нутқлари киритилган.

Конференция иштирокчилари маърузаларида Ўзбекистонда қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кенг кўламли дастурларини амалга ошириш учун яратилган ҳуқукий ва институционал асослар, уларнинг иктисодиёт ва унинг алоҳида тармоклари ривожланишига, қишлоқ аҳолиси бандлигининг ўсиши ва даромадлари ошишига таъсири борасида юкори баҳо берилган. Шу билан бирга, маърузаларда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги тафовутларни қискартириш сиёсати амалга оширилишида хорижий мамлакатлар тажрибаси ва улардан келиб чиқкан ҳолда хулоса ва таклифлар берилган.

Мазкур материаллар сиёсатчилар, иктисадчилар, илмий ходимлар, шунингдек, маҳаллий ҳокимлик органлари, қурилиш-войиҳа ташкилотлари мутахассислари, қишлоқ жойларда замонавий уй-жой қурилиши масалалари билан кизиқувчилар, шу билан бирга, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 323.69 (Ўзбекистон 575.1)
КБК 38.75

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

«O'ZBEKISTON»

